

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ш. ШОДМОНОВА**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
ПЕДАГОГИКАСИ**  
*(Ўқув-методик цўлланма)*

**ТОШКЕНТ-2008**

**Ш.Шодмонова. Мактабгача таълим педагогикаси. Т.,  
«Fan ya 4expolo§1ya», 2008, 160 бет.**

Мазкур кўлланма педагогика олий ўқув юртларининг мактабгача ва оиласи тарбия ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган. Унда мактабгача тарбия педагогикасига оид муаммолар бугунги кун талабларини хисобга олган ҳолда баён этилади.

**Масъул мухаррир: О.ХАСАНБОЕВА** - профессор

**Такризчилар:** **Ф.Р.ҚОДИРОВА** - пед фанлари доктори;  
**Д.ХОЛИКОВ-** пед. фанлари номзоди, доцент.

Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2007 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

•V УРКТЗ'

ISBN 978-9943-10-139-5

© «Fan ya 1expolo§1ya» нашриёти, 2008.

**/боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИ  
ФАНИНИНГ МАВЗУСИ, УСЛУБИЯТИ ВА  
БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ**

**Режа:**

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси ва баҳси.
2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг максади ва вазифаси.
3. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари.
4. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдаги ўрни.

Инсон тарбияси инсоннинг ўзи каби кадимий ва кенг қамровидир. Шу сабабли, инсонни хар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзузи бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, конункоидаларини излаганлар. Дарҳақиқат, инсоннинг маърифатлилиги ва маънавий комиллигига эришиш ишлари педагогика фани етакчилигига амалга оширилади.

Демак, педагогика фани кишига хар томонлама тарбия бериш, хар бир шахсни ҳамма ёш даврларида уйғун ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Шу боис, педагогика фани инсонни хар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, тарбия соҳасидаги жамият талабларини амалга ошириш йўлида хизмат килади.

Мактабгача педагогика эса болага тугилганидан то етги ёшигача хар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим-тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шаклларини ишлаб чиқади.

Инсон тарбиясига оид конунлар дастлаб халқ оғзаки ижодида: эртак, кисса, панднома, мақол ва матал кабиларда, кейинрөк ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган.

Таълим-тарбия ишларининг такомиллашиб боришида Шарқ ва Ғарбнинг қомусий олим ва педагогларининг ўрни каттадир. Марказий Осиёлик машхур алломалар: Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Ахмад Дониш, Фурқат, Абдулла Авлоний каби жаҳон тан олган мутафаккирлар ўзларининг катор асарларида таълим-тарбияга катта эътибор билан қараганлар.

Файласуф олим Форобий ўзининг «Фозил шахар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқали-инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳдаб беради.

Абдулла Авлоний эса тарбия ҳақида ғоят ибратли фикрларни билдиради. «Педагогика — Абдулла Авлонийнинг ёзишича, — бола тарбиясининг фани, демакдир». «Даре ила тарбия ... иккиси жон ила тан кабидир», «Даре оловчи—биливчи, тарбия оловчи—амал килувчи». Бу ерда педагогика фанига қисқа ва лўнда таъриф бериб, таълим билан тарбияни эса жон билан танга ўҳшатиб, уларни бир-биридан ажратиб тушуниш мумкин эмаслигини ёрқин ифодалаб берган. Авлонийнинг таъкидлашича, тарбияни ёшлиқдан бериш ниҳоятда зарур. Болага аввало, кичик ёшдан бошлаб, ота-она тарбия беради, кейин тарбия билан бутун жамоатчилик шуғулланади, чунки бунда инсон тақдирни хал этилади дейди.

Демак, педагогиканинг бош масаласи тарбия саналади. Тарбия жараённада эса боланинг онги, хистайғулари шаклланади. Энг мухими ижтимоий хаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий муносабатларга хизмат киладиган хулқий одатлар хосил бўлади.

Мактабгача таълим педагогикаси болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда

уларнинг хар томонлама ривожтанишини таъминлашга хизмат қиласди.

Мактабгача тарбия муассасалари хам болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш энг мухим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

«Мактабгача таълим педагогикаси» фани «Педагогика» фанининг бир қисми бўлиб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг назарий асослари: ёш авлодни баркамол шаҳе қилиб тарбиялашга қаратилган, таълим-тарбия борасида яратилган тажрибаларга назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюк мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларига асосланади.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари: таълим-тарбия муаммоларини, муайян миллатнинг миллий қадриятларини умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаган ҳолда хал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлантиришдан иборат.

Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунё-қарashi, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача педагогика фанининг долзарб муаммоларидан саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлиқ, ахлоқий поклиқ, жисмоний мукаммалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад

кўйиши, ёш авлодни хар томонлама ривожланган етук,, шаҳе қилиб тарбиялаш учун ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, аёлларни замон талаблари асосида тарбиялаш учун тарбиянинг янги усул ва воситаларидан кенг фойдалана олиш каби тарбиячилик маҳоратини шакллантиришга қаратилади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни хал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чикишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим педагогикаси фанининг қоида ва конунларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги кирраларини излаш бугунги куннинг дол зарб муаммоларидир.

Шунингдек, мустакиллик шароитида узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини хал этиш мактабгача таълим педагогикаси фани олдига катор вазифаларни қўймоқда.

Мактабгача ёшдаги болатарни тарбиялаш вазифалари эса шахени тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига ва хусусиятларига қараб белгиланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахеини хар томонлама камол топтириш жисмоний, ақлий, ахлокий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуасидан иборатdir.

Бу соҳада Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёт, буюк мутафаккир, педагог ва олимларнинг таътим-тарбияга дойр илғор фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнини ўрганиш биз учун жуда кимматлидир:

- таълим-тарбия тўғрисидаги қонун-қоида тамойил, метод ва усусларни болалар боғчатари амамӣ ҳаёти билан боғлаб, бўлажак тарбиячи — ўқитувчиларга ўргатиш хамда хатқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масапа-

ларини чуқур ўрганиб, бўлажак тарбиячиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш;

— мактабгача тарбия муассасаларида оила билан узий ҳамкорликда боладарни хар томонлама ривожлантириш ишини амалга ошириш.

Бундай вазифаларда тадқиқ этиш:

— биринчидан, болатар соғлиғини сақлади ва мустахкамлайди, жисмоний ривожланишини таъминлайди;

— иккинчидан, илмга қизиқиши ва қобилиятларини ривожлантиради;

— учинчидан, Ватанга, табиатга, жонажон ўлкага мухаббах, катталарга хурматни, ўртокдик ва жамоатчилик, хайрихоклик, хулқ маданияти, мустақиллик, уюшқоқлик ва интизом, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатларни тарбиялади;

— тўртингидан, эстетик тарбияни амалга оширади.

Кейинги йилларда жисмоний, ақлий, ахлокий, меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилган илмий-педагогик тадқиқотлар мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифаларини уларнинг психик-физиологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш зарурлигини қўрсатиб берди. Улар болалар боғчасининг «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастурида ўз аксини топган.

Илмий тадқиқот ишлари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни халқ таътимининг ҳамма бўғинларидаги ўқув-тарбиявий ишларни келгусида янада яхшилаш йўлларини топиш учун амалга оширилади.

Илмий тадқиқот методлари (метод — лотинча йўл деган маънони англатади) орқали амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишида олимлар педагогика, мактабгача таълим педагогикаси ва психология фанининг вакиллари, мактаб ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячилари ва шунингдек, тарбия бериш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар катнашадилар.

Педагогик воқеа-ходисаларнинг қонуниятларини очиш хар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Тадқиқотнинг эмпирик даражасида хар хил фактик материаллар йиғилади, улар тўлик ёритиб борилади, шунингдек, воқеалар ўртасидаги объектив боғлиқдиклар аникданади, тадқиқ этилаётган воқеа хар томонлама пухта ўрганилади.

Тадқиқотнинг назарий даражаси ўрганилаётган воқеанинг моҳиятини аниқлашга йўналтирилган маҳсус тизимластириш ва таҳлил усулидир.

Илмий тадқиқот ишини олиб боришида қўлланиладиган мактабгача таълим педагогикаси фанининг ривожланишини тъминлайдиган илмий тадқиқот методларига қўйидагилар киради.

**Адабиётларни ўрганиш методи.** Адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларни акс эттирувчи бую к мутафаккир педагогик олимларнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президента И.А. Каримов асарлари таълим - тарбия борасида қабул қилинган қарорлар тадқиқот мавзусига оид дарслик, рисола ва мақолалар, педагогик, психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади.

**Кузатиш методи.** Кузатиш — адабиётларни ўрганишдан кейин бошланадиган жараён. Кузатиша тадқиқотчи маълум педагогик ҳодисани, мақсадни кўзлаб ташкил этади.

Тадқиқотчи кузатишга олдиндан пухта тайёрланади, кузатишдан кўзда тутилган мақсадни аниқлайди, унинг дастури режалари тузилади, кузатиш манзили, муддати белгиланади.

Кузатиш икки турга ажратилади: қисқа ва узок муддатли кузатиш.

Қисқа кузатиш деганда — объектнинг кундалик фаoliyatiдаги ўзгаришлардан маълум хulosага келиш тушунилади.

Узоқ муддатли кузатиш эса мақсад - режа ва дастур

асосида олиб борилади ва маълум илмий, якуний хуласага келиш тушунилади. Кузатиш якунларини қайд килишда кино, видео ёзуви, телевидение ва бошқа техникавий воситалардан фойдаланиш мумкин.

**Сұхбат метода.** Сұхбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаشتариб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади.

Сұхбат якка тартибда ҳамда жамоа тарзида олиб борилади. Сұхбат болалар ҳаётининг у ёки бу воқеа-ходисалари тўғрисидаги қизиқишлиари, тасаввурлари, мулоҳаза ва муҳокамаларни аниқлаб олишга бевосита ёрдам беради. Сұхбатдан метод сифатида фойдаланишда, албатта, унинг мақсади ва режасини аниқлаб олиш керак бўлади. Сұхбат методи жараёнида интервью олиш ҳам муҳим саналади.

Үринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаник жавоблар-магнит тасмасига ёзиб олинади ва таҳдил этилади.

#### **Хужжатларни ва болаларнинг ишларини ўрганиш**

Болалар ишларини ўрганиш илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади.

Тадқиқотчи педагогик хужжатларни ўрганиш орқали ўрганилаётган обьект тўғрисидаги хар хил маълумотларни билиб олади. Бунга мактабгача тарбия муассасалари мудирлари, тарбиячиларнинг режалари ва хисоботлари, болалар боғчаси тарбияланувчиларнинг расмлари, лой ва пластилиндан ясалган буюмлар ва шу кабилар киради.

Масалан, болалар анча илгари чизган расмларини караб чиқиши, таҳлил қилиш, болаларга берилган топширикларнинг қай даражада мураккаблашиб борганини аниқлаш ҳамда улар билан кейинги олиб бориладиган ишларни белгилашга ёрдам беради.

**Педагогик эксперимент** таълим жараёнига педагогик янгиликларни киритишидир. Педагогик эксперимент ёрдамида илмий фаразларнинг ишончлилиги текширилади. Табиий эксперимент ва лаборатория эксперимента

педагогик экспериментнинг асосий турлари бўлиб, улар кўпгина ишларни ўз ичига олади.

Табиий эксперимент шароитида янги иш режалари, дастурлари, дарслклар адабиётлар ва одатдаги иш режаларини бузмай туриб текширилади. Педагогик эксперимент — бу хам кузатиш, лекин у педагогик жараённинг ўтиш шароитларини мунтазам ўзгартириш муносабати билан маҳсус ташкил этил ад и.

Лаборатория шли хам илмий тадқиқотнинг анча катъий шакли хисобланади. Қуйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари хисобланади: экспериментни режалаштириш — эксперимент ўтказиш ва натижаларни шархлаш.

Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган режага катъий амал қилган холда олиб борилиши керак. Шархлаш босқичида маълумотлар ийғилади ва қайта ишланади.

**Тажриба урганиш ва умумлаштириш методи.** Педагогик тажриба тушунчаси кўп қирралидир. Педагогик тажрибанинг кенг маъноси таълим ва тарбия амалиётидир.

Педагогик тажрибанинг асосий мақсади — мактабгача муассасаларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари кай даражада амалга оширилаётганини ўрганишdir.

Педагогикадаги мавжуд муаммоларни хал этиш учун таълим-тарбия жараёнини ўрганиш, амалий ходимларнинг ижодий нашрларини назарий асосда идрок этиш ва қайта ишлаб чикиш, яъни ил гор тажрибани умумлаштириш, ёйиш катта аҳамиятга эгадир.

### **Мактабгача таълим педагогикасининг асосий тушунча (категория)лари**

Мактабгача таълим педагогикаси фанида бир-бiri билан узвий боғланган куйидаги тушунчалар мавжуд: тарбия, таълим, маълумот.

**Тарбия**—кишилик жамиятининг барча босқичларида шаклланиб, ривожланиб, ўсиб, авлоддан-авлодга ворислик вазифасини бажариб келган бўлса-да, аммо ҳар бир жамиятда тарбиянинг мазмуни мақсади, вазифалари, ўзига хослиги билан фарқланади.

Тарбия ижтимоий хаёт учун зарур ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар тизимини, малака ва кўнималарини маҳсус метод ва воситалар орқали режали равиша сингдириб бериш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган етук инсон килиб тарбиялашни мақсад килиб қўяди.

Ёш авлодни ком ил инсон килиб тарбиялаш муаммолари дастлаб ҳалқ оғзаки ижоди, педагогикаси, ёзма ёдгорликларда, пандномаларда мутафаккир ҳамда маърифатпарварлар асарларининг бош мавзусини ташкил этган.

Абдулла Авлоний тарбия ҳақида гапирав экан, ҳақди равиша шундай деган эди: «Тарбия бизлар учун ё хаёт — ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садокат — ё фалокат масаласидир».

Демак, тарбия ва одоб Ватанга чексиз муҳаббат, имон-эътиқод, меҳр-муруват, ростгўйлик, адолатгўйлик, самимийлик, меҳнатсеварлик ва билимдонлик каби гоялар воситасида шаклланиб боради.

**Таълим** — болаларга билимни тартибли баён килиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулкига таъсир этиш, аклини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришdir.

Таълим бериш жараённida тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади.

Таълим икки томонлама жараён бўлиб ва ўқитишни ўз ичига олади.

Уқитиш — педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўнималарни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик килищир.

Укиш — ўкувчининг билим, малака кўнималарини

эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг хар томонлама ривожланишини таъминлайди.

**Маълумот** — асосий педагогик тушунча бўлиб, у ижтимоий хаёт воқеаларни объектив акс эттиради. Бу жараён кишининг табиат, жамият ва киши тафаккури тўғрисидаги умумлаштирган ижтимоий зарур билим, малака, кўнникмалар тизимининг эгаллаб олиниши на-тижасидир.

Маълумот кишининг бил иш га бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилияtlарни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг яратилиши.
2. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади ва вазифаларини изохланг.
3. Мактабгача таълим педагогикасининг асосий тушунчалари ва уларнинг моҳияти нимада?
4. Илмий тадқиқот методлари ва уларнинг аҳамияти.
5. Мактабгача таълим педагогикасига дойр адабиётлар рўйхатини тузинг.

## П6об. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАПГЯИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ. ТАРБИЯЧИ ВА ҮНГА КЎЙИЛГАН ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ

### Режа:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг яратилиши ва зарурияти.
2. Миллий дастурнинг максади ва вазифаси, уни амалга ошириш босқичлари.
3. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.
4. Миллий модельнинг таркибий қисмлари ва унинг аҳамияти.

Мустақил республикамиз учун ёш авлодни хар томонлама етук инсон килиб тарбиялаш хаётий мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар қандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаровонлиги фукароларнинг акдий ва ахлоқий салоҳияти ҳамда уларнинг маънавий даражада юксак ривожланишига боғлиқ.

Дарҳакиқат, жамиятимизнинг тараққий этиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган ҳуқуқий демократик давлат куришни етук ва малакали кадрларсиз ҳап этиб бўлмайди. Шу боис, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсад ва вазифаси инсон ҳамда унинг хар томонлама усуб улгайиши, камол топиши ва фаровонлиги, шахе манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва уларнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳамда эскирган тафаккур ва ижтимоий хулк - атворнинг андозаларини ўзgartиришга каратилди.

Шунингдек, халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий фан, техника ва технологиялар, иктисодиёт ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш масаласига ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Айникса, Узбекистан Республикаси давлат мустақилигига эришгач, иктисодий ҳамда ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлади ва кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида ахамият қаратилди. Бу борада эса қатор чора-тадбирлар кўрилди ва амалда кўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истикдол мафкураси руҳида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахе сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборат.

Маълумки, 1992 йил июл ойида Мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мазмунида Республика таълим тизими унинг асосий ўёналишлари, мақсад вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди.

1997 йил январ ойига келиб, «Таълим» тўғрисидаги қонун ва унда илгари сурилган ғояларнинг амалиётга татбики, мавжуд аҳвол, ютуқ ва камчиликлар ўрганилди ва таҳлил этилди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аксарият ўринларда чукур илмий асосга эга бўлмаганлиги маълум бўлди. Шу боис, Узбекистан Республикаси Президентининг махсус фармонига асосан Узбекистан Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини» ишлаб чиқувчи махсус комиссия таркиби тайинланди. 1997 йилнинг июл ойида ҳар икки меъёрий хужжат мазмуни ўрганиб чиқилди ва умумхалқ эътиборига хавола этилди.

Умумхалқ мухокамасидан ўтган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Узбекистан Республикаси Олий Мажлисинга IX сессиясида қабул қилинди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Узбекистан Республикаси қонуни талабларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тарбияни, таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқдар асосида юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий сиёсий ҳаётга мустакил равишда мўлжални тўғри ола билиш қобилиятига эга бўлган, истиқбол вазифачарини илгари суриш ва ҳал этишга кодир бўлган қадрларнинг янги авлодини шакллантиришга ўйналтирилгандир.

Мазкур дастур қадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш, таълим ва касб-хунар дастурини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хукукий, психологик-педагогик ва бошқа шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдидиа ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Таълим муассасалари халқ хўжатигининг турли соҳатари учун тайёрлаётган қадрларнинг касбий маҳорати, аклий сатоҳияти, ижодий қобилияти ҳамда маънавий баркам олл и гига караб мустакил Ўзбекистонни келажагини кўриш мумкин деган гоя «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилиши учун асос бўлди. Шу боис, мазкур хужжат республика таълим тизимида аматга оширилаётган ислоҳотлар мазмунини очиб беради. Унда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади — инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаравонлигини таъминлаш мухим эканлиги алоҳида Қайд этиб ўтилди.

1992 йилда Узбекистан Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан сўнг ўтган давр мобайнода янги ўкув режалари, дастурлари, дарслер ва Кўлланмалар яратилди, замонавий дидактик талаблар асосида таълимни ташкил этиш йўллари, метод ва во-

ситаларини аниклаш ва ўқув муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш ишлари амалга оширилди. Республика меҳнат бозорини шакллантиришнинг худудий хусусиятларини хисобга олган холда касб-хунар таълими кайта ташкил этилди.

Мактабгача тарбия соҳасида янги ташкил этилган болатар боғчалари ҳамда «Болалар боғчаси - мактаб мажмуи», «Хусусий боғчалар», «Интернат боғчалар» тармоғи ривожланиб бормокда. Болатарга чет тилини, хореография, тасвирий ва мусика санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ва турли спорт турларини ўргатувчи 1000 дан ортиқ гурухдар очилган.

Хозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсони бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармок дастурлари амалга оширилмокда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи меҳнат қилмоқда, уларнинг 73 %и олий маълумотли. Ўзбекистон олий мактаби тизими 50 дан зиёд олий ўқув юртини, шу жумладан, 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таътиим олмоқца. 16 университетнинг 12 таси Узбекистон мустақилликка эришганидан сўнг университет мақомини олди. Олий таълим истиқбол вазифаларини илгари суриш ва хат этишга кодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўнаттирилган.

Ушбу максадни рўёбга чиқариш қўйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб этади:

- *биринчидан*, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими республикада амачга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларига мослаш;
- *иккинчидан*, кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юкори маткати мутахассислар билан таъминлаш ҳамда педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш;
- *учинчидан*, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими

муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация дилиш;

- *тўртинчидан*, таълим ва кадрлар тайёрлаш юхасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад ва ғазифалари босқичма-босқич амалга оширилиб боритади. Ҳар бир босқич муайян вазифаларни ҳал этишти назарда тутади. 1-босқич (1997–2001) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий сатоҳиятини гақдаб қолиши асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқукий, илмий-услубий, молиявий- моддий шарт-шароитлар яратиш. 2-босқич (2001–2005) – миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни хисобга олган холда ўта аникликлар киритиш. 3-босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳдил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Миллий дастур асосини Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлай оладиган, уни жаҳондаги илфор мамлакатлар даражасига кўтаришга хисса қўшувчи, дадил, мустақил фикрли, билимли малакали мутахассис, айни пайтда ижобий инсоний сифатларга эга бўлган кадрларни тарбиялаб вояга етказиш жараёнини ташкил этади.

Комил инсон ҳамда етук матақали мутахассис миллий модел моҳиятини ифода этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели факат таълим-тарбиядангина иборат бўлиб қолмай, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаётий босқичларни ҳам ўз ичига олади. Миллий модел бу шаҳе, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқарishнинг ўзаро узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг бир-бирига алокасини акс эттиради.

Айниқса, узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида турли дарражалардаги таълим дастурларининг изчилиги асосида таъминланади. Чунки узлуксиз таълим-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим жараёни шахснинг хар томонлама қарор топиши учун энг қулай давр хисобланади. Мазкур даврда шаҳе фан асослари ҳамда касб-хунар маълумотларини ўзлаштиради, комил инсон ва етук малакали мутахассис қиёфасида акс этиши лозим бўлган сифатларга эга бўлиб боради. Демак, узлуксиз таълим миллий моделнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Узлуксиз таълим қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Мактабгача таълим.
- Умумий ўрта таълим.
- Урта маҳсус касб-хунар таълими.
- Олий таълим.
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим-
- Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.
- Мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим турли ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга, уларни соғлом. хар томонлама етук килиб тарбиялаш учун зарур ташкилий, услугубий психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болштарни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради, унда ўқишига интилиш хиссини уйготади.

Мактабгача таълим бола 6—7 ёшга етгунча оиласда ҳамда давлат ва давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларида амалга оширилади.

Мактабгача таълим бола шахеини мактабгача болалар таълим-тарбияе ига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом ^а етук, мактабда ўқишига тайёр тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

#### Мактабгача таълимнинг вазифалари:

- Болаларни халкнинг бой миллий маданий-тарихий мероси ва умумбаҳарий кадриятлар асосида акдий ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш.
  - Болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш.
  - Мактабгача ёшдаги болаларнинг билим олиш эҳтиёжини, ўқишига интилишини шакллантириш, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш.
  - Болалар тафаккурини ривожлантириш ўзининг фикрини мустакил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш.
- » Болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш.

Мактабгача таълим муассасалари худудларнинг демографик, ижтимоий- иқтисоди й ва бошқа хусусиятларини хисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва тугатиш конунга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасалари уларнинг йўналишларига қўра қўйидаги турларга бўлинади:

— болалар яслиси, болалар боғчаси, болалар ясли боғчаси, хонадон болалар боғчаси, (хам мустакил муассаса сифатида, хам филиал сифатида);

— боғча мактаб мажмуаси;

— тарбияланувчиларни бир ёки бир. неча устувор йўналишларда ривожлантирадиган (тил ўрганиш, бадиий-эстетик, спорт ва бошқа йўналишлар бўйича) мактабгача таълим муассасаси.

Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги камчиликларини бартараф этишни устувор равишда амалга оширувчи маҳсус мактабгача таълим муассасаси.

Санитария-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбирлари ва муолажалари устувор равишда амалга ошириладиган соғломлаштирувчи болалар боғчаси.

Аралаш турдаги мактабгача таълим муассаси (аралаш турдаги муассаса таркибига соғломлаштирувчи гурухдар турлича миқдорда бўлиши мумкин).

Мактабгача таълимнинг турлари ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланади.

Хул оса килиб айтганда, Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган, такрорланмас, буюк урф-одат ва анъаналаримизга асосланган энг асосийси — давр талабларига жавоб берса оладиган Кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий модел ўз илмий салоҳияти ва аҳамияти чуқур фалсафий-маънавий асосга эга эканлиги билан халқаро миқёсида тан олинди ва ўз эътиборини топди.

“

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг мақсади ва вазифалари.
2. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ғояси нимадан иборат?
3. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш боскичлари.

## III боб. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МАФКУРА РУХИДА ТАРБИЯЛАШ УСУЛЛАРИ

### Режа:

1. Ғоя ва мафкура тушунчалари.
2. Миллий мафкуранинг мазмун - моҳияти.
3. Миллий мафкурамизнинг бош ғояси.
4. Мафкурамизнинг асосий ғоялари:

Миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига сингдириш ҳозирги даврнинг мухим вазифаси сифатида кун тартибига қўйилган. Чунки миллий ғоя халқимизнинг туб манфаатларини, уларнинг асрий орзу-умидлари, эзгу-ният-лари, буюк мақсадларини ифода этиб, халқнинг ўз мақсад-муддаоларига эришиш учун маънавий-рухий, куч-куват бағишлайди. Миллий истиқлол ғояси ёшларнинг хаётида ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, ёд ва зарарли мафкура хуружига қарши зарба беришга, огохлик асосида яшашга ҳамда уларда янгича дунёқарашни ва тафаккурни шакллантириш ҳамда тарбиялашга хизмат қиласди. Президентимиз таъкидлаганларидек, замон «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат» билан курашишни талаб этмоқда. Бу эса ўз-ўзидан республикамизни ҳар томонлама юксалтириш, ёшларни маънавий-маърифий камолотга эришишини таъминлаш, мамлакатимиз мустақиллигини мустахкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада юксалишига олиб келади. Миллий ғоя жамиятимизнинг барча жабхаларида ўз таъсирини кўрсатиб, халқимизни орзу-умидлари ва истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қиласди.

Истиқлол йилларида шаклланаётган янгича тафаккур ва дунёкараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий кадрият ва анъаналарга мухаббатни, ўз яқинларига, халқига меҳрибонликни, танлаган касби, эътиқодига содикликни, юртим ва элим деб яшашга ўргатишни назарда тутади. Янгича тафаккур ва янгича фикрлаш айнан мустқиллик мағкураси руҳида тарбия топиб сайқаллаштан онг, дунёкараш ва эътиқод маҳсулидир.

Демак, мустқиллик йўлида жамиятимизнинг барча жабхаларида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса, таълим-тарбия соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис, инсонларнинг тафаккури, онги ва ҳаётга муносабати, қизикиши ортиб бормоқда. Мустабит тузимдан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқца. Ўз кучкга ишончи ортиб бормоқда. Кишиларнинг онгидага демократик кадриятлар мустаҳкамланмоқда. Айниқса, миллий ғоя, миллий онг, миллий мағкура, миллий тарбияга бўлган кишиларнинг муносабати тамомила бошқача.

Маълумки, инсоният тарихи — ғоялар тарихи деб бежиз айтилмаган. Чунки ғоя инсон тафаккурининг маҳсули саналади. Шунга кўра, миллий ғоя миллат тафаккурининг маҳсулидир. Демак, миллий ғоя — инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун баҳш этадиган, уни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган фикрлар, қарашлар мажмуидир.

Мағкура эса муайян ижтимоий турух, ижтимоий катлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муаммолари, манфаатлари, орзу-интилишлари хамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида муҗассам этадиган ғоялар тизимиdir.

Миллий мағкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суюнч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. Миллий мағкура инсонга факат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таол-

ло ато этган ақл-заковат, имон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатади.

Миллий мағкура кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради. Бу мағкура х&ткни-халқ, миллатни-миллат этадиган, унинг шаъни, шарафи, ор-номуси ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган холда муттасил ривожланниб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимиdir.

Шундай экан фикр ва қараш миллий ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр ўзига хос бир қарашdir, ижтимоий фикр эса воқеликка нисбатан ўзгариш ёки харакатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни харакатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса бутун бир давр тарихига айлантиради. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётiga улкан таъсир кўрсатган назария, таълимот ва мағкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақд-заковат, истеъод ва теран тафаккур эгалари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Сократ, Платон, Конфуций ва Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий ҳамда Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тимсолидир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки хил ғоя шаклланган бўлиб, бири бунёдкорлик бўлса, иккинчиси бузғунчиликдир. Бу ғоялар доимо ўзаро курашиб келган.

Бунёдкорлик ғояси инсонни эзгулик сари етаклайди, уни улуғлайди, инсоннинг руҳига қанот бағишлиайди.

Бузғунчилик юяси эса халқдар бошига сонсиз кулфатлар келтиради.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқдол мағкураси ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад ва муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиш ва келажа-

гини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу - истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимиdir.

#### Миллий мафкура:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий ва умуминсоний кадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;

— халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқданади;

— адолат ва ҳақикат, эркинлик ва мустакиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;

— юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;

— жамият аъзоларини, ахолининг барча катламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;

— миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг хар бир фуқароси қалбida она Ватанга муҳаббат, мустакиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради.

Миллий мафкура факат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-рухий куч-куват берадиган пойдевор бўлиб келган.

Миллий мафкурамизнинг бош ғояси — Узбекистан халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси бўлиб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этишидир.

Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишларини ва бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак олий кадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий мафкуранинг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мус-

тақиллиги йўлида барча орзу-интилишаримиз, амалий фаолиятимиз ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

**Миллий мафкуранинг асосий ғоялари** халқимизнинг мустакил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг мазмун-моҳияти, фалсафаси, тажрибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чукурроқ сингдиришга хизмат қилади.

**Ватан равнақи.** Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупрок, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. Ватан равнақи, аввало, фарзандларига — унинг ахолисига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимиз ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулият хис этиши, ўз манфаатини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғулаштириб яшаши керак деганидир.

Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташкарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўла олмайди. Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иктисодий фаолият кенг ривожланаётганлига, давлатимизнинг иктисодий кудрати ортаётганлиги, халқимизнинг маънавияти бойиб, илмий салоҳияти юксалаётганлиги Ватан равнақига муҳим хисса бўлиб кўшилмоқда.

**Юрт тинчлиги** — бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт гаровидир.

Ўзбек халқи тинчликни юксак кадрлайди, уни ўз орзу интилишлари, мақсадлари рӯёбга чикишининг кафолати, деб билади.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бирорвга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустакиллик ҳамда тинчликни асрash борасида мамлакатимизни тажовузкор кучлардан химоя килишга тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги юрт

тинчлигини сақлашнинг мухим омилидир.

**Халқ фаровонлиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишdir. Яъни ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассамdir. Миллий истиклол мафкураси фуқароларимизда ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ҳамда кудратли бўлади, деган тушунчани тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

**Комил инсон.** Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғояси, ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларни бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага қўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга катта аҳамият берилмоқда.

**Миллатларо тотувлик.** Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиласди. Миллатларо тотувлик ғояси—умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда яшайдиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолоти бўлиб хизмат қиласди.

Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро хурмат, дўстлик ва ҳамжихатликнинг маънавий асосидир. Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжихатлик руҳида тарбиялаш миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Умуман олганда, миллий мафкура халкнинг, жамиятнинг ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари амалга ошгани ва тараққиёт тажрибалари ортгани сари бойийди ва такомиллашаверади.

Бундай мафкура эркин фуқаролик жамияти ва фаровон ҳаёт барпо этишга киришган, бу йўлдан событқадамлик билан олға бораётган халқ мафкурасидир.

Демак, мафкура — инсон руҳияти, тафаккури ҳамда дунёқарашини ўзгартирадиган кучли воситадир. Шунинг учун миллий мафкуруни боланинг онгига илк ёшидан бошлаб сингдириб бориш мақсадга мувофиқцир. Шундагина болаларнинг онги, акди ва тасаввuri миллий руҳда шаклланиб, Ватанига, она юртига, миллатига, элатига нисбатан ижобий муносабати ва хурмати ортиб боради. Бундай жихатларни тарбиялашда нафақат ота-она, балки тарбиячи--мураббийларнинг ўзлари ана шундай юксак ижобий сифатлар билан қуролланган бўлиши, ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибори чексиз бўлиши, уларнинг ҳар бир ҳатти-харакатини назоратсиз колдирмаслиги мухимdir. Бундай ютукни қўлга киритиш тарбиясидан, энг аввало, юксак маҳоратни, акдий салоҳиятни, меҳрмухаббатни, тинимсиз меҳнатни талаб этади.

Ўзбек халқининг энг мўътабар ва масъулятли машғулотларидан бири тарбиядир. Зотан, халқни-халқ, миллатни-миллат килиб кўрсатувчи рангго-ранг нарса ва ходисалар тарбия туфайлидир. Миллий тафаккурни шакллантиришга, маънавият ва маърифатни юксак поғонага қўтаришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу мухим муаммолар факат тарбия туфайли халқилиниши мумкин. Дарҳақиқат, тарбия ҳикмати-истиқбол кудратидир. Истиқбол қудрати деганда, инсон акд-заковатининг юксаклигини, шу инсонлар яшаётган жамият ва давлатнинг равнаки, нурли уфқдарини, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини англамоқ лозим. Бу улуғворликка шубҳасиз, тарбия туфайли эришилади.

Худди шунинг учун аждодларимиз биринчи галда тарбияга жуда катта аҳамият беришган. Инсон маънавияти, маърифати, акд-заковати, юксак ахлок-одоби ва шу кабилалар тарбия маҳсулидир. Тарбияни бир қолипга ёхуд рамкага жойлаб бўлмайди.

Инсон, асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бирорларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўгитлари ва асарларини ўқиши орқали; инсон ўзининг фикрлаши, одамлар хатти-ҳаракатидан, килган ва қилаётган ишларидан тегишли хуносалар чиқариб олиши; энг кудратлиси—тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин.

Мустақиллик шарофати билан қадимги урф-одатлар, анъаналар ва маросимларга алоҳида эътибор берилмокда. Зеро, келажак авлодни янгича руҳда тарбиялашда, улар онгида илмий дунёкарашни шакллантиришда янгича анъана ва маросимлар таъсирчан воситалардан бири бўлиб қолади.

Ҳар бир жамиятда кишиларнинг муайян урф-одат ва маросимлари шаклланади. Улар муайян ғоялар, қарашлар, ахлок меъёрларини ҳам ифодалайди. Ватанимиз мустақиллиги туфайли янгича анъаналар, маросимлар ва урф-одатлар карор топди. Улар тарихга айланиб борар экан, содир бўлган буюк воқеаларни, ҳалқимиз турмушидаги унутилмас ҳодисаларни ўз негизида мужассамлаштиради.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов янгича урф-одатларни турмушда кенг жорий қилиш масалаларига, уни ҳаётимизнинг муҳим йўналиши бўлиб қолишига доимо аҳамият бермокда. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодни Ватангга муносиб, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш омили бўлиб хизмат килади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Миллий ғоя нима?
2. Миллий мафкура нима?
3. Миллий истиқдол мафкураси ва унинг асосий ғоялари.
4. Миллий мафкуруни тарбиялаш воситалари.

## IV боб. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЧИСИ

### Режа:

1. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни.
2. Педагог олимларнинг тарбиячи шахси тўғрисидаги фикрлари."
3. Тарбиячи ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар.
4. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини тайёрлаш тизими.

### Таянч тушунчалари

Тарбиячи, тарбиячининг жамиятда тутган ўрни, шарқ мутафаккирлари тарбиячи тўғрисидаги фикрлари' тарбиячи шахсига қўйиладиган талаблар, тарбиячи шахсини тайёрлаш тизими.

Тарбиячи ёш авлодимизни ҳалқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тайёрлашдек муҳим, фахрли ва иш билан бирга масъулятли вазифани бажаради.

Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун ҳалқ ҳамда жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш ва ишдаги ўртоқларини ўсишига ёрдам беради.

Демак, тарбиячи аввало, билимли бўлиши, ўзи яшаб турган улкан ҳаётини билиши, табиат ва жамиатнинг конуннятларини тушуниши, ижтимой фаол бўлиши, умумий ва мактабгача тарбия педагогикасини, болалар рухияти ва физиологиясини эгаллаши ва болаларнинг ёш хусусиятларини билиши керак. Шунингдек, педагогик тарбиячининг ҳодисаларни таҳлил қилишга

илмий нүктай назардан ёндашуви болани ҳар томонлама ривожлантириш муваффакиятини амалга оширишга имкон беради.

Мустакиллик муносабати билан республикамиз раҳбарияти ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг фаолиятини юқори баҳоламокда. Ёш авлодни комил инсон килиб, камолот сари етаклашдаги эришган ютуқдари учун ўқитувчи ва тарбиячилар, /методист ўқитувчи/, /катта ўқитувчи/, /методист тарбиячи/ ва бошқа шунга ўхшаш унвонлар билан такдирланадилар. Уларга республика миқёсидаги унвонлар берилади. Халқ таълими ходимлари орасидан республика, вилоят, туман кенгашларига депутатлар сайланиш, уларга бўлган чукур хурмат ва эҳтиромни билдиради.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бугунги кунда боғчада, академик лицей ва касбхунар коллеж ҳамда олий ўқув юртларида шакчланаётган авлод ижобий хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини, илмий билим асосларини, касбхунар малака ва кўнникмаларини ҳар томонлама пухта эгаллаб боришини талаб қиласди. Бунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни билимлар билан куроллантириш миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни тиклаш жаҳон маданияти, миллий маданиятимиз дурдоналари билан танишириш, уларни жисмоний соғлом маънавий етук қилиб тарбиялашдек вазифатар қўйилди. Давлат аҳамиятига м'олик бундай вазифани амалга оширишда умумтаълим мактаблари билан бир қаторда ҳатқ таълимининг бошланғич бўлими бўлган болатар боғчатари мухим роль ўйнайди. Бунинг учун ҳар бир тарбиячи ўзини татаб ва назорат кила билиши давлатимиз мактабгача тарбия муассасалари олдига қўйган талабларни амалга оширишнинг гаровидир.

Бунга қуйидагилар киради:

1. Боланинг соғлиғини сакдаш ва мустахкамлаш.
2. Акдий қобилиятини ўстириш.
3. Миллий қадриятимиз ва маънавиятимизнинг ғоя-

вий-акдий тамойилларига мое келувчи эътиқод ва қарашларини таркиб топтириш.

4. Она ватанга мухаббатини, ижтимоий фаолликни шакллантириш.

5. Ёш авлодда ўртокдик, дўстлик хиссини ҳалоллик ва меҳнатсеварликни таркиб топтириш.

Демак, юқорида келтирилган сифатларни таркиб топтириш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифасининг ҳамма томонларини қамраб ололмайди. Лекин тарбиячи ишларга асосланиб, болаларни мустакил хаётга ва меҳнатга тайёрлаш ишини маълум бир мақсад билан самаратироқ аматга ошириш мумкин. Мустакиллик муносабати билан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий ўсишларига ва моддий аҳамият берилмокда. Масатан, Республикаизда 1992 йил 1 октябрни ўқитувчи мураббийлар куни деб номланиши ҳамда ҳатқ маорифи ходимларнинг маошлари оширилиб турмушлари яхшиланиб бормокда.

Призидентимиз И. А. Каримов ўзининг «Буюк келаҷагимизнинг ҳукукий кафолати» номли рисоласида шундай ёзади: Тарбиячи — устоз бўлиши учун бошқаларнинг акд-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб этишириш учун авваю, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак татабларга жавоб бериш ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиш керак.

Демак, бола шахсини шакллантиришда тарбиячи адохида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шаҳе сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини гақозо этади. Шунга кўра тарбиячи болаларга қундатик хаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргатикдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама яиққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педагогик назокатини намоён қилиши, болатарнинг хулқ-атвори иш натижатарини Ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата

олиши ҳамда оилавий ахволи билан қизиқиши зарур хисобланади.

Демак, «Кадрлар тайёrlаш Миллий дастури» ғояларни амалиётга татбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффакиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарбиячи мураббийларнинг маънавий киёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғликцир. Болани тарбиялаш ниҳоятда қийин ва мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етуқ кишилари жалб этилгандир. Ҳусусан, қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки, милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий киёфаси ва аклий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак хурмат эҳтиромга сазовор бўлган кишилар, яъни до нишмандлар зиммасига ишониб топширилгандир. Ушбу холат ёш авлод тарбияси унинг ташкил этилиши мазмунини фақат шахе камолотини эмас, балки жамият тараққиётини таъминлашда муҳим ахамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тарбиячи-мураббий кадрларни маънавий киёфаси, акди саюҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмокда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президента И.А. Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида (1997 йил 29 август) сўзлаган нутқида шундай фикрларни билдиради, уларга, албатта, дикқатни каратиш мақсадга мувофиқцир.

«Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқцамиз... Ўқитувчи-тарбиячи болаларимизга замонавий билим бериши учун аввало, мураббийнинг ана шундай билимга эга бўлиши керак».

Юкоридаги қайд этилган фикрлардан бугунги кун тарбиячиси шахсига нисбатан қўйилаётган талабларнинг накадар муҳимлигини англаш лозим.

Демак, тарбиячи-маҳсус педагогик, психологик ва мутахассислиги бўйича етуқ билимли ва юксак фазилатли шаҳе саналади.

Шунинг учун замонавий тарбиячи мураббий киёфасида куйидаги фазилатларни намоён эта олиши керак. Замонавий мураббий ўзини мутахассислиги бўйича чукур пухта билимга эга бўлиш, ўз устида тинимсиз ишлаши керак.

Тарбиячи мактабгача тарбия педагогикаси ва психология-физиология фанларининг асосларини билиш, таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиши керак.

Тарбиячи таълим-тарбия жараёнида самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдатана олиш имкониятига эга бўлиши керак. Тарбиячи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи коммуникативлик лаёкатига эга бўлиш, педагогик техника, нутқ, юз, қўл, оёқ ва гавда харакатлари, мимика, жест, пантомимика) конуннинятларини чукур ўзлаштириб олиш лозим. Тарбиячи болатарни қузата оладиган, уларни хулқи, хатти-харакати сабабларини тўғри таҳлил килиб, унга таъсир этувчи воситаларни қўллай оладиган бўлиши керак. Ёш авлодни керакли билим, малака, қўниқмалардан хабардор килиш учун тарбиячи нутқ маданиятига эга бўлиши ва унинг нутки куйидаги хусусиятларда акс эттира олиши керак.

- Нутқнинг аниқлиги.
- Нутқнинг иродавийлиги.
- Нутқнинг соғлиги (унинг турли шева сўзларидан холи бўлиб, фақат адабий тилда ифода этиш, жargon, (муайян касб ёки соҳа мутахассисларга хос сўзлар) варваризм (муайян миллат тилида баён этиладиган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ўринсиз қўлланилиши) вульгаризм (харакат килиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концептизм (ўринли бўлмаган вазиятларда расмий нутқда сўзлаш) сўзларидан холи бўлиши ва педагогнинг нутки содда, равон ва тушунарли бўлиши керак.

- Нутқнинг равонлиги.
- Нутқнинг бойлиги (сўзлаш жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда ҳикматли сўзлар, мақоллар, кўчирма гаплардан фойдалана олиш).

Тарбиячи ўзига юкланган вазифани бажариш учун болаларда ўша фаолиятига нисбатан кизиқиш уйгота олиши, уларнинг дикқатини жалб қилиб фаоллигини ўстириш болаларни хулқини хатти-харакатини реал баҳолай олиши керак. Ҳар бир фаолият учун керакли материални олдиндан тайёрлаб қўйиши янги билимни эгаллаган билимлари билан боғлай олиши хамда болалар эгаллаб олиши лозим бўлган билим, малака ва кўнижмалар уларнинг ёш имкониятларига мое бўлиши ва уларни аста-секин мураккаблаштириб бориши керак,\*

Тарбиячи кун тартибини тўғри ташкил эта билиши, болалар жамоасига ундаги ҳар бир аъзони эътиборга олган ҳолда раҳбарлик кила билиши уларнинг фаолияти (ўкув, ўйин, меҳнат) мазмунли бўлиши учун керакли материаллар билан таъминлаши зарур.

Болаларни руҳдий ва жисмоний ҳолатини аникдай билиши ва уни болалар билан амалга оширадиган таълим-тарбиявий ишларида эътиборга олиши лозим.

Тарбиячи кун давомида олиб борадиган таълим-тарбия ишини таҳдил кила билиши ва уни ривожлантириш йўлларни топа олиши керак.

Тарбиячи ота-оналар билан мунтазам равища сұхбатлар уюштириши, учрашувлар ўтказиши, уларни болаларга таълим-тарбия бериш бўйича амалга ошириладиган ишининг мазмуни, месецлари билан таништириб бориш, оила тарбиясидаги ижобий намуналардан ўзининг таълим-тарбиявий ишларида фойдаланиши мумкин.

Тарбиячи болаларга нисбатан хайриҳоҳ муносабатда бўлиш, ҳар бир бола учун куляй руқий шароит яратиш, хафа бўлса овунтира олиш, хурсандчилик ва хафагарчилигига шерик бўла олиш, айниқса, кичик гурӯҳ болаларига нисбатан мулойим эътиборли, қатъий, сабр-

тоқатли юмшоқ озгина ҳазилкаш, боланинг куч имкониятларига ишонч билан қарайдиган бўлиши керак.

Агар тарбиячи болага меҳрибон бўлса, болалар билан унинг ўртасида меҳр-оқибат, ғамхўрлик муносабатлари юзага келади.

Болалар тарбиясининг шахеий еифатларини билими, малакаси болаларга муносабати талабчанлигини қўйидагича бел гил айд ил ар, кичик гурӯҳ болалари тарбиячининг уларга бўлган меҳр-муҳаббатига қараб (у мени қўзичоғим «деб чақиради, мани яхши қўрадилар») 4-5 ёшли болалар тарбиячини болалар хаётини яхши ташкил этидишига қараб «Наргиза опамиз бизга эртаклар ўқиб берадилар» биз билан бирга ўйнайдилар шунинг учун мен уларни яхши кўраман. Катта гурӯҳ болалари тарбиячини ҳамма болаларга адолатлилик билан яхши муносабатда бўлиш. яхши ишларни ўргатишга, хулқига, ахлоқига қараб баҳо берадилар (у кўп нарсаларни ўргатади, машғулотларни яхши ўтади).

Энг муҳими тарбиячи болаларга ишонч билан қараши, уларнинг меҳнатсеварлиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги тўғри тақдирлаши ва мустақил фаолият кўрсатишлари учун имконият яратиш керак. Буни болалар юкори баҳолайди.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрнини қандай тушунасиз?
2. Тарбиячи-мураббий тўғрисида мутафаккирларимизнинг қарашларини ёритиб беринг.
3. Тарбиячи шахсига қандай талаблар қўйилган?
4. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини касбий малакасини лушунтириб беринг.

## **Убоб. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛANIШИ ВА ТАРБИЯСИ**

### **Режа:**

1. Бола шахснинг ривожланиши хақида тушунча.
2. Болани ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Болани ривожланишида фаолиятлар (ўйин, машрутот, меҳнат)нинг аҳамияти,
4. Бола психик тараққиётининг ёш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Таянч тушунчалар**

Индивид шахе, ривожланиш мухити, фаолият, биогенетик, ёш босқичлари, илк ёшдаги болалар, ясли даври мактабгача даври дунёга келган гўдак маълум давргача индивид саналади. Индивид-лотинча сўздан келиб чиқсан бўлиб «бўлинмас», «айрим шахе», «ягона», маъноларни англатади. Индивид биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудотdir. Болани ривожланишида харакат ўзига хос хисобланади. Илк ёшдаги бола хам турли харакатларни ташкил этади, бу харакатлар кейинчалик шартли рефлекслар, онгли равишда эмас, балки шартсиз ва шартли кўзғовчиларга жавоб тарзида юз беради.

Илк ёшдаги болада нутқ ҳосил бўлиши ҳамда бола томонидан ташкил этилаётган харакатлар онгли равишида содир бўла бошлиши ва ижтимоий муносабатлар жараёнида унинг иштирок этишини боланинг шахе сифатида ривожтанишининг дастлабки босқичи санатади. Демак, ривожланиш кишидаги жисмоний, руҳий ва ижтимоий жараён бўлиб у барча тўғри эгалланган микдор

ва сифат ўзгаришларни ўз ичига олади. Жисмоний ривожланиш бўйнинг ўсиши ва вазн, мускул кучининг ортиши, сезги аъзоларининг мукаммаллашиши харакатларни тўғри бошқара билиш ва шунга ўхшашлар билан боғлиқцир. Руҳий ривожтанишда эса киши шахсидаги психик сифат ва белгиларнинг шаклланиши, эмоционал (хиссий) иродавий, бўлиш жараёнида мухим ўзгаришлар юз беради.

Боланинг ижтимоий ривожланиши ижтимоий хаётда катнаша бошлаганди, унинг хулқида, теварак-атрофга бўлган муносабатида, айниқса, жамоа ишларида қатнашишида напоён бўлади.

Боладаги мана шундай жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг юз беришида боланинг ривожланиши, яни шахснинг шаклланишида биологик ва ижтимоий омил етакчи роль ўйнайди.

«Шахе» деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Шахе бўлмоғи учун руҳий жихатдан тараққий этган ўз хусусияти ва сифатлари билан бошкалардан фарқ қилиши лозим. Ҳар бир одам шахе сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характеристи, қизиқиши, қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига нисбатан шахеий муносабати билан бошкалардан фарқ килади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб мазкур хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсагина, у камол топган шахе сифатида намоён бўлади.

Демак, инсон ижтимоий мавжуд от унга ижтимоий - иктисолий хаёт шароитлари (мухит) тарбия мухим саналади. Мухит ҳамда тарбия такомиллашиб бориши одамнинг ривожланиб, шахе сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Бола шахеининг шаклланиши бир қатор омиллар билан боғлиқ, бу омиллар куйидаги раемда акс эттирилган.

Физиология ва психология фанлари бўйича олиб борилган тадқикот натижаларининг кўрсатишича, инсон

боласи тайёр қобилияят билан эмас, балки бирор бир қобилиятнинг рўёбга чикиши ва ривожланиши учун манба бўлган лаёқат билан туғилади. Лаёқат гўё «мудрок» ҳолатда бўлиб, унинг уйғотиш ва ривожланиши учун қулай шароит ҳамда муҳит керак бўлади. Инсон муайян ижтимоий тузумининг маҳсулидир. Бу тузум ўзгариши билан инсонда ҳам ўзгаришлар фаолияти содир бўладиган ҳаётий муҳит унга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Муҳит деганда, бола шахсининг шакллантиришга таъсир этувчи ташки олам мажмуи тушунилади. Шахснинг шаклланиши кишилик жамияти томонидан яратилган ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва тарбия бериш орқали амалга оширилади. Таълим-тарбия натижасида бола ўзи яшаб турган жамиятдаги ижтимоий система билан алоқага киришади ёки муносабатда бўла бошлайди.

Тарбия боланинг «ривожланиш олди зонасига» қараб ўзгаради, яъни болада мураккаброқ, мазмундаги билимларни ўзлаштириб олиш имконияти пайдо бўлишига қараб белгиланади. Масалан, гўдак эмаклашни ўзлаштириб олгандан кейин юришга утиши, айрим бўғинларни айтишни ўргангандан кейин фаол нутқка утиши, буюмлар билан ҳаракатларни ўзлаштириб олгандан кейин ўйин, меҳнат фаолиятининг пайдо бўлиши ва хоказо.

Бола шахсининг шаклланишида таълим-тарбия, бу ишни амалга оширишда педагог етакчи роль ўйнайди. Бу эса ҳар бир бола шахсининг шаклланишида уларнинг жавобгарлигини оширади. Тарбия ижтимоий муҳит орқали келадиган тарбиявий таъсирларнинг барчаси билан боғлиқ ҳолда таъсир қиласи. Бунда қулай самарашибомиллардан фойдаланилади, салбий таъсирларнинг кучини маълум даражада камайтиради. Таълим-тарбия жараённида куйидаги ҳолатлар юзага келади.

Таълим-тарбия жараённида киши организми ривожланади ҳамда муҳитни стихияли таъминлай олмайдиган нарсалар таълим-тарбия орқали ўрганилади. Масалан,

бала ўз она тили атрофии ўраб олган муҳитнинг таъсирида ўрганиб олиши мумкин. Аммо ўқиш ва ёзишни маҳсус таълим орқали ўрганади. Маълум билим, кўнникма малакалар таълим-тарбия жараённида эгалланаади.

Таълим-тарбия ёрдамида боланинг баъзи бир тугма камчиликларини керакли томонга ўзгаририш мумкин. Масалан, баъзи бир болалар айрим камчиликлар билан туғилади. (кар, соқов, кўр в.ҳ.).

Таълим-тарбия ёрдамида муҳитни салбий таъсири натижасида юз берган баъзи бир камчиликларни тугатиш мумкин.

Тарбия жараёнидаги фаоллик асосида фаолиятни ҳар хил турлари шаклланади. Уларнинг асосийлари муносабатда бўлиш фаолияти, билиш, буюм билан бўладиган фаолият, ўйин, оддий меҳнат ва ўқув фаолиятларидан таълим ва тарбия орқали амалга ошириладиган фаолиятларни болалар ўзлари мустакил ўзлаштира ололмайдилар. Уларни болалар тарбиячи раҳбарлигида аста-секин ўзлаштириб борадилар. Болаларнинг ҳар хил фаолиятларни муваффақиятли эгаллаб олишлари асосан болалар боғчасида таълим-тарбия ишининг ташкил этилишига боғлиkdir.

Киши ҳаётининг дастлабки фаолиятидаги энг оддий тури ундаги шахсий қобилиятлар, хусусиятлар асосида маълум бир муносабатни шаклланишида асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳаракат усусларини эгаллаб бориш' ор-Қали фаоллик ривожланиб боради. Фаолликдан эса қай даражада ривожланиб бориш кўпроқ ирсиялга ҳамда тақлидчанлик қобилиятига боғлиқ. Боланинг нарса ва буюмлар билан бўладиган фаолияти орқаш болага дастлабки ёшдан бошлаб оиласида ва мактабгача тарбия муассасачарида тарбия ва таълим бериш асосий вазифалардан бири хисобланади.

Мактабгача тарбия даври учун муҳим бўлган ўсиш фаолиятига болалар тарбиячининг раҳбарлиги асосида нарса ва буюмлар тўғрисидаги билимлар уларнинг сифат

ва хусусиятларини билиб оладилар. Биргаликда бажариладиган харакатли ўйинлар орқали болалар кишилар ҳётидаги, улар ўртасидаги муносабатларни, келишиб ҳаракат қилишни билиб оладилар. Шу орқали болаларда теварак-атроф ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб боради. Демак, болани тарбиялашда ва унинг ривожланишида фаолият етакчи роль ўйнайди. Шунинг учун таълим-тарбия муассасаларида ва оиласда боланинг ҳётини турли-туман фаолиятлар билан шуғулдана оладиган килиб, ташкил этиш мухим саналади.

Инсон ҳётида мактабгача ёш, мактаб ёши даври ҳамда ижтиомий етуклик ва катта ёш даври бўлади. Бу даврларнинг ҳар бири ичиде қисқароқ ёш босқичлари бўлиб, улар инсон камол топишида муйян ўзига хос жихатлари билан ажралиб туради. Масалан, илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишининг вазифаси, мазмuni восита ва методлари бу ёшдаги болаларнинг нозиклиги, ёрдамга мухтожчиги, ҳёйтга мослашганлигини эътиборга олган ҳолда ишлаб чикилади. Бошқа ёшга келганда болаларда мустакиллик ҳётга мослашувчанлик анча ўсган бўлади. Шунга кўра, бу ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишини амачга ошириш усуслари ўзгаради. Богча ёшининг охирiga келганда болаларнинг ривожчаниш даражалари улар билан олиб бориладиган таълим, тарбия ишларини бирмунча мураккаблаштиришни тақозо этади.

Таълим-тарбия ишининг вазифаси мазмuni ва методини белгилаш киши ёш босқичларига асосланади. Илк ёшдаги болалар ўзининг тез ҳаракатланиши, ночорлиги, касалликка тез чалиниши, ёрдамга мухтожлиги билан ажралиб туради.

Уч ёшгача бўлган болаларнинг нуткини ривожлантириш шу даврга хос бўлган белгилардан биридир. Уч ёшга тўлган болалар она тилининг ҳамма томонларини эгаллаб оладилар ҳамда ўз тенгдошлари катталар билан бўладиган мулоқотда ундан восита сифатида фойдаланадичар.

Илк ёшдаги болаларни тарбиялаш тизими ёш авлод-

ни тарбиялашнинг ажралмас қисмидир. Физиолог, психолог, педагоголимлар дунёдаги болаларнинг ижтиомий тарбиясига хисса қўшадилар. Богча ёшига келганда бола организмими етилиши давом этади.

Уч ёшгача болаларда ўсиш бир оз секинлашади, 5—8 ёшгача эса ўсиш яна тезлашади. Богча ёшидаги болалар билан олиб бориладиган жисмоний тарбия асосий ўринни эгаллади.

Болани имкони етишини ҳисобга олган ҳолда оиласда ва боғчада тарбиявий таъсирлар системаси белгиланади: кун тартиби, овкатланиш, гимнастик машқдар ва ҳаракатли ўйинлар ҳамда чиникириш тартиблари bogcha ёши даврида болаларга муайян мақсад билан тўғри тарбия бериб борилса, уларнинг эшитиш, идрок этиш сезигилари улардаги кўргазмали, образли тафаккур иродавий, хиссий ва касб жараёнлари ривожланиб боради.

Богча ёшидаги болалар уз и га кўйилган талаблар мөхиятини тушуна бошлади. Нотўғри хулки ва ёмон иши учун катталар танбехидан ташқари ўзи ҳам мустакил ва тўғри хulosалар чиқаришга ҳаракат килади.

Демак, тарбиянинг вазифаси боладага иктидор ва қобилиятни ўз вактида аниқлаб уларни янада ривожланишига ёрдам беришдир. Таълим-тарбия бериш жараёнида ҳар бир болани ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тарбия мақсадларига эришиш мумкин.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ривожланиш ҳақида умумий тушунча беринг.
2. Бола шахсини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.
3. Бола ривожланишида ўйин, машгулот ва меҳнат фаолиятининг аҳамиятини кандай тушунасиз?

## **VI боб. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ**

### **Режа:**

1. Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.
2. Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари.
1. Жисмоний тарбиянинг болалар тарбиясидаги аҳамияти.
2. Жисмоний тарбиянинг воситалари.

Кичик ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси мактабгача таълим педагогикасининг муҳим бир бўлими саналиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни уйғун ривожлантириш, уларни ҳар томонлама жисмоний тарбиялашни назарда тутади. Жисмоний тарбиянинг вазифаси, бола соғлиғини саклаш, жисмоний сифатларини ўстириш, ёш авлодни ақлий ва жисмоний меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдир. Бу гоя азал-азалдан отабоболаримиз маънавиятида акс этиб келмоқда. Жумладан, ҳалқ ижодида «Алпомиш», «Гўрўғли» каби достонларда ҳам ўз ифодасини топган. «Алпомиш» достонида Ҳакимбекнинг (Алпомишнинг) жисмоний машқ қилиш, табиат қўйнида вояга етгани, унинг аллиги куйидагича тасвирланади.

«Алпинбийниш бобосидан қолган ўн тўрт ботмон парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шу ўн тўрт ботмон ёйни қўлида кўтариб, уни тортиб кўйиб юборди. Ёйнинг учи яшиндай бўлиб кетди. Аскар тоғининг катта чўққисини юлиб келди. Овозаси оламга ёйилди. Шунда барча халойикдар йиғилиб айтди: Дунёда бир кам тўқсон алп эди, алларнинг

бошлиғи Рустам достон, охири бу Алпомиш алп бўлсин». Юкоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, шахснинг жисмоний камолоти кишилар тарихий таракқиётининг барча жабҳаларида улугланган ва қадрланган.

Жисмоний тарбия тўғрисидаги таълимот педагогиканинг таркибий кисмидир. Педагогика фанининг бу соҳасига тааллукди баъзи бир ходисаларни таърифлашда «жисмоний маданият», «жисмоний ривожланиш» сингари асосий тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

«Жисмоний маданият» тушунчасига ҳалқ маданиятининг бир кисми сифатида қаралади. Жисмоний маданият кишилик жамияти томонидан тўплланган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси, ундан кишиларнинг жисмоний камолоти учун фойдаланилади.

Жисмоний маданият тушунчасига куйидагилар киради:

- меҳнат ва турмушдаги озодалик;
- кийим, бино ва хоналарнинг тозалиги;
- шахсий гигиена ва кун тартибида одатланиш, кун давомида тўғри фаолият ва дам олиш, уйку, овқатланиш шунга ўхшашлар;
- табиий шароитда организмни чинкитириш: хаво, Куёш ва сув ёрдамида;
- жисмоний машқдар.

Жисмоний ривожланиш — одам организмидаги шакл ва вазифаларнинг ўзгариши, мускулларнинг ортиши, бўйнинг ўсишини ифодалайдиган биологик жараёндир.

Жисмоний ривожланиш хаёт конунлари мухит ва организмнинг бирлиги асосида амалга ошади.

Жисмоний тарбия — киши организмини морфологик ва функционал такомиллашиши, унинг жисмоний сифатлари ва қобилиятларини ривожлантириш, харакат малакалари ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда улар билан боғлик бўлган билимларни ҳосил қилиш ва мустахкамлашга йўнатгирилган педагогик жараёндир.

Жисмоний тарбия бола организмининг функционал имкониятларини ошириб, унинг аклий фаолиятини муваффақият билан бажаришга кўмаклашади, қўл панжаларининг харакатланиши, нутқни харакатга келтирувчи марказнинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Кун тартибидаги гигиеник ва чиникириувчи муолажаларни бажариш оркали боланинг билим доираси кенгаяди, аклий фаоллиги ортади, у жасурлик, ҳалоллик, батартиблиқ, қатъийлик, мустакиллик ва шунга ўхшаш ижобий хулқ меъёрлари ва коидаларини ҳам эгаллаб олади. Жисмоний тарбия машқдари аксарият ҳолларда бутун гурух билан бажарилади. Жисмоний тарбияга оид машғулотларда, ҳаракатли ўйинларда болаларда жамоатчилик, уюшқоқдик интизомлилик каби хислатлар шаклланади. Жисмоний тарбия эстетик тарбия билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Жисмоний машқлар оркали болалар енгил, чиройли, ифодали ҳаракат килишга ўрганадилар, бу сўзиз, болаларда эстетик хисни тарбиялайди.

Боланинг соглом ва жисмонан бакувват ва чидамли бўлиши унинг иш қобилиятини ўстиради.

Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари жамият эктиёжтари билан белгиланади. Бу эктиёж ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадидан келиб чиқади. Бу мақсад ўзида маънавий бойликни, ахлокий покликни, интеллектуал сагоҳиятни, жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама етук ривожланган шахсни шакллантиришдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси вазифаларини ҳал этишда, уларнинг ёш хусусиятлари хисобга олинади. Жадал ўсиш ва ривожланиш мактабгача ёшдаги бола организмининг ўзига хос хусусиятидир. Аммо система ва вазифаларнинг шаклланиши ҳали тугатяномаган бўлади. Шунинг учун мактабгача ёшдаги бола жуда нозик бўлади. Демак, болаларни жисмоний тарбиялаш жараённда куйидаги вазифалар биринчи даражали хисобланади.

Соғломлаштирувчи вазифалар: болалар соғлигини мустаҳкамлаш, организмининг шакл ва функцияларини уйғун ривожлантириш, иш қобилиятини ошириш, ҳар хил ташки таъсирларга чидамлилигини кучайтириш, узоқ умр кўришини таъминлаш.

*Таълимий вазифалар.* Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хос бўлган ўта қабул қилувчанликни, шароитнинг ўзгаришига енгил мосланиш қобилияти бир катор таълимий вазифаларни ҳам амалга ошириш имкониятини яратади, чунончи, керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, жисмоний сифатлар (чаққонлик кучлилик, мувозанат, кўз билан чамалаш кўникмалар)ни тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштириш. Боладаги ҳаракат кўникмалари: юриш, югуриш, велосипед учиш ва х.к. нисбатан енгил шаклланади ва улар боланинг мухит билан алоқасини осонлаштиради.

*Тарбиявий вазифалар.* Мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний мухитга спорт машғулотларга муҳаббат, уларнинг натижаларига, спортчиларнинг ютуқдарига қизикишни тарбиялаш лозим. Жисмоний машқларни бажаришда характер хусусиятлари (уюшқоқлик, камтарлик, кўнгилчанлик ва х.к.) ва аклий вазиятлар (халоллик, ҳаққонийлик, ўртоқдик хисси, ўзаро ёрдам), жамоада шуғулланиш малакаси, физкультура асбоблари ни эктиёт қилиш, топширикни масъулият билан бажаришларини тарбиялаш, шунингдек, иродавий фазилатлар (ботирлик, қатъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни енгишда саботлилик, дадиллик ва бошкалар)ни намойиш қилиш учун жуда қулай шароит яратилади.

Бизнинг жамиятимизда жисмоний тарбия давлатнинг она ва бола тўғрисидаги ғамхўрлигига, меҳнаткашлар яшаш шароитларининг доимо яхшиланиб бориши, моддий фаровонлигининг ўсишига асосланади.

*Гигиеник шароитлар.* Болаларнинг жисмоний тўғри ривожланиши учун гигиеник шароит (бино, майдонча,

жихозлар, кийим-бош, пойабзал) яратиш, болалар ҳаётининг илмий асосланган режимини (булар оқилона овқатланиш, харакатларни ривожлантириш ва организмни чиникиришни ўз ичига олади) албатта, бажариш зарур. Шу билан бирга тиббиёт ходимларининг доимий назорати, зарурий профилактик ва даволаш ишларини олиб бориш талаб этилади.

Боғчада ҳар бир гурухдар учун хоналар ажратилади. Гурух хоналари болаларнинг эркин харакат қила олиши ва соғ ҳаводан нафас олиши имконини берадиган дарражада катта, ёруғ, қуруқ ва иссик, деразалари жануби - шарққа қараган бўлиши керак.

Гурух хонасининг баландлиги 3—3,5 м бўлиб, ҳар бир болага бино сатҳидан 0,5 м<sup>2</sup> жой, тахминан 3 м<sup>3</sup> ҳаво тўғри келиши хона безаги гигиенага хос, тез тоза бўладиган, ёқимли, юмшоқ рангда бўлиши керак. Гурухда тартиб бўлишига риоя килиш керак. Хона ёруғлигини тўсадиган оғир ва қалин пардалар, гиламлар, юмшоқ мебел, умуман, ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак. Ҳамма жихозлар таълим-тарбия талабига, болаларнинг бўйларига ва гавда тузилишига мое бўлиши ва Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан қўйилган маҳсус меъёрга жавоб бериши лозим.

Болаларнинг стол, стуллари анча мустаҳкам ва енгил, тузилиши содда ҳамда осон ювиладиган бўлиши керак. Столлар ёруғлик чап томондан тушадиган килиб, жойлаштирилиши лозим. Юмшоқ ва кўргазмали қуроллар ҳам гигиеник талабларга жавоб берадиган, пишиқ, зарарсиз рангда ташқи кўриниши силлик бўлиши керак. Тарбиячи ўз гурухининг гигиеник шароити учун жавобгардир. Ҳонани болалар сайдрга, мусика машғулотига чиқиб кетгандан кейин шамоллатиш, дереза ва зал форточекалари эса йил фаслларидан катъи назар, доимо очиқ бўлиши керак.

**Боғча майдончаси.** Ҳар бир ёш гурухи учун ажратилган алоҳида майдонча бўлиши керак. Майдончада болаларни харакатланиш учун жой (текис майдонча)

кум, сув, қурилиш метериаллари, айнан ўйналадиган ўйинлар учун жой, ижодий ўйинлар ва турли ўйинчокдар билан ўйналадиган ўйинлар учун жой ажратилади. Майдончада харакатларни ривожлантирувчи жихозлар, тирмасиб чиқиш учун деворчалар (уч, тўрт ва олти бурчакли), мувозанат сакдаш учун хода, тепаликка сакраш, улоктириш машқдари учун жихозлар бўлиши керак.

Ёмғир ва қуёшдан сакдаш учун ёпик ойналар бўлади. Майдонча ҳар доим озода, тартибли бўлиши зарур. Болаларнинг овқатланиши (нонушта, тушлик, кечки овқат) "осойишта ўтиши керак. Оқилона ташкил этилган овқатланиш болаларнинг ўсиб бораётган организми учун айниқса, муҳим аҳамиятга эга, у барча тўқималарнинг меъёри ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Овқатланишда меъёрдан ҳар қандай четга чиқиш болалар организми, ҳаётий фаолиятига тезда таъсир қиласи ва бола қанчалик кичик бўлса, у энг кичик бузилишга ҳам шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Болаларни илк ёшлигидан бошлаб овқатни мустақил ейишга ўргатиш уларга овқатни иштаха билан ейишга, овқатга ижобий муносабат уйғотишга ёрдам беради. 2 ёшдан бошлаб қошиқдан фойдаланишга ўргатиш, 4 ёшдан санчиқсан, 5 ёшдан пичоқдан фойдаланиш малякаларини тарбиялаб бориш зарур.

Овқатланиш вақтида болаларга тарбия бериш, уларни койиш ярамайди. Бу холат болаларнинг асабини бузади, иштаҳасини бўғади. Бир болага берилган танбех бошқа болалар дикқатини тортмаслиги лозим.

**Үйку.** Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний томондан тарбиялашдаги муҳим вазифа асаб системаси гигиенасидир. Бу вазифани ҳал этишда үйку катта аҳамиятга эга. Үйку мия катта ярим шарларининг меъёри ишлаши учун зарур бўлган куч-куватни тиклайди.

Яхши ва узок давом этган үйку асаб системаси толикишининг олдини олувчи асосий воситадир.

Болаларни яхши ухлатиш учун уларга кучли кўзғатадиган аклий ва жисмоний иш килдирмаслик, уйқудан олдин салбий хисларни уйғотмаслик лозим, бундай муомала натижасида боланинг мия ярим шарла-рида юқори кўзғалиш ўчоғи ҳосил бўлади.

**Сайр.** Болаларнинг узок вакт очик ҳавода бўлиши уларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланишига хар томонлама ижобий таъсир этади. Боланинг очик ҳавода бўлиши натижасида қон айланиши яхшиланади. Ҳароратнинг ўзгариб туриши ҳавонинг нам лиги шамол таъсири терморегуляцион аппаратни машқ қилдиради. Организмнинг фаоллиги янада ортади, харакатлар, жисмоний сифатлар такомиллашади.

**Чиниктириш.** Бола организмини чиниктириш деганда, чидамлилик, заарли таъсирларга қаршилик кўрсатиш, хаётий шароитларнинг ўзгаришига тез мослашиб қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади.

Чиниктиришнинг асосий тамойиллари системалик, доимиийлик ва шахснинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олишdir. Чиниктиришнинг асосий воситалари табиат инъомлари: ҳаво, сув ва Қуёш ваннасидир.

Кун тартиби ва уни ўтказиш методикаси. Кун тартиби жисмоний тарбиянинг муҳим шартидир. Кун тартиби хилма-хил фаолият ҳамда дам олишнинг вакт жихатдан мувоғиқ тақсимланишидир.

Кун тартибини ташкил этувчи барча қисмларни (овқатланиш, уйку, ўйин, машғулот, сайд) бир меъёрда тақорлаш натижасида болаларда фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига ўтишни енгиллаштирувчи мустаҳкам кўниумка ҳосил бўлади.

Кун тартибига кўйилган асосий талаблар. Кун тартибини ташкил этиш гигиеник омил, яъни болалар соғлигини сакдаш, ўзини яхши ҳис этиши ҳам санитария-тигиена талабларига риоя килиш каби вазифалар билан чекланади.

Кун тартибини тузишда йил фасллари ҳам эътиборга

олинади. Кун тартибига кўйиладиган яна бир талаб болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишdir.

Шундай килиб, жисмоний тарбия муаммосини хал этишда, аввало, санитария - гигиена омилларига, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари Қуёш, ҳаво ва сув, гимнастика, ўйин каби воситаларга катта аҳамият бериш кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Жисмоний тарбиянинг мазмуни.
2. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Жисмоний тарбиянинг болаларни бакувват, чиниккан килиб тарбиялашдаги аҳамияти.
3. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари нималардан иборат?

## **VII боб. БОЛАЛАР ЖАМОАСИ. БОЛА ШАХСИНИ ШАКЛАНТАРИШНИНГ МУҲИМП1АРТ-ШАРОИТЛАРИ**

### **Режа:**

1. Болалар жамоаси ҳақида тушунча.
2. Бола шахсини тарбиялашнинг шарт - шароитлари.
3. Болалар жамоасининг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар.
4. Жамоатчиликни тарбиялаш жараёнида ахлоқий сифатларни такомиллаштириш.

Жамоа ижтимоий жамоанинг бир кисми ҳисобланиб, кишидан маълум бир мақсад асосида интиладиган, ҳаракат қиласидаган ва ўзи ҳамма куч-ғайратини ижтимоий фаолият, меҳнатга сарф қиласидаган бўлишини талаб этади. Жамоани тушуниш, уни хис этиш ҳамда шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш, инсон фикрини хурматлаш, жамоанинг муносаб аъзоси бўлишга интилиш ҳар бир шахс учун муҳимдир. Болалар жамоасини шакллантириш узок, вактни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Дастлаб биргалиқдаги фаолият қўпинча дунё билан боғлиқ бўлган фаолиятга бирлашади. Бу бирлашиш бекарор, қисқа муддатли бўлиб, тез бузилади. Бундай дастлабки бирлашишнинг биринчи ташкилотчиси тарбиячидир. Чунки у болаларга биргалиқда ўйнашни таклиф этади. Болалардан биттаси ўйинчоқларни юкласа, иккинчиси ташибиди, учинчиси юкни туширади. 4-5 қиз қўғирчок билан «Оила» ўйинини ўйнайди, тарбиячи эса уларга ролларни тақсимлашда ёрдам беради ва х.к.

Тарбиячи болаларни бир гурухга бирлаштиришда уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олади, чунончи, битта гурухга серҳаракат ва бошқасига пассивроқ болаларни бирлаштиради.

Иккинчи хусусияти: болалар жамоасининг барқарор бўлишини таъминлашдир. Бу даврга келиб болатар анча мустакил ҳамда ташкилотчилик қобилиятини эгалланган бўладилар. Жамоада қатнашувчилар сони 8-10 кишига етиб қолади.

Биргаликдаги фаолият жараёнида ўйин ва меҳнатдан кенг фойдаланилади. Бу боскичда тарбиячининг вазифаси ҳамма болаларда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришдир. Машғулот ўтказаёттан жараёnda унинг ўзи ҳаммага кўриниб туриши, овози баландроқ ва ҳамма учун тушунарли бўлиши керак. Тарбиячи шундай машғулот жараёнида ўртокларининг ишини таҳлил қилишга жалб этиш оркали болаларни изланувчанликка, ҳақиқатгўйликка ўргатади ҳамда болаларнинг ўз тенгдошларига хайриҳоҳ муносабатда бўлишини таъминлайди.

Болалар жамоасини шакллантириш ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғлиkdir. Болалар ўз хулкларининг жамоа манфаати билан боғлиқдиги ҳақидаги баҳони эшитадилар. Бола жамоа фикри ва баҳси билан ҳисоблашса, ўзининг жамоа учун зарурлигини сезса, у билан фурурланса, умумий ҳаётнинг ёқимли ва кувончли бўлиши учун интилса, бу жамоанинг етарли даражада шаклланганлигидан далолат беради.

Бола келиши билан болалар жамоасининг аъзоси бўлиб қолади, у бошқа болалар билан ўйнаши меҳнат килиши, керак бўлса ён бос и ш ни ўрганиб олади.

Тарбиячи ҳар бир боланинг қобилиятини алоҳида баҳолаб бориши керак.

Кейинчалик жамоада ҳаёт тажрибасининг тўпланиши натижасида «мен», «меники» тушунчасининг ўрнини «биз», «бизники» деган тушунчалар эгаллайди. Бу эса болаларнинг ўзини жамоа аъзоси деб тушуниб

олганидан ва ўз шахси манфаатини умумий мақсадга бўйсундира оладиган давридан бошланади.

Яхши ўртоқ бўлиш — бу бошқалар билан ўзини бир қаторда тутиш, улар тўғрисида ғамхўрлик килиш, шу билан бирга сен ёлғиз эмассан, сен тўғрингда бошқалар ҳам ўйлади, сенга бошқалар ҳам ғамхўрлик қиласди деган маънони англатади.

Болалар жамоасини шакллантириш учун маълум шарт-шароитлар зарур хисобланади. Булар:

- боғча ходимларининг ўзаро ҳамжи\ат бўлиши;
- болалар ҳаётини ташкил этиш;
- ўйинчокдарнинг болалар ёшига, қизиқишига мое келиши ҳамда миқдор жихатдан ҳам болалар сонига тўғри келиши;
- болаларда ўзаро ахиллик, ғамхўрлик, жамоатчилик, инсонийликни тарбиялашга ёрдам берувчи машғулотлар;
- болаюр учун ҳар хил қизикарли фаолиятларни ташкил этиб бориш;
- оила билан мустахкам алоқа ўрнатиш;
- болаларга хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини ўргатиб бориш;
- болалар ўртасида ижобий ҳайриҳоҳдик муҳитини яратиш.

Демак, мактабгача тарбия ёшидаги болалар жамоасига ҳар доим катта одам раҳбарлик қиласди. Бунда болаларнинг харакатлари маълум томонга йўнаттирилади, бошқарилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда жамоатчилик муносабатларининг бошланғич белгилари ахлоқий сифатларнинг мураккаб гурухидир.

Бунга болаларнинг дўстлашиш, бирга ўйнаш ва меҳнат қилиш хохиши, қобилияти, бошқаларнинг хохиши қизиқиши билан хисоблашиши, бир-бирига ёрдам бера олиши, топшириқни вижданан бажариши, нарса ва буюмларни асрashi каби ахлоқий сифатлар мажмуаси киради.

Бундай хис-туйғу, тасаввур, тушунчалар бола шахсинг ижтимоий йўнаттирилган ҳолда шаклланишига ёрдам беради, болада инсонпарварликнинг дастлабки наmunalari шаклланишига таъсир этади.

Болаларда тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, хулқ-атвор қоидалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутади. Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини ўргатиш асосида ривожланади. Бунинг учун болаларни яхши ишларни килишга ўргатиб бориш зарур. Тарбиячи кичкина болаларга айрим хатти - харакатларни сюжетли ўйинчоклар билан ўйнаш орқали кўрсатади.^Шунингдек, тарбиячи болаларни тенгдошлари билан саломлашишга, ҳаммаларини янги келган кишининг саломига жавоб беришига одатлантиради, қасал болага хат ёзишни, унга расмлар юборишни ёки телефон қилишни таклиф этади.

Боғчада болаларнинг тугилган кунларини нишонлаш анъанаси ўзаро муносабатларга самимийлик киритади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда характернинг иродавий хусусиятлари — ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришиш учун эса ҳар қандай қийинчиликни енгиди, бошланган ишни охирига елказа олиш, бирор ишдан ўзини тия билиш, ишда далилликни тарбиялш зарурдир.

Болаларнинг кайфияти қўп жихатдан bogча ва уйда улар ҳаётининг ташкил этилиши ва мазмунига боғлиқ. Соғлом бола катталар сингари ўзининг жисмоний кучига ва умумий ривожланиши даражасига қараб тўлақонли яшашга ҳаракат қиласди. У хилма-хил кечинмалар, янги тушунча ва тасаввурларга ташна бўлади. Бунинг учун тарбиячи болаларни сира ишеиз ва машгулотсиз колдирмаслиги керак.

Боғча ёши даврида таълим-тарбия иши тўғри амалга ошириб борилса, болаларда аввало, интизомлиликни шакллантиришга ёрдам беради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда интизомлиликни ва хулқ маданиятини тарбиялашда куйидаги шарт-шароитлар муҳим:

— тарбиячи ота-оналарнинг хулқ маданияти, маънавий етуклиги, обрў-эътибори ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари;

— болалар яшайдиган хона асбоб-анжомларнинг тўғри жойлаштирилиши;

— болалар гурухида, уларнинг ривожланиши, ёш хусусиятига мое бўлган ўйинчоқларнинг етарли бўлиши, тарбиялашда боланинг онглилигига асосланиш;

— тарбиячининг болалар гурухида илтифотлилик ҳолатини шакллантириш, уларни тозалик ҳамда озодаликка ўргатиб бориши.

Демак, таълим-тарбия ишини тўғри амалга ошириб борилса, болаларда бундай сифатларнинг ҳаммаси муваффакиятли шакллантирилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Бола шахеини тарбиялашнинг шарт-шароитлари.
2. Бола жамоасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Болалар жамоасини тарбиялаш жараёнида қандай сифатлар такомиллашади?
4. Интизомлилик ва хулқ маданиятини шакллантириш деганда нимани тушунасиз?

## VIII боб. БОЛАЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОЛА ШАХСИДАГИ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ. ШАХС ВА ЖАМОА

### Режа:

1. Болалар жамоасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Жамоани шакллантириш боскичлари.
4. Болалар жамоасини шакллантиришнинг мохияти ва ахлоқий тарбия вазифалари.

Жамоа сўзи лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажяис, бирлашма, гурух маъноларини англатади. Ёки жамоа деганда кишилардан иборат гурух тушунилади.

Жамоа ва жамоа оркали тарбиялаш тарбия тизимида алоҳида аҳамият касб этадиган тамойиллардан бириди. Боланинг хар томонлама ривожланиши ва шаҳе сифатида шаклланишида жамоанинг етакчи ўрин тутиши ҳақидаги фикр педагогика фанининг ривожланиш даврларидаёқ билдирилган.

Шунинг учун ҳам болалар жамоасининг ривожланиш педагогик жиҳатдан бошқариладиган жараёндир. Жамоага раҳбарлик қилишнинг асосий вазифаси педагогик ёндашишнинг илмий асосланган тизими ёрдамида жамоа аъзоларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Жамоанинг тарбиявий вазифалари унинг аъзолари олиб борадиган мазмунли билиш, алока фаолияти жараёнида амалга оширилади.

Жамоада болалар, энг аввало, муомала меъёрларини амалда ўзлаштирадилар, ўз хатти-харакатларини бошқа

одамлар манфаатларига мувофиқ тарзда қуришни, режали ва адолатли бўлишни ўрганадилар.

Болалар жамоаси турли ёш босқичларида муайян хусусиятларга эга бўлган холда тобора ривожланиб борувчи тизимдир.

Мактабгача тарбия ёшда жамоанинг дастлабки асослари шаклланади. Мактабгача ёшдаги болалар жамоаси бу болалар боғчасидаги жамоа, турмуш тарзи биргашкдаги фаолият асосида бир-бирига боғлик мақсад, манфаат ва кечинмалар билан тарбиячи раҳбарлигига бирлашган ва уюшган болалар гурухидир.

Мактабгача тарбия ёшдаги болалар жамоасида тарбиячи бош ташкилотчи ролини ўйнайди ва болаларда аста-секин жамоанинг аҳамияти хақида умумий натижаларга эришишда биргаликда куч-гайрат сарфлаш кувончи хақида ҳар бир боланинг жамоа ҳаётидаги роли ҳақида тасаввур ҳосил қиласи. Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий кувончли кечинмалари, биргаликда килинган марокди фаолият болалар жамоаси ривожланишининг асосидир.

Мактабгача тарбия ёши охирларига борганда. мактабгача ёшдаги болалар гурухидаги тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлса, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, масъулиятлилик каби хусусиятлар намоён бўлади.

Шундай қилиб, жамоа кишиларнинг муайян гурухи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсад ҳамда мазкур мақсадни амалга ошириш учун йўналтирилган фаолиятни ташкил этади. Ушбу гурух аъзолари ўзаро бирлик, аъзоларининг муносабатлар жараёнидаги тенглик асосида унга раҳбарлик қилиш ва бир-бирига бўйсуниш, шунингдек, жамоа олдидаги жавобгарлик асосида муайян фаолиятни олиб борадилар, Жамоа ва уни шакллантириш педагогик фаолиятнинг мақсади хисобланади. Жамоанинг етакчи тарбиявий вазифаси шахсни ҳар томонлама тарбиялаш унда ижобий сифатларини ҳосил қилиш мустахкам ҳаётий вазиятни қарор топтиришдан иборат.

Болалар жамоаси тарбиячи педагог ҳамда болалардан иборат жамоанинг мураккаб бирлашмаси ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқарув жараёнини ташкил этувчи мустакил тизим, шунингдек, ўзининг психологик мухитига ва анъанатарига эга гурух хисобланади. Бугунги кунда педагог олимлар (Л.И. Новиков ва бошқ.) болалар жамоаси ривожланиш жараёнини таҳлил қиласи экан, уни куйидаги уч жихатига ёътибор берадилар:

- а) жамоани дастлабки шакллантириш;
- б) жамоани шакллантириш, унинг ҳар бир аъзосини индивидуат ривожлантириш;
- в) тарбияланувчилар аматий фаолиятининг доимий равишда<sup>^</sup>мураккаблашиб бориши.

Тарбиячи жамоа аъзоларининг биргатикдаги фаолиятини ташкил этар экан, жамоа аъзоларининг ижобий тажрибага қўшиш имконини берадиган ўзаро муносабатларини шакллантиришга таъсир этадиган шакл ва методлардан фойдаланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болатар жамоаси машғулотларнинг умумийлиги ва ўзаро муносабатларнинг муайян тизими туфайли бирлашган болалар гурухидир. Унинг шаклланиши бутун тарбиявий жараённинг натижаси бўлиб, тарбияланувчилар ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этишга боғлик бўлади.

Демак, инсон хулқидаги ижобий сифатлардан бири кишилар жамоасига қўшила олиш ва ўша жамоа аъзолари орасидан муносабиб ўрин олишдир. Бу ҳар бир кишидан юқори савия ва одоб-ахлоқни татаб этади.

Кишининг одоби, билими, жисмоний камоли, жамоа ичida тез кўрина бошлайди.

Бола ёшлигидан бошлаб ўзида бошқатар билан, болалар жамоаси билан мулоқотга эҳтиёж сезади. Аммо кичкина бола жамоани ўзи танлай олмайди. У бирон жамоага шароит такозоси билан келиб крлади.

Бола яшаётган жамоа жозибали этиб ташкил килинса, бола бундай жамоада ўзини эркин сезиши мумкин. Бунинг учун эса жамоа мазмунан бой, ундаги

ўзаро муносабатлар инсонпарварликка асосланган бўлиши муҳим. Жамоани шакллантиришда жамоа аъзолари ва уларнинг фаолиятларига қўйиладиган ягона талблар муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, болалар томонидан ўз-ўзини бошқариш жамоа аъзоларидан айримлари бошқасидан устун келишига йўл қўймаслиги керак.

Шу боис, тарбиячи болаларни мақсадга мувофик фаолият юритишини назорат қилиб бориши лозим.

Демак, тарбиячи болаларни оширадиган якка тарбиядаги ишларни уюштиришда маълум шартшароитларга риоя қилиши лозим. Масалан, якка тарбиядаги сұхбатлар, машғулотлар, раем ва китобларни кўриш, дидактик ўйинлар эрталабки соатларда, сайдра кечки соатларда ўтилса, мақсадга мувофик бўлади.

Болалар билан қандай ишлар олиб бориш тарбиячининг умумий режасида кўрсатилиши керак. Олиб борган кузатишлари натижаси тарбиячи ўзининг кундалик дафтарига ёзиб боради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар жамоаси деганда нимани тушунасиз?
2. Жамоанинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириңг.
3. Болаларни мактабга тайёрлашда жамоанинг ўрни.
4. Жамоани шакллантириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари қайсилар?

## IX боб. АКЛИЙ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ

### Режа:

1. Аклий тарбия ва аклий ривожтаниш тушунчасининг мазмуни.
2. Акдий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
3. Аклий тарбия ва таълимнинг назарий асослари.

Ёш авлодни ҳар тамонлама етук шахе қилиб тарбиялаш жамият эҳтиёжтаридан келиб чиқадиган обьектив заруратдир. Аклий тарбия ижтимоий тарбиянинг энг муҳим жиҳатларидан бири.

Аклий тарбия бу акдни ривожлантириш мақсадида ёш авлодга мунтазам ва мақсад асосида педагогик таъсир кўрсатишдир. Демак, акл кенг маънода сезиши ва идрок этишдан бошлаб то тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган билиш жараёнлари йиғиндиси бўлиб, у ёш авлоднинг инсоният тўплаган билимлар, кўникма ва малакалар, меъёрлар, қоидалар ва бошқаларда рўй беради.

Бу холат катталар томонидан амалга оширилади ва болаларнинг аклий ривожланишини таъминловчи хилма-хил воситалар, методларни, керакли шарт-шароитларни яратиш ни ўз ичига олади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни аклий тарбиялаш болаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган катталарнинг маълум мақсад асосидаги таъсир этишдир. У болаларга теварак-атрофдаги олам хақида билимлар беришни, уларни тизимлаштиришни, болаларда билишга қизиқиш уйғотиш, аклий малака ва кўникмаларни таркиб топтиришни, билим қобилиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни мактабга

тайёрлашда акдий тарбиянинг роли, айниқса, каттадир. Чунки акд хис-туйгулар ва идрок этишдан тортиб, фикрлаш ва тасаввур этишгача бўлган жараёнлар ийғиндисидир.

Аклий ривожланиш фикрнинг кенглигига воқеаларни хар хил боғланишларда, муносабатларда кўра билиш, умумийлаштириш қобилиятида намоён бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг аклий ривожланиши фаолият жараёнида, дастлаб муомалада бўлиш, нарсалар билан бажариладиган фаолият натижасида, кейин эса ўкув, меҳнат, самарали фаолиятлар: раэм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш, апликация, куриш - ясаш жараёнида амалга ошириб борилади. Боланинг аклий ривожланишга таълим ва тарбия самарали таъсир кўрсатади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга аклий тарбия беришни тўғри ташкил этиш учун уларнинг аклий ривожланиш қонуниятлари ва имкониятларини билиш керак. Аклий тарбиянинг вазифаси унинг мазмуни, методи ва ташкил этилишига караб белгиланади. Педагогика ва психология фани аклий тарбия бериш вазифаларини самарали ҳал этишда, бир томондан, боланинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, иккинчи томондан, бола организмнинг умумий чарчашига сабаб бўлиши мумкин бўлган ортиқча толиктириш бўлмаслиги йўлларини топиш учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг аклий ривожланиши қонуниятлари ва имкониятларини ўрганиш билан шугулланади.

Кейинги йилларда олиб борилган психологик-педагогик тадқиқотларнинг натижалари мактабгача тарбия ёши даврида болаларнинг аклий ривожланишида жуда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган билим малака ва кўникмалар мазмунини янада чуқурлаштириш, хажмини кенгайтириш мақсадга мувофик эканлигидан далолатdir.

Мактабгача тарбия ёшининг охирига келиб, болалар

теварак-атроф тўғрисида каттагина ҳажмдаги энг оддий билим ва тушунчаларга эга бўладилар, асосий фикрлаш жараёнларини эгаллаб оладилар. Факат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли аклий ривожланиш рўй беради, шунинг учун ўқитувчи ва тарбиячиларнинг асосий вазифаси — болага муайян мақсадни кўзлаб тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароит яратишдир. Бола ҳар доим буюмлар ҳамда ходисалар орасида бўлади. Бола доимо бирор нарса билан танишади, ниманидир билиб олади, ушлаб кўради, хидлайди, тортиб кўради, нимагадир қулоқ солади. Шутариқа аста-секин дунёни билиб боради. Теварак-атрофдаги буюмлар, табиат боланинг сезги органлари — анализаторларига таъсир этади ва сезги хосил қиласи. Сезги болаларга буюмларнинг айрим хоссаларини: соvu^ иссик, ғадир-будур, силлик-ялтироқ, хушбўй ва х.к.ни билим олишда ёрдам беради. Сезги атрофдаги муҳитни билишнинг дастлабки босқичи саналади. Бола сезги туфайлигина теварак-атрофдаги нарсалар тўғрисида билим, тажриба тўплаб боради.

Идрок эса анча мураккаб жараён бўлиб, сезгилар асосида хосил бўлади. Бола олмани қўлида ушлаб кўриб, караб чиқиб ва еб кўриб, уни яхлит бир буюм, айни бир вақтда думалоқ, кизарган, хушбўй, мазали ва х.к. тарзда идрок қиласи. Бола олмани яхлит бир буюм тарзида тасаввур қилиши учун бирданига бир нечта анализатор: кўриш, сезиш ва хид билиш анализаторларидан фойдаланади.

Анализаторлар бир вақтнинг ўзида бирданига ишлаши буюмнинг хоссаси ва белгиларини аниқроқ ҳамда тўлароқ билиш имконини беради. Шунинг учун катта ёшдаги кишилар болани илк ёшлик чоғидан бошлабоқ аклий жихатдан тўғри тарбиялаш мақсадида буюмларни кўпроқ анализаторлар ёрдамида идрок қилишга имкон тугдиришлари, анализаторларнинг ривожланишига, яъни боланинг сенсор маданиятига алоҳида эътибор беришлари керак.

Болада нутқ пайдо бўлишидан анча олдин (бода бир ёшга тўла бошлаганда биринчи бор гапира бошлади) у теварак-атрофдаги одамлар ва буюмлар дунёсини катта ёшдаги кишилар ёрдамида билиб олади.

Бола З ёшга тўлганда унинг сўз захираси 1200—1500 тага етади. Бола катта ёшдаги кишилар унга нима хақида гапираётганларини яхши тушунади. Бу катта ёшдаги кишилар нутқидан хар томонлама тарбиялашнинг кучли воситаси тарзида фойдаланиш имкониятини беради. Болаларнинг аклий жиҳатдан ўсишида хотира катта аҳамиятга эга.

Бола туғилганда ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарса киломайди. У ривожланишнинг бирмунча юқорирок даражасига кўтарилиб бирор бир фойдали иш учун кўпгина билим ва малакаларини эслаб қолиши керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хотираси кўпинча беихтиёр тарзда бўлади. Шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг аклий ривожланишида хаёл муҳим роль ўйнайди. Хаёл боланинг хаёти жараённида, унинг фаолиятида таълим ва тарбия таъсирида таркиб топади. Боланинг хаёли у сюжетли ўйинлар ўйнай бошлаганида, катталар қизиқарли эртаклар айтиб берганида, ўша эртакларга қизиқиши орқали дастлабки аломатлари пайдо бўлади. Аммо боладаги хаёл кўпроқ аниқ вазиятга боғлик бўлади (масалан, қўғирчок кўриниб қолса, уни ухлатади, машина бўлса, бирор нарсани ташийди ва х.к.).

Катта боғча ёшига келганда, боланинг тажрибаси ортиб, фаолияти мураккаблашади ва бунинг натижасида бола хаёлида сезиларли ўзгариш юз беради.

Мактабгача тарбия педагогикаси ёш авлодни аклий тарбиялаш вазифаларини жамиятимизнинг ижтимоий талабларига ва инсоннинг аклий ривожланиш мөхияти ва табиатига асосланиб ишлаб чиқади. Акдий тарбиянинг асосий вазифалари:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар тизимини, илмий дунёкарашни шакллантириш.

2. Акдий фаолият, билиш жараёнлари ва қобилияларни, акдий жараённинг хилма-хил усулларини ривожлантириш.

3. Мустакил билиш қобилияларини, акдий меҳнат маданиятини ривожлантириш.

4. Акдий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Билимни тасаввурлар ва тушунчалар, қоидалар, қонуниятлар, системалар шаклидаги турли фанларнинг мазмуни ташкил этади.

Акдий тарбиянинг вазифаси болаларда воеа ва ходисатарни тўла акс эттирадиган юксак даражадаги умумлаштирилган билимлар тизимини шакллантиришдан иборатдир. Билим дунёкарашнинг асосини ташкил этади. Демак, бола теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси сифати ва хоссалари (синади, пачоқ бўлади, йиртилади, тўкилади) хақида, қайси материалдан тайёрланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади. У табиат ҳодисалари, уларнинг ўзаро боғликдиги ва қонуниятлари (йил фаслларининг ўзига хос белгилари, улар ўртасидаги боғланишлар, ҳайвонлар, уларнинг хаёти ва яшаш тарзининг ташкил килинишига, хулқига, яшаш шароитига мослиги ва х.к.) ни билиб оладилар. Жонсиз табиат, ўсимликлар, ҳашарот ва ҳайвонларни кузатиши жараённида тарбиячи болаларда борлик тўғрисидаги материалистик тасаввурларни шакллантириб боради.

Билимларни эгаллаб бориш натижасида боланинг шахси ҳам шаклланиб боради. Бола санъатнинг хар хил турлари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб олади.

Билим инсоннинг меҳнатга муносабатини шакллантиради. Акдий фаолиятни ривожтантериш билим ҳажми ва хусусиятига боғлик. Акдий фаолиятни ривожлантириш эса психик жараёнларни сезги ва идрок этиш, таассурот, хотира, фикрлаш, тасаввур ва нутқни шакллантиришни ҳам билдиради. Бунда уларга акдий

фаолиятнинг ғоят самарадорлигини таъминлайдиган хис-туйгулар нозиклиги ва аниқдиги, идрок этишнинг сабитқадамлиги ва тўлақонли, эсда қолишнинг мустаҳкамлиги ҳамда онглиги, тафаккур мантиқи ва унинг мослашувчанлиги, ижодий хусусият ва мустакилликка хос бўлиши керак. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўзларига тушунарли бўлган ижтимоий воқеа ва ходисалар, кишиларнинг меҳнати, умумхалқ байрамлари, республикамиизда яшайдиган баъзи халклар ҳаёти билан таништирилади. Бу тадбирлар уларда жамиятимиз ижтимоий ҳаётига қизиқиш уйғотиш, Ватанга муҳаббат туйғуси ва байнамилалчилик асосларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ақлий таълим — мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш қобилиятини мунтазам ва режали равиша ривожлантириб бориш, болалар бoggаси дастурида белгиланган энг оддий билимлар тизими билан куроллантириш, малака ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда акдий тарбия беришда таълим етакчи роль ўйнайди. Чунки таълим жараённида акдий тарбияга дойр ҳамма масалалар ҳал этилади. Таълим болаларга изчиллик билан билим беришни, бу билимларни аниқдаш ва тизимлаштириш, билиш жараёнлари, тафаккур фаоллигини ривожлантиришни назарда тутади.

Таълим кузатувчанлик, қизиқувчанлик ва синчковлик, зийраклик, танқидийлик каби сифатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Таълим жараённида болаларда ўқув фаолияти асослари хосил қилинади, мактабда муваффакиятли ўқиши учун муҳим шарт-шароитлар яратилади. Ҳаёт таълимнинг икки хил йўл билан амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Биринчи йўл — болаларнинг билим, малака кўникмаларини катталар билан ўзаро муносабатда бўлиш орқали эгаллаб боришидир. Бу муомала, меҳнат фао-

лияти ва шу кабилар билан белгиланади. Аммо бу йўл билан эгаллаган билим ва малакалар болага хаётнинг турли соҳаларида мустакил қатнашиш учун имконият яратмайди.

Таълимнинг иккинчи йўли - маҳсус тайёргарлиги бор кишиларнинг маҳсус ўқув муассасаларида болаларни керакли билим, малака ва кўникмалар билан режали равиша куроллантириб боришидир. Бундай йўл билан таълим беришдан мақсад ёш авлодни замонавий ишлаб чиқариш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фаол қатнашиш учун зарур бўлган фан ютуклари билан таништиришdir.

Барча олиму фозиллар, шоиру ёзувчилар ўз даврининг нуфузли таълим масканларида ўқиши билан хурмат-эътибор топганлар. Абу Наср Форобий, Махмуд Кошғарий, Абу Райхон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Саидрасул Азизий, Мухаммад Шариф Сўфизода, Абдулқодир Шокирий, Абдулла Авлоний ва бошқалар мукаммал илм эгаллаш орқали фаннинг барча соҳаларида буюк қашфиётлар ва янгиликлар яратганлар, шу билан бирга бошқаларни ҳам илм эгаллашга чақирганлар.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш тизими педагогикада илк бор чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) томонидан яратилган.

Я.А. Коменский 6 ёшгача бўлган болаларга таълим ва тарбия бериш мумкинлигини кўрсатиб берди. Я.А. Коменский 19 бўлимдан иборат мактабгача таълим дастурини тузди. Масалан, у табиатшунослик (физика) сув, ер, хаво, олов, ёмғир, кор, муз, тош, ўт, кум ва бошқалар ҳақида билим бериш лозимлигини, астрономия, география, оптика ва бошқа соҳаларда болаларга билим бериш кераклигини асослаб берди. Болалар боғчасида бериладиган таълим болаларнинг мактабда оладиган билимлари билан узвий боғлик бўлиши кераклигини таъкидлади. У ўзининг «Оналар мактаби» кито-

биди кичик болаларни тарбиялаш ва укитиш дастури ҳамда методикасини жуда синчилаб ишлаб чиқкан. Шу билан Я.А. Коменский мактабгача тарбия педагогикасининг мустакил фан сифатида шаклланишига асос солди.

Швейцар педагоги И.Г. Песталоцци (1746-1827) мактабгача тарбия дидактикасини тузишида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ривожлантириш масаласига катта эътибор беради. Г. Песталоцци томонидан ишлаб чиқилган таълимнинг асосий мазмунни мактабгача тарбия педагогикасининг ривожланишида ва болаларга кейинчалик мактабда система™ таълим беришда асосий дастур бўлиб хизмат килди. Ҳозирги замон мактабгача таълим назариясини яратишида А.П.Усованинг хизматлари катта аҳамият кассб этади.' Олима раҳбарлигидага 1950 йилларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, болалар боғчаси ҳар бир ёш гурухининг таълим-ларбия ишлари мазмуни, метод ва усуслари ишлаб чиқдлди. Бу ўтказилган ишлар таълимнинг тарбиявий ишдан фаркини аниқ белгилаб берди.

Таълимнинг назарий жиҳатлари ишланиши «Болалар боғчаси тарбия дастури»да «Машғулот» бўлимини ажратиш имконини берди ва дастурнинг кейин ги нашрларидага бу бўлим такомиллаштирилиб борилди.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Акдий тарбия ва таълимнинг мазмунини айтишинг.
2. Аклий ривожланиш деб, нимага айтилади.
3. Акдий тарбиянинг мақсад ва вазифалари.
4. Акдий тарбиянинг методологик асослари.

## Хобоб. АКЛИЙ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ, УСЛУБЛАРИ

### Режа:

1. Акдий тарбия ва таълимнинг моҳияти.
2. Болаларни баркамол инсон килиб тарбиялашда таянч дастурининг аҳамияти.
3. «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастурида мактаб ва боғчада амалга ошириладиган ишларнинг изчилиги ҳамда тизимлилиги.

### Дастурнинг яратилиш тарихи

Болалар боғчаларига оид лажрибалар ва ўтказилган педагогик ва психологик илмий тадқиқот ишлари турли ёшдаги болаларга теварак-атроф тӯғрисида бериладиган билимларнинг тахминий ҳажмини белгилаш, уларни мураккаблаштириб бориш имконини беради.

«Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастурида болаларнинг «жисмоний ривожланганлик даражалари», «Нутқ ва тафаккурнинг ривожланганлик даражаси», «Болаларнинг маънавий камолотини таъминлаш»га дойр асосий бўлимлар қўрсатиб берилган. Бу бўлимларда болаларни жисмоний жиҳатдан етук, соғлом ва бакувват килиб тарбиялаш, уларнинг нуткий тафаккурини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш уларнинг мантикий тафаккурини ва хисоблаш малакасини ўстириш ҳамда болаларда нафосат ва орасталикни шакллантириш каби жиҳатларига кенг эътибор қаратилади. Шунингдек, табиат билан ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан, бэъзи бир ижтимоий воқеалар, нарсалар, уларнинг сифал ва хусусиятлари билан таништиришга хам алоҳида эътибор қаратилган.

Мактабгача ёшдаги болалар бу билимларини фақа машғулот жараёнида эмас, балки ўзларининг кундалик хаётларида, ўйинларда сайр вактида эгаллашлари дас турда кўрсатиб ўтилган.

Бу дастурнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- болаларни жисмоний ривожлантириш;
- болаларни нутки ва тафаккурини ривожлантириш;
- маънавий-маданий етуклик.

Таълим дастури қуйидаги тамойилга асосланиб тузильтган:

- болаларга етарли билим бериш;
  - ҳар бир ёшга хос билим ва малакалар;
  - билим ва матакаларни секин-аста мураккаблаштириб бориш;
  - материашинг бир мақсадга қаратилганлиги;
  - маҳаллий материаллардан фойдаланиш;
  - табиатдаги воқеалар;
  - таълимга дойр бўлиmlар орасидаги боғликдик.
- З ёшгача булган болаларда теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг сифати ҳар хил нарсаларнинг номи ҳамда уларни ишлатиш тўғрисида тўғри тушунча бўлиши керак. Болаларни уй жихрзлари ва буюмлари (мебель, идиш-товоқ, кийим, ўйинчоқ машғулотлар учун материал) билан таништириш, уларнинг ривожланишда катта аҳамиятга эгадир.

Бу нарса уларнинг нутқини бойитади, мустакиллик, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларни тарбиялашга ёрдам беради (чиройли кийим, ҳар хил буюмларнинг шакллари). Теварак-атроф билан таништириш дастури ҳар бир ёш гурухи учун муайян билимларни эгаллаб олишни назарга тутади.

Масалан, биринчи гурух тарбиячиси болаларни буюмларнинг жойлашишини билиб олишга ўргатади. Кейинчалик болалар бошқа хоналарда нималар борлигини, у ерда болалар ва катталар нима иш билан шуғуланишни билиб борадилар. Масалан, мусика хонасида мусика машғулотлари, байрамлар ўтказилади, ошхонада овқат пиширилади ва х.к.

Шунингдек, тарбиячи, болаларни яқин атроф, кўчаларни, ўз ўйин майдончасини билиб олишга ўргатади. Айниқса, катта гурух болалари ўз уйлари манзилини, боғчадан уйга кетадиган йўлни яқин орадаги майдон ёки хиёбонларга бориш йўлини билишлари керак.

Болаларни табиат билан бевосита алоқада бўлишлари уларнинг ҳар томонлама ривожланишларида мухим аҳамиятга эгадир. Бу ҳол уларнинг акдий қобилиятларини тарбиялашда ахлоқий ҳамда эстетик хисларини ривожлантиришда кувноқдик, тетиклик, жисмоний ҳамда руҳий томондан бардошли бўлишларида асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Болаларнинг табиат билан бевосита алоқада бўлиши уларнинг сенсор тарбиясига катта хисса қўшади. Табиат ўзининг мўл-кўл бўёқлари, шакллари, товушлари билан анализаторларини қўзғатади.

Табиат билан алоқада бўлиш эстетик тарбия вазифаларини ҳал этишга катта ёрдам беради. Чиройли манзаралар, ҳар хил капалаклар болаларда кувонч хиссини уйғотади. Тарбиячининг вазифаси болаларда табиат гўзаллигига, унинг ранг-баранглигига қизиқиш уйғолишидир. Табиат ўз гўзаллиги ҳамда ранг-баранглиги билан болаларнинг хиссига ва хаёлига таъсир этиб, ижодий фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради. Табиат болаларда ватанпарварлик хиссини уйғотишда ҳам катта таъсир кўрсатади. Болаларнинг ёшлигига табиат бойлигидан олган таассуротлари Ватан тўғрисидаги тушунчаларни аниқ мазмун билан бойитади.

Болаларнинг катта ёшдагилар билан ўзаро мулокоти уларни ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан таништиришда мухим аҳамият касб этади. Бу ўринда тарбиячининг асосий вазифаси болаларда катталар меҳнатига хурматни тарбиялаш, уларнинг меҳнат фоалиятини болаларга тушунтириш ва меҳнат килиш эҳтиёжини уйғотишидир.

Болаларнинг меҳнат тўғрисидаги тушунчалари қандай қилиб кенгайиб ва чуқурлашиб бориши бо-

лалар боғчаси дастурида кўрсатиб берилган. Кичик гуруҳдаги болалар боғчада ишлайдиган кишиларнинг меҳнати, онанинг уйдаги юмушлари<sup>^</sup> кўчадаги транспорт воситалари билан таниширилади. Ўрта гурух болаларнинг меҳнат турлари ва меҳнат жараёнидаги изчиллик, меҳнатда керак бўладиган буюмларнинг номлари билан таниширилади.

Катта ёшдаги болалар меҳнатининг аҳамияти, яъни ҳамма кишилар жамият учун меҳнат қиласидар, деган хулоса чиқаришга ўргатилиди. Болаларнинг ўйинлари, расмлари ҳам уларда техника ва меҳнатга қизиқиш уйғотади. Катталарнинг меҳнати болалар ўйинининг асосий мазмунини ташкил этади. Болатар ўз ўйинларида оналари ва тарбиячилари меҳнатидан бошлаб то янги шаҳарлар ҳамда космик кемалар курилишигача акс этирадилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалардаги ахлокий сифатларни: кишиларга, жамоага муносабатни тарбиялашда каттатар меҳдати билан танишириш мухим аҳамият касб этади.

Айниқса, меҳнаткашлар ва уларнинг меҳнатлари билан танишиш болаларда ўз юртига, халқига ва бошқа халкларга нисбатан хурмат ва меҳр уйғотади.

Демак, каттатар меҳнати ва табиатни кузатиш болаларда эстетик хисларни, шакллантиришга ёрдамлашади, ижодий фаолият учун материал беради.

Ҳамма оиласарда умумхатқ байрамлари — «Наврўз», «Ҳайит», «Янги йил», «Мустакиллик» куни ва бошқалар кенг нишонланади. Болатар бу байрамлarda қатнашадилар. Катта ёшдаги боғча болаларига ҳар бир байрам ва тантананинг аҳамиятини уларнинг ёшлирига мое ҳолда тушунтиришади. Бу ўринда тарбиячининг вазифаси — болаларнинг хиссиятларга таъсир этиб, уларда ўз хатқидан ҳамда унинг қадриятларидан ғуурланиш хиссини шакллантиришдан иборатdir.

Шундай килиб, боғча болатарини табиат, хозирги давр воқеалари билан танишириш орқали уларнинг

акдий кобилияти, ахлокий ва эстетик хислари шаклланниб боради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар билимларни қандай жараёнларда эгалайтилар?
2. Болатар боғчасида таълим-тарбия дастури ва аҳамияти.
3. Болатарда табиатга бўлган муносабатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ниматардан иборат?
4. Болаларга меҳнат тўғрисидаги тушунчалар қандай сингдириб борилади.

## XI боб. СЕНСОР ТАРБИЯСИ

### Режа:

1. Сенсор тарбияси ҳақида түшунча.
2. Сенсор тарбиясининг вазифаси ва мазмуни.
3. Сенсор тарбиясининг усуллари.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашда ҳамда уларда «түйғу», сезги, идрок, сезиш» каби қобилиятларини шакллантиришда сенсор тарбия мұхим ўрин тутади. Сенсор тарбияси теварак-атрофдаги борлыкни билиш сезги ва идрокка асосланади. Демак, бола тасаввурининг асосини бевосита сезиш оркали идрок килиш мүмкін. Бундай тасаввурларнинг аникдиги, тұлалығы, сенсор жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Сенсор тарбияси сезги ва идрокни бирор максад асосида ривожтандырылады.

«Сенсор» сүзи лотинча сүздан олинган бўлиб «зешиз»- «түйғу», «сезги», «идрок», «сезиш қобилияты» маъноларини англатади.

Демак, борлыкни билиш аввало, сезиш, идрок қилишдан бошланади. Инсон кўриш, сезиш, англаш, хис килиш ёрдамида теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар түғрисида билимга эга бўлади. Инсонда факат шулар асосидагина хотира, тафаккур, хаёл каби жараёнлар хосил бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар акдий билимининг 9/10 қисмими сезиш оркали идрок этилган таассуротлар ташкил этади, Сезги ва идрок канчалик бой бўлса, инсоннинг атрофдаги олам ҳақидаги тасаввурлари шунчалик кенг бўлади.

Болаларнинг сенсор' маданияти, унда сезги ва идрокнинг муваффакияти учун мухим шарт-шароит ҳи-собланади.

Болаларнинг акдий эстетик жисмоний ва мекнат тарбиясини шаклланишида сенсор тарбия мухим ўрин тутади.

Айниқса, мактабгача ёш даври сенсор жараёнларни ривожлантириш даври саналади. Шунинг учун бу давра сенсор тарбия мухим ўрин тутади. Сенсор тарбия болаларда хиссий билиш қобилиятларини шакллантиришга сезги идрокни такомиллаштиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Сенсор тарбиянинг мазмуни ва методи руҳшунослик фанида идрок ва сезгини ривожлантириш муаммоли қандай талқин килиниши билан белгиланади. Фанда бу муаммони ҳал этиш турлича ёритилган. Педагогика тарихида эса сенсор тарбиясининг ҳар хил системаси кўрсатилган.

Ўтмишдаги педагоглар Фрибел, М.Монтессери, О.Декроли ва бошкалар томонидан яратилган система болаларнинг қўлидаги майдага мускулларини ривожлантиришга, ранг ва унинг турлари, шакл ва ҳажми юксак даражада фарз бўлишга эришишни ўз олдига максад қилиб қўяди.

Мактессорининг дидактик материалари ўз-ўзини назорат килиш принципига мувофиқ яратилган бўлиб, болаларга педагогнинг иштирокисиз, мустакил шугулланиш имконини берар эди. Аммо сезги аъзоларининг ривожланиши, нутқнинг ўсиши, самарали фаолият билан бояланмас эди дейди. Юқоридаги алломалар томонидан илгари сурилган таълимот, айниқса, хозирги таълим-тарбия жараёнида кенг кўлланилмоқда. Бу усуллардан фойдаланиш болаларни ҳар томонлама ҳам акдий ҳам жисмоний ривожланишига уларнинг онги, ақли ва хиссий түйғуларини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, хозирги кунда барча мактабгача тарбия муассасаларида ушбу методлардан кенг

кўлланишга эришилмокца. Бунинг учун барча тарбиячи . лар мазкур методлардан кенг кўллаш мақсадида ҳар бир гурух хоналарида алоҳида-алоҳида бурчаклар ташкил эт<sup>4</sup> ганлар.

Шунингдек, педагог ва рухшунос олимлар сенсор тарбиянинг хилма-хил фаолият турлари жараёнида фаолиятнинг тасвирий-амалий, мусиқали харакат турларида болаларни теварак-атроф билан таништиришда амалга ошириш муҳимлиги тўғрисидаги янги тизимни яратдилар. Улар бундай тизимнинг мазмuni, метод **ва** назариясини ишлаб чикдилар. Истиқдолни қўлга киритилиши барча соҳалар сингари мактабгача тарбия муассасалари олдида ҳам катор вазифаларни белгилаб берди. Айниска, юқорида қайд этилган, олимларимиз томонидан ўрганилган усул ва методлар мактабгача ёш даврдаги болаларнинг ривожланишига қанчалик таъсиранлиги юқори эканлигига шак-шубҳасиз алоҳида эътибор талаб килинмокда. Таълим-тарбия жараёнида эса «Мантессорин», «Триз» каби методлардан қўллаш катта самара бermокда.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашда ҳамда уларда «туйгу, сезги, идрок, сезиш» қобилиятларини шакллантиришда сенсор тарбия муҳим ўрин тулади. Бундай тарбияни қўллашдан максад мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг қобилиятларини шакллантириш, ўстириш ва ривожлантиришга қаратилган. Сенсор тарбия қобилиятларни ривожлантириш учун болалар буюмнинг факт нимага ишлатилишини номинингина билиши етарли бўлиб қолмай, балки буюмларни чуқуррок идрок этиши, уларни ушлаш, улар билан муомалада бўлганда хилма-хил сезгилар иштирок этиши ҳам жуда муҳимdir деб билади. Шунинг учун тарбиячи сенсор тарбиянинг ана шу томонларига алоҳида эътибор бериши лозим бўлади. Тарбиячи болаларга бирор топшириқ берганида, масалан, буюмларни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйишда уларни оғирлигини хис килиш, буюмни қўлга олиб унинг сиртини се-

зиш ва сифатини силлик ёки ғадир-будурлигини, иссик ёки совуклигини ва шунга ўхшашларни аникдаши керак.

Болаларнинг ёши улғайиб, хаёт тажрибалари ортиши, шароитларнинг ўзгариши билан идрок этиш жараёни ва унга қўйиладиган талаб ҳам мураккаблашади.

Навбатчилар ётодарнинг катта-кичиклиги, чукур ёки юзалигини, пиёла ва чинни идишларнинг оғирлигини, сиртининг силлиқдигини, ушлаганда совукроқлигини, пластмасса буюмларининг енгиллигини хис киладилар.

Сенсор тарбиянинг мазмuni ўз ичига теварак-атрофдаги ҳамма сенсор белгиларни қамраб олади. Булар болаларнинг ҳамма фаолиятлари орқали амалга оширилади.

Бу ёшдаги болаларга рангларни фарқ килиш ва уларнинг номини айтиш ўргатилади, ранг туслари бўёклар ҳакида тасаввурлар шакллантирилади.

Сезги ва идрок бирор мақсадга қаратилган мазмунли фаолият жараёнида муваффакиятли ривожланади.

Самарали фаолият (раем чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар, апликациялар ясаш) сезги ҳамда идрокнинг ривожланиши учун қулай шароил яратиш билан бирга буюмнинг, шаклини, рангини, жойини билиб олишга ҳам эҳтиёж пайдо килади. Мактабгача тарбия муассасаларида болалар бутун йил давомида табиат билан таништириб борилади, уларга ўсимликларни, Кушларни, хайвонларни парвариш килиш топширилади. Бу эса ер, куёш иссикдигининг хусусиятларини сезиб билиб олиш учун катта имкониятлар яратади. «олдинга», «орқага», «тепада-пастда», узок-яқини, «чапда-Ўнгда» каби фазовий тасаввурларни ўзлаштириб оладилар.

Болалар кўпроқ табиат билан алокада бўлишлари туфайли таассуротлари, эшитиб таъсиrlаниши хусусиятлари ортиб боради. Болаларни кушларнинг сайраши, баргларнинг шитирлаши, шамолнинг гувиллаши, ём-

ғирнинг шатур-шутири ва момакалдирокнинг гумбурлашини дикқат билан тинглашга ўргатиш зарур.

Сенсор тарбиянинг асосий усулларидан бири-текширишdir.

Текшириш - буюмларни махсус равишда ташкил этилган идрок қилишдан иборат бўлиб, унинг натижалиридан керакли жараёнларда фойдаланилади. Буюмларнинг хусусиятларини, номини ва таърифини аниклаш, уларни маълум бир хоссаларига қўра таккослаш учун дидактик ўйин ёки қўлланмалардан фойдаланиш мумкин.

Улардан болалар билан олиб бориладиган хилмалик машғулотларда меҳнат, кузатишлар ва болаларнинг мустакил ишларида кенг фойдаланиш мумкин.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сенсор тарбияси деганда нимани тушунасиз?
2. Сенсор тарбиясининг мазмуни ва мохиятини ёритинг.
3. Сенсор тарбиясининг мақсадини айтинг?
4. Сенсор тарбия усулларини айтинг?

## XII боб. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

### Режа:

1. Ахлоқий тарбиялашнинг назарий асослари.
2. Ахлоқий тарбиянинг вазифаси ва тамоиллари.
3. Болалар боғчасида ахлоқий тарбия воситалари.

«Ахлоқ» ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб, унинг МОҲИЯТИ шахе хатти-харакатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, хаёт кечириш тамоиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодайди. Шунинг учун ҳам ахлоқ ижтимоий ходиса сифатида жамият маънавий - руҳий ҳаётида муҳим ахамият касб этади.

«Ахлоқ» тушунчаси оила фикри асосида тартибга солинувчи фаолият тарзида кишилик жамиятининг илк босқичида шаклланган. Демак, «ахлоқ» тушунчаси қадим-қадимдан ижтимоий фалсафий, психологик, педагогик, тарихий, бадиий, этнографик ва маданият-шунбеликка оид асарларда ушбу тушунча турли қўлларда ишлатиб келинган. Ахлоқ (хулқ-автор демакдир) — ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, ижтимоий тартиб қоида бўлиб, бу тартиб қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-харакатини тартибга солиш вазифасини бажаради.

Ахлоқ шахс тарақкиётининг юкори босқичи бўлган маънавий мойилликни асосини, пойдеворини ташкил этади.

Ахлоқ кишиларнинг хулқ-автор меъёрлари ва қоидаларини, уларнинг ўз-ўзига, бошқа кишиларга, меҳнатга, жамиятга муносабати каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олувчи ижтимоий онгнинг алоҳида шак-

лидир. Ахлоқ тарихий хусусиятга эга, чунки у кишилик жамиятда авлоддар томонидан тўпланган ахлоқий тажрибалар ва муносабатларни акс эттиради. Зеро, ахлоқсиз, ахлоқий талаб ҳамда уларда ифода этилган ғояларсиз шахснинг рухан ва жисмонан етуклигининг асоси бўлган маънавий комиллик шаклланади. Демак, инсоннинг баркамоллиги, аввало, унинг маънавий жиҳатдан етуклиги билан белгиланади.

Бизнинг назаримизда, шаҳе маънавияти унинг онгида кечадиган ижобий мазмунга эга ўй фикрлари, ниятлар, ғоялар, назария ва таълимотлар мазмунининг амалий фаолиятидаги татбикida намёён бўлувчи руҳий жараёндир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳе маънавияти асосида ижобий мазмунга эга бўлган ўй фикрлар, ниятлар, ғоялар, назариянинг ва таълимотлар мазмунини тушуниб етишишини эътиборга олиш лозим. Демак, узбек ҳалкининг маънавияти ҳакиқатгўй ва адолатли бўлиш, жаҳолат ва қабиҳлик йўлини тўсиш, инсонийлик, меҳр-шафқат, маърифат, дўстлик, мардлик, биродарлик, меҳмондўстлик, поклик, хуш хулклилик, инсоф, ватанпарварлик каби инсоний фазилатларни сингдиришга чакиради.

Қадим-қадимдан ўзбек ва шарқ классиклари ижодида ахлоқ-одоб масаласи марказий ўрин эгаллаб келган. Кайковуснинг «Қобусномаси»дан тортиб, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг назмий ва насрый асарларида Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билик», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» (Ҳақиқат совғалари), И мом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал адаб Ач-Муфрат каби» жаҳонга машҳур асарларида Алишер Навоийнинг ўлмас шеъриятида, Мунис, Хоразмий каби шоирлар асарларида ахлоқ-одоб масалалари ёритилган.

Кошифийнинг асарларида таълим-тарбия, ахлоқ масалалари кўпчилик учун андоза, намуна, одоб меъёри сифатида қисқа асосли, лўнда қилиб ёзилган. Кошифийнинг фикрича, инсон фазилати унинг эгаллаган

таълим-тарбиясига боғлиқ. Шундагина у одобли хисобланиши мумкин. «Одоб - бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножӯя хулқдан сакдай олиш, ўзини ва ўзгаларни хурмат қила билишдир», - дейди олим.

Навоий эса «Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча одамлар ичида ёқимлироғидир» - дейди. Бу билан эса у кишиларнинг инсонийлик белгиси унинг одобли, ахлоқди эканлиги билан ўлчанади, деб таъкиддайди ва барча инсонларни яхши хулқди бўлишта чақиради.

Шунингдек, Навоийнинг «Махбубул кулуб» асарида одоб, ахлоқка оид ғоялар илгари сурилган. Унинг бирдан-бир орзу-умиди, идеали инсонга бўлган меҳрмуҳаббат, самимиyлик эди: «Донишмандлар айтибдурларким, одобли инсон барча одамларнинг яхшилиги ва барча ҳалқдар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан хурматлироқдир. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган нарса одобдир».

Қошгариy: «Инсонларда оқ кўнгиллилик, бағрикенглиқ, меҳнатсеварлик, софдиллик, ростгўйлик, саҳиийлик, виждонлилик, иродалилик, қатъиятлилик каби фазилатлар, бўлиши шарт ва булар инсоннинг баркамоллигидан далолат беради, - дейди, аммо хасислик, олғирлик, очкўзлик, фирромлик, пасткашлик, тухматчилик, хоинлик, ёлғончилик кишиларни бебурд, ахлоқсиз қилиб қўяди. Бундай салбий хислатлар уларни обрўсизлантиради, хаётини издан чикаради, нотўғри йўлга бошлайди. Пасткаш, баҳил одамдан яхшилик кутиш мевасиз дараҳтдан мева кутишга ўхшайди». Одобли бўлишнинг фазилати тўғрисида шеър ва достонлардан, адабий манбалардан жуда кўплаб парчалар, шеърий мисралар келтириш мумкин. Одобли, яхши хулқди бўлиш тўғрисида доно ҳалқимиз тўқиган кўплаб мақол маталлар асрлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келмокда: Одобинг-обрўйинг. Одоб-кишининг зебу зийнати. Олтин олма — одоб ол. Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир.

Мактабгача тарбия ёшининг ўзига хос томони шундаки, бу ёшда болалар ахлокий тушунча ёки хулкни сўз билан аниқ таърифлаб беролмайдилар. Пекин болалар боғчасидаги тўғри талқин воеаларнинг умумий маъносини англаб олишга ёрдам беради. Агар болалар бошқаларда яхши хулк намуналарини кўрсалар ўзлари хам уларга ўхшашга харакат қиласидилар. Ахлокий тарбиянинг ғоявий асоси унинг мақсади вазифаси ва тамойилларини белгилайди, рухий педагогик асоси эса болалар боғчасида ахлокий тарбия беришнинг вазифаси ва мазмуни воситалари ва методини хамда педагогик шарт-шароитини белгилаб беради. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлокий жиҳатдан тарбиялаш вазифаси ва мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, ахлокий хисларини, шахсий сифатлари ва хулкини тарбиялаш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Ахлокий тарбия вазифаларига куйидагилар киради:

1. Болаларда ахлокий хис-туйғулар, тасаввурлар ва хатти-харакатларни тарбиялаш.
2. Хулқ маданиятини ва ижобий сифатларни тарбиялаш.
3. Шахсда ахлокий хис-туйғуларни тарбиялаш.
4. Хулқдаги салбий томонларни барҳам топтириш.

Бу тарздаги умумий вазифалар ёш гурухдари бўйича аникдаштирилади ва ўкув-тарбия жараёнининг мазмунида ўз аксини топади. Ахлокий тарбиянинг асосий тамойиллари куйидагилар:

- ғоявий ва тарбиявий ишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги;
- таълим-тарбия ишига бола шахсини хурмат қилган ҳолда ёндашиш;
- ахлокий тарбия ишини хаёт ва замон билан хамнафасликда олиб бориш;
- болаларнинг фаоллиги;
- жамоада тарбиялаш;
- тарбиявий ишнинг тизимлари ва изчиллиги;

- таъсирчанлиги;
- оила, боғча хамда катталар тарбиявий таъсирилинг бирлиги;
- боладаги ижобий шароитларга суюниш;
- бола шахсини хар томонлама ривожлантиришни кўзда тутиш.

Болалар боғчасида ахлокий тарбия бериш хар хил воситалар ёрдамида амалга оширилади. Аввало, болаларни хар хил фаолиятлар воситасида катталар меҳнати эйлан таништириш, машғулотларда ва машғулотлардан гашқари вакғларда таълим бериш, кун давомидаги майший, мустакил, бадиий фаолиятда, кўнгил очишларда катнаштириш оркали бу иш хал этилади. Ҳар хил байрамлар. Санъат воситалари, ижтимоий ҳаёт воеалари, болалар бадиий адабиёти, мусика, ашула, гасвирий ва амалий санъат, ўйинчок ва ўйин материаллари, оммавий ахборот воситалари, ойнаи жаҳон ва радио, кино ва диафильмлар, диапозитивлар ва бошқалар болаларнинг ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Бундай воситалардан маълум бир изчиллик ва тизимлилик билан фойдаланилганда болаларнинг ахЛОҚИЙ тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Юкоридаги айтилганлардан хулоса шуки, ахлок одоб ўзбек миллати ҳаётининг мазмуни хисобланади. Қаерда, кайси жамиятда, кайси давлатда яхши хулқ қарор топса, ўша жамиятдаги кишиларнинг ҳаёти фаровон, турмуши тинч, одамлари бой-бадавлат бўлади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. «Ахлоқ» ёки «ахлоқийлик» нима ва унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти кандай?
2. Маънавият тушунчасининг мазмунзл.
3. Ахлокий тарбия вазифаси.
4. Ахлокий тарбия тамойиллари.
5. Ахлокий тарбия воситалари нималар?

### XIII боб. АХЛОКИЙ ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ

#### Режа:

1. Ахлокий тарбия хақида тушунча.
2. Методларга кўйиладиган талаблар.
3. Ахлокий одатларни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ахлокий тарбия беришда ҳар хил метод ва усуллардан фойдаланилади.

Ахлокий тарбия методлари — болаларнинг ахлокий тасаввур ва билимларини эгаллаб олиши, уларда маданий хулқ ва ижобий муносабатларни, шахснинг ахлокий хис-туйғулари ва сифатларини тарбиялашга каратилган фаолият усулидир. Ахлокий тарбия методлари куйидаги гурӯхга бўлинади.

1-гурух: ахлокий тасаввур ва билимларни, уларни бажариш хоҳишини шакллантиришга каратилган методдар.

2-гурух: ахлокий хис-туйғулар ва муносабатларни рафбатлантиришга каратилган ёрдамчи методлар.

Ҳамма гурӯх методлари ахлокий хис-туйғулар ва шахсий сифатларни тарбиялашни таъминлайди. Шунингдек, кўрсатмали, оғзаки методлар, тушунтиришни кўрсатиш билан қўшиб олиб бориш. Тарбиячининг хикояси, ўқиб бериш, ахлокий мавзуларда сұхбатлар (расмга қараб, тажрибага асосланиб, ўқилганлар бўйича), кузатиш, расмларни намойиш килиш, болалар адабиёти ва ҳаётдаги ижобий мисоллардан фойдаланиш асосида олиб борилади.

Юқорида келтирилган ҳамма методлар орқали бола-

ларга ахлокий меъёр ва қоидалар, ижтимоий ҳаёт воқеалари ўргатилади, уларда ахлокий тасаввур ва тушунчалар шакллантирилади.

Бу методларга куйидаги асосий талаблар кўйилади: болаларнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини эътиборга олиш, аклий, хулқ-автор меъёрларини мухокама килиш учун маҳсус яратилган вазиятда болаларнинг ўзларини фаол қатнаштириш, ҳар бир болаларнинг хис-туйғусига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш. Болани ноўрин танқид килиш, унинг устидан кулиш, унга нисбатан эътиборсизлик килиш ярамайди. Ҳамма методлардан маълум изчиллик билан комплекс равища фойдаланилади.

Ҳар бир метод ўзига хос бўлиб, маълум вазифани бажаради. Буни бир қатор мисоллар орқали кўриб чиқамиз. Тушунтириш кўпинча болаларга янги ахлокий тушунча, меъёр, қоида баён қилиб борилаётганда ишлатилади. Тушунтириш катталарнинг жонли сўзи ва намунасига асосланади. Масалан: рўпарадан келаётган таниш кишига хушмуомалалик билан салом бериш учун аввало, бир оз тўхтаб, у кишининг юзига қараб кулимсираб «Ассалому алайкум» дейиш ва яна йўлида давом этиш керак. Тушунтириш ва кўрсатиш табиий ҳолда бўлиши керак. Ахлокий мавзулардаги сұхбатни мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳамма гурӯхдарида кўллаш мумкин. Тушунтириш ёрқин бўлиб, болаларнинг хис-хаяжонига етарлича таъсир этиши керак. Бу методнинг асосий вазифасига куйидагилар киради:

— болаларда ижобий-ахлокий хисларни уйғота олиш, эртак қаҳрамонларига ҳамдардлик билдириш ҳамда ютуғидан қувониш ва муваффақиятсизлигига биргалашиб ачиниш;

— болаларга тушунарсиз бўлган айрим ахлок қоидаларининг мазмунини очиб бериш;

— ахлоқий мавзулардаги хикоялардан машғулотларда, сайдарларда, болаларнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган жойларда фойдаланиш. Ахлок мавзулардаги сұхбатлар

орқали болалар ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини, ижобий хулқ шаклларини эгаллабина қолмай, шу билан бир қаторда уларда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига нисбатан талаб юзага келади.

Болаларнинг ахлоқий тажрибаларини кенгайтириб бориш хулкнинг ахлоқий сабабларини аникдаб бориш керак. Сухбат жараёнида болалар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишларига кенг имкон берилади. Шунда улар ҳар бир хатти-ҳаракатини онгли равища, ахлоқ меъёрлари ва қоидалари доирасида бажаришга уриандилар.

Шунингдек, болаларга бадиий адабиётларни ўқиб бериш, санъат асарлари ва амалий санъат буюмларини томоша қилиш, мусиқа ва ашула эшитиш болаларда эстетик хисни ўйғотади ҳамда ахлоқий қоида ва меъёрларни сингдириб боради.

Амалий ва ўйин методлари — ўйин машқдар, муаммоли вазиятлар, изланувчанлик фаолияти, педагогик масалаларни ечиш, дидактик ва ҳаракатли, саҳналаштирилган ўйинлар, инсценировка болаларнинг ҳамма фаолиятига раҳбарликни ҳам шу гурӯх методларига киритиш мумкин.

Методлар ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни мустахкамлашга, болаларда ахлоқий тажрибани тўплашга, ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини онгли равища эгаллаб олишга ёрдам беради.

Ўйин кичик боғча ёшидаги болалар учун машқ хисобланади ва ахлоқий хулқ ва одатларни тарбиялашнинг энг таъсирили усулидир. Унга қоидаларни машқ қилдириш — фойдали одатларни қайтариш кабилалар киради.

Муаммоли вазият ўзининг аҳамияти жихатидан машқка жуда яқин туради, аммо унинг ўзига хос томонни болада фаоллик, ижодкорлик, мустакиллик намоён бўлиши учун шароит яратади. Дастреб ҳикоя — вазият (тугалланмаган ҳикоя) тавсия этилади, масалан, бирорта қикоя маълум ерида тўхтатилади. Тарбиячи болаларга

хикоядаги қаҳрамонлар хулкини баҳолашни тавсия этиди. Болаларнинг жавоблари мухокама этилади ва хикоядаги ижобий инсоний хулқ ҳақида бир фикрга келинади.

Ахлоқий тарбия методдаридан тарбиячи болаларда ижобий ахлоқий сифатларни мустахкамлаш бола хулқидаги салбий томонларни бартараф этиш мақсадида фойдаланилади. Бунда тушунтириш, ишонтириш, сухбат шакллари кулагай бўлади. Рағбатлантириш ва жазолаш ахлоқий тарбиянинг кўшимча методи бўлиб, у асосий методларга таъсир этишнинг ўзига хос воситаси бўлиб хизмат қиласи. Тарбиячи боладаги ижобий хатти-ҳаракатни фаоллаштириш ёки бўлмаса, болани ёмон киликдардан қайтариш учун рағбатлантиришдан фойдаланилади.

Болалар боғчасида рағбатлантириш шакллари: мақташ, маъқуллаш, болага ўйинда бош ролни бериш. Жазо шаклларига эса танбех, маъқулламаслик, яхши кўрган ўйинчоғини бермаслик киради. Жисмоний жазо катъиян ман этилади. Жазонинг бош вазифаси юзага келган низоларни бартараф этиш, янгисининг юзага келишига йўл кўймаслик.

Ахлоқий одатларни тарбиялашнинг педагогик шартшароитлари куйидагилар дан иборат:

1. Ахлоқий тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, яъни педагог ва болаларнинг ўзаро муносабатлари боланинг шахсига нисбатан хурмат билан қарашга асосланиши керак.

2. Педагогик жараённи шундай ташкил этиш керакки, унда боланинг ўзи ижобий одатларни эгаллаб бориш, салбий хусусиятларни йўқотишга интилсин.

3. Ахлоқий тарбия боланинг ижобий хулқига асосланиб амалга оширилиши зарур.

4. Болани тарбиялаш учун яхши ҳиссий мухит яратиш керак. Жазолаш ва қўрқитиш билан ижобий ахлоқий сифатларни тарбиялаб бўлмайди.

5. Болада ахлоқий одатларни шакллантириш учун ундаги маълум одатларга асосланиш керак.

6. Ижобий одатларни юзага келтириш учун кизикарли фаолиятларни ташкил этиш керак. Шундай килиб, болаларнинг ахлокий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб олиб, уни кундалик одатга айлантиришлари учун болаларнинг катталар раҳбарлигидаги фаолиятни ташкил этиш лозим. Демак, тарбиячи бола шахсида ахлокий хис-туйғуларни тарбиялаш учун ҳамма восита ва методларни кўлласа, яхши хулқ намуналарини ўргатиш анча осон кечади.

## НАЗОНАГ САВОЛЛАРИ

1. Ахлокий тарбия методлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ахлокий тарбия методлари неча гурухга бўлинади?
3. Муаммоли вазият нима?

## XIV боб. БОЛАЛАРДА ВА ГАНГА МУХАББАТ ВА БАЙНАЛМИЛАЛЛИКНИ ТАРБИЯЛАШ

### Режа:

1. Ватанпарварлик тушунчасининг моҳияти.
2. Ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбияси.
3. Болаларда ватанпарварликни тарбиялаш.

Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупрок, уни камол топтирадиган, хаётига мазмун баҳш этадиган табарук маскандир. У авлодлардан авлоддарга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан ота-боболаримизнинг ҳоки поклари жо бўлган, вакги соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир.

Ватани бор одамнинг гурури, ифтихори юксак, максад -муддаолари аник бўлади. Тоғдек таянган Ватани борлигини хис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради.

Ватанпарварлик эса, энг аввало, киндик кони тўкилган жойга қариндош - уруғ ва маҳалла-кўйга, элорту, она заминга бўлган хурмат-эътибор, меҳр-мухаббатдан бошланади. Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий ва ахлокий хис-туйғу сифатида инсонлар жамиятининг ижтимоий тараққиёти давомида пайдо бўлади.

Буюк узбек мутафаккирларининг фикрича, биз туғилган юртимиздан узоқ бўлсак, бизни тортиб келадиган кувват ўз ватанимизнинг, она тупрокнинг меҳру муҳаббатидир.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, ватанпарварлик ўзи нима? У қандай мақсадга хизмат қиласди.

Миллий ватанпарварлик, аввало, ўз ҳалкининг Қонига сингиб кетган имон ва инсоф, меҳр-мухаббат,

окибат, шафқат, виждон ва андиша, ор-номус, она юртга, ўз миллатита садоқат каби азалий ахлоқий-маънавий қадриятлар ҳақидаги гоялар, қарашлар йиғиндисидир. Бугунги кун миллий ватанпарварлик мағкурасининг таркибий кисмлари куйидагилар:

- мустакиллик түйгуси ва уни тўла идрок этиш;
- узбек миллий мағкураси;
- кўп миллатли Ўзбекистон халкининг ватанпарварлиги.

Ватанпарварлик жамиятдаги барча кишиларни, миллат ва элатларни ижтимоий-сиёсий куч ва гурухларни бирлаштирувчи муҳим омил эканлигини доимо дикқат марказида сакдаш лозим.

Ватанпарварлик түйгуси, тарбиячи ва ота-онага, ўз маҳалласи, қишлоғи, тумани, шахри вилоятига бўдган чексиз муҳаббатдан, унинг тарихи, маданиятига хурмат ва садоқатдан бошланади. Ватан түйгуси кичкина одам кўз ўнгига кўраётган нарсадан койил қолишдан, уни хайратлантирадиган ва қалбида акс садо берадиган нарсалардан бошланади.

Катталарнинг вазифаси — бола оладиган кўплаб таас-суротлардан унга энг тушунарли бўлганларини, энг якин кишилари, жонажон ўлка, унинг табиати ва ҳайвонот дунёси, халқ фаровонлиги, Ватаннинг гуллаб яшнаши йўлидаги меҳнати, ўртоқдик, ўзаро ёрдам ва бошқаларни танлаб беришдан иборат.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тушунчасига нима кўпроқ мое келади ва нима уни кизиктириши, ҳаяжонлантириши мумкин?

Даставвал, у туғилган ва яшаётган жойлар. Жонажан она табиат Ватанга муҳаббатни тарбиялашнинг кучли омилларидан ҳисобланади. Унинг гўзаллигидан завқланиш, табиатига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсон меҳнатининг табиатдаги ўзгартирувчанлик ролини тушуниш — буларнинг ҳаммаси жонажон ўлкага муҳаббатни шакллантириш манбаларидир.

Одам Ватанга бўлган муҳаббатини ўзи туғилиб ўсган

оиласи, болалар боғчаси ва мактаби, болалар билан ўйнаган ўйинлари ва жойлари билан боғлайди.

Ватанга муҳаббат энг чуқур ижтимоий ҳислардан биридир. Бизнинг давлатимизда Ватанга муҳаббат ҳисси байналмилалчилик билан уйғуналашиб кетади. Ватанга муҳаббат мактабгача тарбия ёшидаги болаларда катталар томонидан болаларнинг руҳий ривожланишини ва улар тафаккурининг аниқ ҳамда образлилигини эътиборга олган хрлда маълум изчиллик билан тарбиялаб борилади. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда Ватанга муҳаббатни, уларга якин ва таниш бўлган аниқ факлар, ёркин мисоллар орқали тарбиялаб борилади. Тарбиячилар\*- болаларда ўз оиласига, уйига, боғчасига ва уларни ўраб турган теварак-атрофга муҳаббат ҳамда уларга содик бўлишни тарбиялаётib энг муҳим ижтимоий түйғу — Ватанга муҳаббатни тарбиялаб боради. Кичик боғча ёшидаги болалар теварак-атрофдаги воқеа, ходисшарнинг фақат ташки белгиларини англаб оладилар. Улар ҳайит, Наврўз байрамини ҳамма кишилар кутиб олишларини кузатади, бундан жуда завқданади, аммо бунинг сабаби ва натижаларини билмайдилар. Уларга байрамларнинг моҳиятини тушунтириш билан ҳам ватанпарварлик тарбияси амалга оширилади.

Ўзбекистон халкининг ватанпарварлик тарбияси байналмилаллик тушунча билан йўғрилиб кетганки, хар бир фуқаро Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларини хурмат килади.

Байналмилал тарбия Ватан равнақи йўлида халқдар Дўстлиги, бирдамлиги, ҳамкорлиги, ҳамфирклиги, хурмат каби тушунчаларни тарбиялашдир. Мамлакатимиз кўп миллатли маскан бўлиб, унда 130 дан ортик миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни байналмилалчилик руҳида тарбиялаш асосида бошқа миллат халқдарига ижобий муносабат ва дўстона хис-туйғулар уйғотиш максади ётади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни байналми-

лалчилик хис-туйғуларини асосини шакллантиришда аввалига турли миллат вакиллари билан учрашувлар ўтказиш, махсус машгулотларда уларнинг урф-одатлари, маданияти, санъати, табиати тўғрисидаги адабиётларни ўқиб бериш, сухбат ўтказиш, расмларни кўрсатиш, диа-фильмлар намойиш қилиш, миллат болалари ҳаёти, шу миллат кишиларининг меҳнати ва турмуши ҳакидаги хикояларни ўқиб бериш фойдали бўлади.

Шунингдек, болаларда байналмилалчилик хиссини тарбиялашда миллий қуғирчокдар катта ўрин эгаллайди.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ватан деб нимага айтилади?
2. Ватанга муҳаббатни тарбиялаш.
3. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ватанпарварлик хиссини тарбиялашнинг аҳамияти.
4. Байналмилал тарбияни тавсифланг.

## XV боб. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

### Режа:

1. Эстетик тарбиянинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.
2. Болаларни эстетик тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўрни.
3. Эстетик тарбиялашнинг вазифаси мақсади ва методи.
4. Эстетик тарбиянинг воситалари.

Эстетик тарбия кенг тушунча бўлиб, воқелиқцаги, санъатдаги, табиатдаги, ижтимоий ва меҳнат муносабатидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш, тушунишга ўргатиш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир.

Эстетик тарбия ўз навбатида болаларга хар томонлами тарбия беришнинг бир қисми хисобланади. У айнинса, ахлоқий тарбия билан узвий боғлиқцир. Санъат ва ҳаёт гўзаллиги билан таништириб бориш боланинг ақлини, хиссини тарбиялаб қолмай, шу билан бир қаторда унинг ҳаёли ва фантазиясини ҳам ривожлантиради.

Болаларни гўзалликка ошно қилиш, уларда ҳаётий воқеаларни тўғри тушуниш, олийжаноб хис-туйғуларни ва интилишларни шакллантиришга ёрдам беради. Болаларда гўзалликни идрок қилишни тарбиялаш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмаларини хис эта билиш, қайғусини бирга барҳам кўриш каби хусусиятлар шаклланиб боради. Эстетик ривожланиш шахснинг эстетик онги, муносабати ва эстетик фаолиятининг шаклланиши ва такомиллашувида узоқ вактни талаб

этадиган жараёндир. Шахснинг эстетик ривожланиши ижтимоий-тарихий ва эстетик тажрибани ижодий ўалаштириш жараёнида юзага келади.

Эстетик эҳтиёж - киши борлиқни, бадиий фаолиятни, унинг хар хил қўринишларида эстетик идрок этишга ундовчи субъектив омилдир. Эстетик қизиқиши шахсни санъат асарларини, теварак-атрофдаги борлиқни эстетик идрок этишга ва эстетик фаолиятга йўналтиради. Эстетик қизиқиши эҳтиёжни юзага келтиради. Эстетик тарбия тушунчаси билан бир қаторда бадиий тарбия тушунчаси ҳам мавжуд.

Бадиий тарбия санъат асарлари адабиёт, мусика, ашула, тасвирий санъат ва бошқа воситалар асосида тарбиялашдир. Эстетик тарбия - анча кенг, факат санъат воситасидагина эмас, балки ҳаёт, меҳнат, кишиларнинг ўзаро таъсири воситасида гўзалликни, англашни тарбиялайди. Санъатда эса эстетиканинг турли-туман масалалари намоён бўлади. Айниқса, кишининг фикриродаси мадҳ этилади, унинг тарбияловчи роли ҳам шунда намоён бўлади. Шунинг учун санъат эстетик тарбиянинг мазмуни ва воситаси хисобланади. Эстетик тарбия ахлоқий меҳнат ва жисмоний тарбия билан чамбарчас бөглиkdir. Эстетик ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғликлиги шундаки, кишининг гўзалликни идрок этишдан кувониш, унинг бошқа кишиларга яхшилик қилганидан хурсанд бўлишга ўхшаб кетади. Аксинча, гўзалликни кўра билмаслик, ундан завқдана олмаслик ёмон ишларни килишга олиб келади.

Санъатнинг тарбиявий кучи шундаки, одамни ҳаётдаги воқеаларни, ходисаларни чукур хис-хаяжон билан идрок этишга мажбур этади. Эстетик тарбия меҳнат тарбияси билан ҳам боғлиқ. Меҳнат фаолияти болаларни кувонтиради. Гўзаллик кувончисиз меҳнат кувончи бўлмайди. Меҳнат кувончи бу турмуш кувончидир.

Агар инсон эстетик жихатдан тарбияланган бўлса, у хар қандай қийин ишда ҳам гўзалликни кўра олади

ва уни зўр завқ-шавқ билан бажаради. Эстетик ва жисмоний тарбия ўртасида мустаҳкам боғланиш мавжуд бўлиб кишининг мустаҳкам соғлиғи учун муҳим саналади. Инсоннинг жисмоний камолоти гўзалликни тасаввур эта олмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг эстетик ривожланишида, айниқса, эстетик тарбия эмас, ҳиссий ва сенсор ривожланиши тўғрисида ўйлаш керак. Бола ялтироқ бўёқдан хурсанд бўлади, бир маромдаги товуш ва ҳаракатлардан хузур қиласди. Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг сенсор кабул килувчанлиги такомиллашиб боради. Бу ёшдаги болада кечинмаларнинг шаклланишида катталар муҳим роль ўйнайди.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг идроки сенин - аста такомиллашиб боради. Ўрта гурухга келганда, болалар эстетик идрокнинг ривожланишида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг эстетик идроки анча шаклланган бўлади. Бу ёшдаги болалар бадиий образларни энг оддий эстетик баҳолай оладилар. Катта гурухнинг охирига келганда улар мусиқани, бадиий асарларни дикдат билан таъкидлайдилар, тасвирий санъат асарларини синчиклаб кузатадилар, улардаги ижобий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан қувонадилар, ёмонликни қоралайдилар.

Эстетик тарбиянинг вазифалари тарбиянинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, болаларнинг ёш ва индивидуал имкониятларига қараб белгиланади. Эстетик тарбиянинг вазифаларига куйидагилар киради:

1. Болаларни ҳаётдаги, воқеликдаги, табиат ва турмушдаги гўзалликни тушуниш, кўра билишга ўргатиш. Уларда эстетик хис-туйғу, дид, эстетик муносабатни тарбиялаш.
2. Болаларни бадиий ижоднинг турли жанрларида яратилган санъат Асарларини тушуниш, севишга ўргатиш, уларда эстетик онг кирраларини шакллантириш.
3. Болани санъатнинг турли соҳаларига қизиқиши, изланишини таркиб топтириш.

Юқорида кўрсатилган вазифалар асосида мактаб-1 гача тарбия ёшидаги болаларнинг хар бир ёш гурухида! эстетик тарбия беришнинг методлари ишлаб чиқилади: I

1. Онгни фикрлаш қобилиятни ривожлантиришга! қаратилган методлар.

2. Одатлантириш ва машқ қилдириш методи (такрорлаш, ўргатиш, мусобақалар уюштириш, ибрат, наму-1 на, ўғит).

3. Рағбатлантириш ва жазолаш методи (маъкуллаш, кўнгил кўтариш, намуна қилиш, қаторнинг бошида турғазиш, раҳматнома эълон қилиш, огоҳдантириш, тушунтириш, ота-онасига мурожаат этиш).

Болалар бөгчасидаги эстетик тарбиянинг асосий воситалари куйидагилардир:

- ижтимоий мухит ва турмуш эстетикаси;
- санъат асарлари;
- болаларнинг ижодий фаолиятлари;
- байрамлар, кўнгилочар тадбирлар;
- маълум мақсадга қаратилган ва режа асосида амалга ошириладиган тизимли таълим.

Хулоса килиб айтганда, эстетик тарбия болаларни хар томонлама баркамол тарбиялашнинг мухим омили бўлиб, акдий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Эстетик тарбия атамаси ва тушунчаси.
2. Эстетик тарбия шакллари.
3. Эстетик тарбияга қўйиладиган талаблар.

## XVI боб. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

### Режа:

1. Мехнат тарбияси ҳакида тушунча.
2. Болалар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари ва тарбиявий аҳамияти.
3. Мехнат тарбиясининг вазифаси ва мазмуни.
4. Шарқ мутафаккирлари меросида меҳнат тарбияси.

Узбекистан Республикасида ижтимоий муносабатлар мазмуни янгиланаётган айни пайтда ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни янгича асосларда, бир томондан, миллий педагогик қадриятларимиз заминида, иккинчидан, ривожтанган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда олиб боришга ижтимоий зарурият сифатида қаралмокда. Чунки меҳнат ижтимоий тараққиётнинг манбаи, барча моддий ва маънавий эҳтиёжтарни кондиришнинг асосий шартшароитидир. Демак, меҳнат инсон фаолиятининг асосий шакли, киши хаётининг мазмуни, хар бир жамият аъзосининг вазифаси, шаҳе тараққиётининг асосидир. Меҳнат қадимдан жамиятнинг ахлоқий тамойили хисобланиб келган, моддий ва маънавий маданиятнинг хамда ижтимоий тараққиётнинг негизи ҳамdir.

Мехнат фақат шахей моддий фаровонлик манбаигина бўлиб қолмай, балки ҳалққа хизмат қилиш, ватан учун қайфуриш, шахей манфаатдан ҳалқ манфаатини устун қўйишнинг асоси ҳамdir.

Таълим-тарбия жараённада меҳнат тарбиясини болаларга янгича сингдириш, уларда меҳнат қилишга иштиёқ ўстириш, меҳнат натижасидан завқдана билиш ка-

би хисларни таркиб топтириш оркали уларда меҳда ахдига хурматни, жамият фойдасига меҳнат килиш кобилиягини, фидойилик ва меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш каби ахлоқий сифатларни таркиб топтириш лозим.

Болаларни меҳнатга ўргатишда, энг аввало, уларни психологик ва амалий тайёрлаш: жамоада меҳнат килиш кўнимкамаларини тарбиялаш мухим роль ўйнайди. Меҳнат руҳий, акдий ва амалий тайёрлаш жараёнида ёшларда меҳнатсеварлик, шиҷоат, фидойилик, ҳалоллик, интизомлилик каби сифатлар шаклланиши билан бирга уларда ахлоқий-иродавий хусусиятлар хам шаклланиб боради. Айникса, меҳнат маданияти кўнимкамаларини тарбиялай бориш мухим аҳамият касб этади. Шундай экан, меҳнатни севмайдиган ва қадрламайдиган инсондан маданиятли киши чиқмайди. Инсоннинг онглилиги, тарбияланганлиги аввало, меҳнатга бўлган муносабатида кўринади. Меҳнат инсонни улуғлайди, гўзалликка чорлайди. Меҳнатсиз турмуш мазмунсиз, дейилади. Меҳнат килмайдиган инсоннинг хаёти зерикарлидир. Ундей инсон маънавий қашшоқ ва жисмонан заиф бўлади. Узок умр кўришнинг сири хам меҳнатдир. Меҳнат килмасанг ҳатто истеъод хам сўнади. Меҳнат ҳар қандай қобилиятни ривожлантиради. Меҳнатга болалар дастлаб оиласда, мактабгача тарбия муассасаларида ва тарбия жараёнининг бутун тизимида ўргатилиб борилади. Болалар боғчасида ва оиласда бажариладиган унча мураккаб бўлмаган ҳар бир топшириқ унинг кундалик вазифасига айланиши керак.

Бола меҳнатнинг аҳамияти ва маданиятини тушубниб этиши учун педагог катталарнинг меҳнати, болаларнинг ўзлари бажарадиган меҳнат турларини кузатиш юзасидан экспурсиялар уюштиради. Болаларнинг ҳар хил меҳнат жараёнида иштирок этиши, катталар меҳнати билан танишиши, уларнинг теварак-атрофдаги хаёт, кишиларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида, нарсалар ва уларнинг хусусиятлари, материалларга ишлов

бериш усуллари, курил мал ар ва асбоблар тўғрисида муйайн таассуротларга эга бўлишларига ёрдам беради.

Меҳнат болалардан дикқат, ўткир зеҳн, топқирлик, ижодкорлик қобилиятынни эгаллашни талаб этади. Меҳнат жараёнида болалар айрим иш турларини (бир варак қофозни булаш, бирор бир шаклни андозага қараб қирқиши, керакли узунликни ўлчаш каби ҳаракатларни) англатувчи бир канча тушунча ва атамалардан фойдаланишга, бажарилган ишдаги изчилликни беришга тўғри келади. Бу бола нуткини янги сўзлар билан бойитади, фикрлаши, дунёқарашини шакллантиришга имкон беради. Меҳнат ҳар бир ёш гурухидаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларни хисобга олган, унга тўғри назорат ёки раҳбарлик қилгандагина ижобий натижага бериши мумкин. В.И. Логиновнинг таъкидлашича, болаларга меҳнат тарбияси бериш учун улар меҳнат ва меҳнат малакалари тўғрисидаги билимлар тизимини ўзлаштириб ол ишлари керак бўлади:

1. Меҳнат мақсад ва унинг натижасини белгилаб олишдан бошланади (мақсад — меҳнат тасвири).
2. Меҳнат қилишдан кўзланган мақсад бўйича керакли материалларни танлаб ажратиб олиш.
3. Материални ишлаш учун керакли асбобларни танлаб ажратиб олиш.
4. Натижага эришиш учун меҳнат ҳаракатларини бажариш.

Шундай килиб, мактабгача тарбия ёши даврида меҳнат фаолияти шакллантирилади. Мактабгача тарбия ёши даврининг ўзига хос томонларидан бири болалар меҳнатининг ўйин билан боғлиқлигидир. Ўйин жараёнида бирор ҳаракат доимо бирор меҳнат жараёнини акс эттиришга йўналтирилган бўлади. Иккинчи томондан, меҳнат жараёнини бажаришда уни ўйин шаклига айлантиришади.

Меҳнат тарбиясининг вазифаси хилма-хил бўлиб Уларни гурухдар бўйича қўйидагича туркумларга ажратилади:

1. Биринчи гурух вазифалари: болаларнинг мустакил меҳнат фаолиятига педагогик ёндашув, болаларни мақсад асосида меҳнат малакалари, кўнилмалари ҳамда меҳнат маданияти бўйича керакли материал ва кўлланмаларни танлашга ўргатиш.

2. Болаларда меҳнат фаолиятига кизикишни ва меҳнатда ижобий натижаларга эришиш малакаларини шакллантириш.

3. Меҳнат фаолияти жараёнида болалар меҳнатининг ижтимоий аҳамиятли эканлигини тушуниб етишиш.

Иккинчи гурух вазифалари болаларда катталар меҳнатига ижобий муносабатни шакллантиришга каратилган:

1. Болаларда катталарнинг меҳнати орқали эришашётган ютуқдари хақида тушунча бериш.

2. Болаларда меҳнат ахдига хурматни ва улардан ўз ёрдамини аямаслик хақидаги хошишларини тарбиялаш.

Учинчи гурух вазифалари бола шахсини шакллантиришга каратилган меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Болаларда меҳнатсеварлик орқали меҳнатда қатнашиш, бошлаган ишини охирига етказиш, ўзининг меҳнатига нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш жавобгарлик, қатъйлик, сабр матонатлилик, чидамлилик, ўзи ва ўртокдарининг меҳнатини холисона баҳолаш тарбиялашади.

Меҳнат ижтимоий тараққиётнинг асоси барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш шарти бўлиши билан бирга айни вақтда инсон ҳаётининг асосий шакли, мазмуни сифатида барча халқдарнинг энг асл фарзандлари - мутафаккирлари, олиму фозилларининг дикқат марказида бўлган.

Шоир Абу Шукур Балхийнинг меҳнатни улуғловчи куйидаги сатрларини келтириш мумкин:

Орзу тилак йўли меҳнат тагида,  
Хазинанинг мўли меҳнат тагида.

Алишер Навоий, Фурқат, Муқими, Ҳамза ва бошқалар меҳнат инсонни маънавий гўзаллаштирувчи

ролига, меҳнатсеварликни тарбиялашга ва меҳнат аҳдини қадрлашга катта ўрин берадилар.

Қадимда ота-боболаримизнинг меҳнат хақида айтган доно накдлари хозирга қадар ҳам ўз қадрини ўйқотмаган.

Меҳнат қилсанг кўксинг тоғ,  
Хурмат қилсанг, дилинг боғ.  
Меҳнатли нон - шакар,  
Меҳнатсиз нон заҳар.  
Меҳнат баҳт келтирас,  
Меҳнат қилиб топганинг,  
Қанду асал тотганинг.

Бу тмақоллар орқали доно ҳалкимиз меҳнатни улуғлади, унинг самараси хақида фикр юритади. Ўзбек болалар ёзувчи ва шоирлари ҳам катталар меҳнатининг мазмунини ёртиб берганлар. Бунга К. Мухаммадийнинг «Этик», «Бир ҳовуч ёнғоқ» каби шеърлари мисол бўлади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳалқимиз меҳнат ва меҳнат кишисига қандай муносабатда бўлади?

2. Болаларни меҳнат ахдига хурмат руҳида тарбиялашга оид мулоҳазаларингиз.

## **XVII боб. БОЛАЛАРНИ МЕХНАТДА ТАРБИЯЛАШ ВА УЛАР МЕХНАТИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШНИНГ УСУЛВА УСЛУБИЯТЛАРИ**

### **Режа:**

1. Болалар боғчасидаги меҳнат тарбиясининг мазмунни.
2. Болаларни катталар меҳнати билан таништириш.
3. Боғчада болалар меҳнатини ташкил этиш.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнатининг мазмуни меҳнат тарбиясининг мазмунни ва болаларнинг имкониятлари билан белгиланади.

Мактабгача тарбия муассасалари иши мазмуни «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастурида ҳар бир ёш гурухига алоҳида кўрсатиб ўтилган. Меҳнат фаолиятида ва болаларнинг меҳнат жараёнида таркиб топадиган шахеий фазилатларига куилиладиган талабларнинг аста-секин мураккаблашиб бориши масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Меҳнат тарбиясига оид билимлар болаларнинг шахеий меҳнат фаолиятининг шаклланиши, унинг ташкил этилиши, ривожлантирилиши, натижаларига таъсир этади. Болалар катталарга тақлид килиб, меҳнат жараёнини яхшироқ ва мақсадга мувофиқ қилиб бажарилишини ўрганиб борадилар. Эгаллаган билимлари оркали меҳнатга тўғри муносабат, унга қизиқиш, меҳнат фаолиятида катталарга тақлид қилишга интилиш, буюмларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш хиссини шакллантиришга асос бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларда меҳнат фаолиятининг шаклланишида катталарнинг меҳнат фаолияти муҳим

роль ўйнайди. Шунинг учун бола меҳнат жараёнларига киришишдан олдин меҳнатнинг асосий таркибий қисмларини ажратиб олиши ва англаб етиши, меҳнат малакаларини ўзлаштириши зарур. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни катталар меҳнати билан таништириш оркали уларга катталарнинг меҳнати ижтимой фойдали меҳнат бўлиб, нарса ва буюмларни яратишга қаратилганлиги, улар ҳар бир инсон учун ва бутун ҳалқ учун зарур эканлиги тўғрисида тушунча бериб борилади.

Масалан, ўсимликлар ва ҳайвонларни парвариш қилиш оркали улардан олинадиган маҳсулотлар кимлар учун ва нима мақсадда ишлатилиши тўғрисида билим ва тушунчалар бериб борилади. Катталарнинг меҳнати билан таништириш улар тўғрисида аниқ билим ва тасаввурлар бериш, меҳнатни ва меҳнат натижаларини кадрлашга ўргатиш, меҳнатга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш, меҳнат қилиш хоҳишини тарбиялаш ва ишнинг сифатли бажарилишига ўргатишни кўзлаб ҳам амалга оширилади.

Катталар меҳнати билан таништиришнинг асосий мазмуни қўйидагилардан иборат:

- ҳар бир киши меҳнатининг ижтимоий моҳияти;
- меҳнат ахли ўртасидаги ижобий муносабат;
- ҳар қандай қасб ҳам муҳим эканлигини тушуништириш;
- меҳнат фаолиятининг асосий таркибий қисмлари билан таништириш;
- меҳнатнинг мақсади, унинг ижтимоий аҳамияти;
- материалларни танлаш (меҳнат материаллари);
- жиҳозлаш (меҳнат фаолияти учун зарур бўлган асбобларни тайёрлаш).

Болалар катталар билан биргаликда меҳнат Қилишлари оркали меҳнат малака ва кўйикмаларини тез ва осон эгаллаб оладилар, уларнинг катталар меҳнати тўғрисидаги билимлари бойийди, бундай меҳнат болаларга қувонч бағишлайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар қуйидаги

мехнат турларига жалб қилинади, ўз-ўзига хизмат қилиш, хўжалик ва майший меҳнат, табиат кучоғидаги меҳнат ва қўл меҳнати.

Ўз-ўзига хизмат қилиш - болалар меҳнатининг бир тури бўлиб, унда болалар илк ёшдан бошлаб мустакил овкатланиш, ювениш, кийиниш ва ечишишга, ўйинчокдарни йиғиштириб қўшишга ўргатилади, ўз-ўзига хизмат қилиш жараёнида болаларда мустакиллик, маълум мақсад билан харакат қилиш каби сифатлар шаклланади. Болалар қўлларидан келган ишни мустакил бажаришга ўрганадилар. Ўз-ўзига хизмат болаларда оддий меҳнат турларига нисбатан қизиқиш ўйғотади, батартиблик, интизомли бўлишга, одобга ўргатади.

Болалар хўжалик-майший меҳнатга болалар боғчасида ва оиласда жалб этилади. Унинг мазмуни ҳар хил бўлади: хона ва боғча майдончасини, хонани йиғиштириш, идиш-товорқарни йиғиштириш, чой идишларини, қўғирчоқ кийимларини, майда нарсаларни ювиш, машғулотга керакли материалларни тайёрлаб қўйиш, машғулотдан кейин стол устидаги нарсаларни йиғиштириб олиш.

Табиатдаги меҳнат боланинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик ва хайвонлар, ўйилар, жонсиз табиат тўғрисидаги билимлар манбаи, болаларда меҳнатсеварликни, табиатга эҳтиёткорона муносабатини тарбиялашда муҳим саналади. Қўл меҳнати машғулот, ўйинларга, меҳнат фаолияти учун зарур бўлган ўйинчоқ ва қазилмаларни тайёрлаш бўйича болалар меҳнатидир.

Болаларнинг жамоа меҳнати дастлабки жамоатчилик асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Жамоа меҳнатида биргаликда харакат қилиш, ўзаро ёрдам, шу билан бирга меҳнат тақсимоти ҳам мужассамлашган бўлади. Биргаликдаги меҳнатни, масалан, хонани йиғиштиришда, табиатдаги меҳнатда ташкил этиш мумкин. Бу ерда болаларнинг иш-харакатида ўзаро мутаносиблик бўлиши, яъни ҳар бола бир хилда чакконлик

билан харакат қилиши керак, бунинг натижасида маълум меҳнат муносабатлари юзага келади. Бундай вазиятда тарбиячининг болалар ўртасида тўғри муносабатни ўрнатишга қаратилган бевосита раҳбарлиги муҳим саналади.

Бундай раҳбарлик маълум изчилликда амалга оширилади:

1. Меҳнат малакаларини шакллантириш.
2. Болаларнинг умумий меҳнатини ташкил этиш.
3. Болаларнинг биргаликдаги меҳнатини ташкил этиш.

Болалар боғчасида меҳнат тарбиясининг вазифалари ва маъмуни муввафқиятли амалга ошириш учун керакли шарт-шароитлар яратилиши керак. Болалар меҳнати учун, аввало, жой, вакт, гигиеник шароитлар яратилмоғи лозим. озодалик, тоза ҳаво, керакли даражадаги ёруглик. меҳнатнинг болалар имкониятини мувоғик бўлиши, меҳнат вактини болалар ёшига қараб тўғри белгилаш (кичик ёшли болалар учун 10—12 дақика, катта гурух болалари учун 15-20 дақика). Болалар харакатларини алмаштириб туришни ҳам эътиборга олиш керак. Болаларга тўғри меҳнат тарбияси беришда катталарнинг бир-бири билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши, ҳамкорликда ишлаши ижобий натижа беради. Айниска, тарбиячининг ҳар қандай меҳнатга нисбатан вижданан муносабати, унинг ҳар хил касб эгаларига ҳурмат билан қарashi катта аҳамиятга эгадир. Меҳнат таълими жараёнида ва уни ташкил этишнинг хамма шаклларида ҳар хил метод ва усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, булар куйидагилар:

- ҳар бир меҳнат жараёнини намуна асосида тушунтириб бориш;
- бўлажак меҳнат фаолияти тўғрисида унинг маҳсулини кўрсатиш орқали сухбат;
- тарбиячининг хикояси;
- болаларни мустакил ишлашларини машқ қилдириш:

— ўйин-машклар ва дидактик ўйинлар.

Бутун меҳнат жараёнини ва унинг айрим кисмларини курсатиш, тушунтириш, эслатиш, назорат килиш, ўз-ўзини назорат, бажарилган ишни баҳолаш, айниқса, зарур.

Меҳнат тарбияси масалалари боғчанинг йиллик рејасида акс эттирилади ва тарбиячиларга меҳнат тарбиясини тўғри режалаштириш ва амалга оширишда ёрдам беради. Болалар боғчасида меҳнат тарбиясининг тўғри ташкил этиш ва унга раҳбарлик килиш ёш авлодни хар томонлама тарбиялаш вазифаларини амалга оширишга ёрдам беради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар боғчасидаги меҳнат тарбияси.
2. Болаларни катталарап меҳнати билан таништириш хусусида фикрларингиз.
3. Боғчада болалар меҳнатини ташкил этиш.

## XVII боб. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР МЕҲНАТИ

### Режа:

1. Мактабгача ёшдаги болалар меҳнатининг ўзига хос хусусияти.
2. Мактабгача ёшдаги болалар меҳнатининг тарбиявий аҳамияти.
3. Меҳнат тарбиясининг вазифаси ва воситалари.

Меҳнат тарбияси — ўсиб келаётган ёш авлодда меҳнатга қизиқиши шакллантириш, демократик хуқукий жамиятни куришда амалий иштирок этишга интилишни таркиб топтириш каби аниқ мақсадга қаратилган жараён бўлиб, меҳнатта ижобий муносабатни шакллантиришдан иборатdir.

Демак, меҳнат тарбияси болаларнинг меҳнат фаолиятига дойр билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олган меҳнат тажрибасини муввафқиятли ўзлаштириб олиши, уларда меҳнат ҳамда меҳнат ахдига хурмат уйғотиш, шахсни хар томонлама камол топтиришга қаратилган. Шунинг учун хам ёш авлодга меҳнат тарбиясини бериш долзарб саналади. Зеро, меҳнат хар бир киши камолоти ва умуман, жамият равнақида хам мухим аҳамият касб этади.

Меҳнат жараённида хар бир боланинг ёш хусусиятларини инобатга олиш мухим. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнатининг ўзига хос томонлари олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган. Меҳнат жараённида кишининг ижтимоий онги таркиб топади. Меҳнат ёрдамида болаларда бир-бирларига ёрдам

килиш, биргаликда ишлаш, умуман, биргаликда фаолият юритиш кўнинмалари шаклланади. Жамоа бўлиб ишлаш меҳнатда кучнинг ва жамоа куч-ғайратининг фойдасини тушуниш, бирлашишга интилиш туйғуларини тарбиялади. Меҳнат инсон шахсининг психик ва ахлокий жиҳатдан шаклланишда мухим аҳамият касб этади.

Меҳнатнинг ахлокий жиҳатдан қиммати унинг жамият учун аҳамияти билан белгиланади. Шунинг учун хам болаларга уларнинг қўлидан келадиган, ижтимоий аҳамиятили вазифаларни қўйиш мухим саналади. Чунки ўз меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини тушуниш хар бир боланинг жамият хаётига кириб бориши ва ўзини унинг фойдали аъзоси сифатида хис этишига имкон беради. Қолаверса, илк ёшлидан бошланадиган фуқаролик тарбиясининг асослари хам мана шунда. Ҳар бир бола, аввало, ўзини оила, боғча, мактабдаги меҳнат жараёнининг иштирокчиси, ўз меҳнатини умумий ишнинг бир қисми деб баҳолаши керак. Меҳнатни бундай ташкил этиш болаларда жамоа бўлиб фаолият юритишни хамда кўпчилик олдида ўзини тута билишга ўргатади. Шунга кура болаларни "тарбиялашда жамоа меҳнат турлари, айниқса, мухим саналади. Боланинг акдий ривожланишида меҳнатнинг аҳамияти катта: у олам, борлик атроф-мухитни идрок этиш имконини беради. Демак, мактабгача тарбия ёшидан бошлабоқ меҳнат қилиш болаларни эстетик хамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига олиб келади. Бу ўринда тарбиячи болаларни меҳнатга уларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятларини инобатга олган ҳолда жалб килиши зарур саналади. Тарбиячи болаларда меҳнат малакаларини таркиб топтиришда даставвал ишни материал ва асбобларни танлаш, улардан тўғри фойдаланиш, натижага эришиш малакаларини таркиб топтиришга эътибор қаратиши зарур. Шунингдек, болаларнинг боғчадаги меҳнатини уларнинг турмуши, ўйинлари билан боғлаш хамда меҳнат тарбиясини ҳар томонлама ривожланти-

риш вазифаларидан ажратиб кўймаслик алохида аҳамият касб этади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш ва жисмоний хусусиятларини инобатга олиб кўпроқ унумли меҳнатга жалб килишдан кура катталар меҳнатининг ижтимоий хусусиятларини таъкиддаган ҳолда болаларни уларнинг меҳнати билан таништириб бориш тарбияда ижобий муносабатни таркиб топтиради. Демак, боланинг имкониятларини инобатга олиб мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнатини ўйин билан, кичик ёшдаги мактаб болаларининг ўқишини эса уй юмушлари билан боғлаш зарур. Бу ўринда меҳнат тарбиясининг методларига таянган ҳолда болаларга топширикдарни бериш, бажариш усулларини кўрсатиш, ишни назорат қилиш, уларни меҳнатга жалб этиш ҳамда қизиқиши, кувонч билан ишлаш ва меҳнат сифатига эришишни таъминлашга олиб келади.

Демак меҳнатга қизиқиши, одатланиш, унинг зарурлигини тушуниш, меҳнат кўникма ва малакалари кундалик амалий ишларда ҳамда ҳар хил ижтимоий фаолиятда таркиб топади. Бундай муайян меҳнат туридан крбилият нишоналари ҳам вужудга келади.

Меҳнат тарбиясининг биринчи вазифаси меҳнатга психологик ва амалий тайёрликни таркиб топтиришдир. Ҳар бир инсон меҳнат қилмасдан, моддий бойликлар ишлаб чиқариш умумий жараённада иштирок этмасдан яшай олмаслигини аниқ тушуниб этиш. Меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тушунган киши яхши бажарилган ишдан кувонади, ишидан баҳт топади, ишининг самарасини хис қиласди. Бундай илҳомлантирувчи сабаблар натижасида меҳнат шахсни ҳар томонлама ривожлантириш воситасига айланади. Аксинча, факат моддий бойлик тўплаш учунгина килинадиган меҳнат кишини қашшоклаштиради, шахснинг салбий сифатларини ҳосил қиласди. Шунинг учун меҳнат тарбиясининг яна бир вазифаси — меҳнат фаолиятининг ижтимоий сабабларини таркиб топтиришдан иборатдир. Меҳнат тарбиясининг навбатдаги вазифаси ёш авлодда меҳнат

маданияти, кўникма ва малакаларини ҳосил килиш, меҳнатга хурмат ҳамда унинг натижалари - ижтимоий ва шахей мулкни эҳтиётлаш каби сифатларни таркиб топтириш; крблияят ва қизиқиш орқали ихтиёрий касбни танлаш мақсадида ёш авлодда меҳнат турига қизиқишни оширишдан.

Ёш авлоднинг меҳнат тарбияси вазифаларини амалга ошириш учун куйидаги воситаларда кенг фойдаланилади. Меҳнат фаолияти, унинг турлари, ташкил этишнинг илмий асослари билан кенг танишириш, ёш авлоднинг меҳнат тарбияси, қўлидан келадиган меҳнат турларини бажариш.

Демак, болалар меҳнати жисмоний камолот учун ҳам катта аҳамиятга\*эга, мушакларнинг фаоллиги, жисмоний зўр бериш боланинг организмдаги барча системагарининг иш фаолиятини оширади, меҳнатдаги харакатлар, уларнинг мувофиқдиги, уйғунлиги, ихтиёрилиги такомиллашиб боради. Меҳнатдаги мақсадга эришиш ижобий хиссий ҳолатни келтириб чиқаради, боланинг иш фаолиятини оширади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабгача ёшдаги болалар меҳнати узига хосликлари нимада?
2. Мактабгача ёшдаги болалар меҳнатининг аҳамияди.
3. Меҳнат тарбиясининг вазифа, восита ва шакллари.

## XIX боб. МАШҒУЛОТЛАР

### Режа:

1. Машғулот ҳақида тушунча.
2. Болаларни мактабга тайёрлашда машгулотнинг аҳамияти.
3. Машгулотнинг турлари.
4. Машгулотнинг тузилиши.
5. Машғулотларда тарбиячининг етакчилик роли ва уни ўтказишга тайёргарлиги.

Машгулот болалар боғчасида болаларга таълим беришнинг асосий шаклидир. Машғулот — тарбиячининг болаларни керакли билим ва малакалардан умумий холда хабардор килишидир.

Тарбиячи болаларга таълим беришни кун давомида амалга оширади: уларнинг билимларини бойитади, маданий, гигиеник, хулқ маданияти, нутки, санок-хисоб, харакатлари каби турли-туман малака ва кўникмаларини шакллантириб боради. Аммо таълим беришда бош ролни машғулот эгаллайди. Машғулотлар болалар боғчасида таълимни ташкил этиш шаклидир. У мактабгача тарбия ёшидаги ҳамда болалар учун мажбурийдир, унда дастур мазмуни белгилаб берилган. Кун тартибида унга маълум ўрин ва вақт ажратилган. Машғулот тарбиячи раҳбарлигига ўтказилади, тарбиячи машғулотларда болаларни янги билимлардан хабардор киласи, болалар эгаллаб олган билимларини эса аникдаб мустаҳкамлайди. Болаларнинг амалий машғулотларини ташкил этади. Ўқув материалининг мазмуни аста-секин мураккаблаштирилиб борилади. Демак, машғулот болаларни мактабга тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Машғулот орқали болалар ўкув малакасини эгалла олиб, ўз-ўзини яхши ташкил этадиган бўлиб қоладилап Уларда барқарор дикқат, иродани, дикдатни жалб эт олиш каби қобилиятлар ривожланади. Айниқса, болаларга билим беришни жамоа усулида олиб бориш кати ахамиятга биргаликдаги фаолиятда болалар бита бирларига фаол таъсир этишади, ўз ташаббуси, то] пағонлигини намоён қилиш имконияти туғилади. Болалар ишига зўр беришни талаб этувчи вазифий қўйилганда биргаликда қайфуришади, жамоатчилик хдсси шаклланади. Экскурсиялар, расм қирқиб ёпишти-; риш, кўриш-ясаш ишларини биргаликда бажариш, умумий ракс-ўйинларини ижро этиш, бадиий асарларни эшитиш, ўқиша пайдо бўлган биргаликдаги кечинмалар болаларнинг бирлашган дўстона жамоасини ярантишга ёрдам беради, бирга ишлаш, яшашга ўргатади.

Машғулотда таълим бериш орқали болаларда мактабдаги ўқишига қизиқиши тарбияланади, жавобгарлик хисси, ўзини тута олиш, меҳнат қилишга интилиш ода-1ти, топширилган ишни бажариш каби сифатлар хосил қилинади.

Машғулот пайтида болаларда мустакил фикр юритиши малакаси таркиб топтирилади, тарбиячиларга қулоқ солиш, ҳикоя қилинаётган воқеадаги асосий ғояларни ажратади олиш, қисқача умумлаштириш каби малакаларни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Тайёрлов гурухдарида машғулотлар орқали болаларда ташаббускорлик ва мустакиллик билимга қизикувчанлик, фаол тафаккур, таққослаш, умумлаштириш, хуносалар чиқариш каби малакалар тарбиялаб борилади. Машғулот жараёнида болаларда кузатувчанлик, жавобгарлик хисси такомиллаштириб борилади, уларда меҳнат қилиш малакаси ва хохиши тарбияланади. Болалар боғчасида кичконтойларни теварак-атрофдаги хаёт табиат билан танишириш, уларнинг нуткини, энг оддий математик тасаввурларни ўстириш машғулотлари, музика машғулотлари, тасвирий санъат машғулотлари,

кўриш — ясаш, жисмоний тарбия машғулотлари олиб борилади. Машғулотлар боладан акдий ва жисмоний кучларни талаб этади, яъни у боланинг фаоллиги билан боғлик бўлиб, бола маълум натижага эришиш учун интилади. Бу эса боладан узок ихтиёрий дикдатни талаб этади.

Машғулотларни куннинг биринчи ярмида ўтказиш мақсадга мувофик, чунки биринчидан, бола эрталабки соатларда акдий вазифани яхши бажара олади, хона табиий ёруғлик билан яхши таъминланган бўлади. Ҳар бир ёш гурухда неча марта машғулот ўтказилиши, унинг мазмуни ва ҳар бир машғулот ёш гурухдари бўйича қанча давом этиши болалар боғчаси тарбия дастурнида уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган холда белгилаб берилган.

**Болаларнинг билимларини синовчи машғулотлардан** мақсад тарбиячи болалар дастурда белгиланган билим ва малакаларни ўзлаштириш даражасини билиб олади ва ўзининг кейинги иши мазмуни, методларини белгилайди.

**Комплекс машғулотлар** болалар боғчаси тажрибасида кенг тарқалган бўлиб бундай машгулотлар болаларга янги билим беради. Эгалланган билимлар мустахкамланади. Машгулотнинг тузилиши: болаларни уюштириш, асосий кием, якунловчи кием.

Болалар машғулотга қизиқиши ва фаоллик билан иштирок этиши учун машғулот мазмуни ва методикаси пухта ўйлаб олиниши керак. Болалар ўкув фаолиятини қанчалик пухта эгаллаб олсалар, тарбиячини эътибор билан тинглаб, ўйиндан машғулотга осонлик билан ўтадилар.

Тарбиячилар болаларни йиғиб, уларнинг машғулотга тайёргарлиги: ташки кўриниши, ўз жойига тўғри ўтириши, дикқатини тўплаганини текширади. Машғулот муваффакиятли ўтиши учун болаларда қизиқиши уйғотиш, бунинг учун болаларнинг ёши, қизиқиши фаолиятига мое ҳар хил усувларни қўллаш керак. Ки-

чик гурух болаларида машғулотга қизиқиш уйғоти учун болаларни қизиқтирадиган мазмундаги күтилмаган топишмоқлар, муаммоли усуллардан фойдаланилади.<sup>^</sup> «Қулоқ солинглар-чи, кимдир әшик қокяпти? Бұқорбобо бизнигіңа меҳмонға келди», деб машғулотни бошлаш мақсадға мувоғиқ бўлади.

Тарбиячи катта гурухдарда эса қандай машғулот ўтказилиши ҳақида болаларни олдиндан огохдантириб қўяди. Бу эса болаларни кейинги машғулотга бўлган қизиқишини ортиради. Масалан, хайвонот боғига, экскурсияга боришни болаларга бир хафта олдин айтиб қўяди ва уларга ҳайвонот боғини айланиб чиқиши, ота-онаси билан сайр қилганда қандай ҳайвонларни кўрганини ва улар қандай таассурот қолдирганини эслаб қолишини таклиф этади.

Болалар эса бу кунни зўр қизиқиш ва хурсандчилик билан кутишади.

Катта гурух ва тайёрлов гурухдаридаги болалар ўтказилаётган машғулотнинг зарур ва мажбурийлигини онгли равиша тушуниб унга тайёрланиб борадилар. Машғулот жараёнида болаларга янги билим берилади. Берилётган топширик юзасидан йўл-йўрик кўрсатиласди. Топширикни бажаришда қийналган болаларга ёрдам ҳам берилади. Шунингдек, берилган топширикни ҳамма болалар томонидан тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун тарбиячи турли хил метод ва усуллардан кенг фойдаланади.

Боғча ёшидаги болалар ўқишини ва ёзиши билманганиклиари учун ўтилган мавзуни қайтариб мустаҳкамлай олмайди. Шунга кўра болаларга берилган билимни мустаҳкамлаш тарбиячи тақрорлаш ва машғулотлардан фойдаланиб боради. Бу жараёнда болаларга механик қайтариш ёки ёдлатишдан четлашиш керак. Чунки мазмуни англаб олинмаган материал тезда эсдан чиқади.

Машғулотда тарбиячининг болаларда қўядиган талаби, атбатта, уларнинг ёши ва имкониятига мое бўлиши

керак. Тарбиячи кичик гурух болаларини икки гурухга бўлиб машғулот олиб боради. Тарбиячи биринчи гурух болалари билан машғулот ўтказганда иккинчи гурух болатарига энага қараб туради.

Тарбиячи дастлабки машғулотлар жараёнида гурух хонаси қўғирчоқ ва ўйинчокдар билан танишириши керак. Қўғирчоқлар ёрдамида эса машғулот ўтказади. Тарбиячи аввал болаларда машғулотга қизиқиш уйғотиб берса, кейин машғулотнинг ҳамма учун мажбурийлигини болалар онгига сингдириб боради. Ўтказилаётган машғулотлар аста-секин мураккаблаштирилиб болалар хулқига мослаб борилади. Болалар машғулот жараёнида ахлоқ-қбидаларини эгатлаб борадилар. Тўғри ўтириш, тарбиячини сўзини дикқат билан эшитиш, чалғимаслик, тарбиячи сўрагандагина жавоб бериш, жавоб берганда ўрнидан туриш кабилар ўргатилади. Машғулотнинг сифати ва унинг натижаси тарбиячининг унга қандай тайёргарлик кўрганига ва педагогик маҳоратига боғлик.

Машғулотга тайёрланиш мазмунига куйидагилар киради: машғулотни рёжаташтириш, керакли жихозларни олдиндан тайёрлаб қўйиш, болаларни машғулотга тайёрлаш.

Тарбиячи машғулотни бир бўлимдан битта эмас, батки бутун бир машғулотлар тизимини режалаштириб олиб борса, ижобий натижани қўлга киритиши табиий. Тарбиячи машғулотларни методик адабиётлардан кенг фойдаланилган холда олиб бориш и керак. Агар машғулотлар мураккаброқ бўлса, тарбиячи, ачбалта, унга режа тузади. Режада машғулотнинг мазмуни тайёрланниш учун керак бўлган жихозлар, болачар билан олиб бориладиган дастлабки ишлар, машғулотнинг бориши ва тарбиячи фойдаланадиган методик усуллар кўрсатиласди.

Хар бир боғчада методика кабинетлари мавжуд, унда «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»нинг ҳамма бўлимлари бўйича методик қўлланмагар бўлади. Етишмаганини тарбиячи ўзи тайёрлайди, баъзан эса бу ишга

катта ва тайёрлов гурухдари болаларини жалб этади. Тарбиячи машғулот учун керакли материалларни бир кун илгари тайёрлайди.

Тарбиячи болалар боғчасида асосий шахе хисобланаб, ёш авлоднинг тарбияланганлиги ва билиш даражаси унинг ғоявий, сиёсий ва илмий педагогик тайёргарлигига, жавобгарлик хиссига, салоҳиятига, педагогик маҳоратига боғлиқ. Одатда, боланинг ўкув фаолиятига бўлган муносабати ҳам унинг тарбиячи шахсига бўлган муносабати билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарбиячи машғулот жараённида янги педагогик технология материачларидан ва тарбиянинг самарачи метод ва усулларидан фойдаланилса ҳамда боланинг рухияти, ёш ва ўзига хос рухий, физиологик хусусиятлари инобатга олинса, тарбиянинг самародорлиги ортади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Машғулот нима ва унга қандай талаблар

2. Машғулот босқичлари.

3. Машғулот турлари ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари.

## XX боб. БИР ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ

### Режа:

1. Бир ёшгача бўлган болалар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Бир ёшгача бўлган болалар гурухининг моддий мухитини ташкил этиш.
3. Бир ёшгача бўлган болачар гурухида кун тартибини ташкил этиш.

Бир ёшгача бўлган болачар ҳаётини тўғри ташкил этиш, болаларнинг физиологик эҳтиёжларини қондириш, уларни хар томонлама тарбиялаш ҳамда болачарнинг ёш хусусиятларига мувофик фаол ҳаракатни йўлга қўйиш учун илмий асосланган кун тартибини кўзда тутиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ёшгача бўлган болачарнинг ёш даврлари куйидагicha:

1. 2 ойдан, 5–6 ойгача.
2. 5–6 ойдан, 9 ойгача.
3. 9 ойдан 12 ойгача.

Ҳар бир ёш даврдаги болачар ҳаёт фаолияти ва хулқ-авторидаги баъзи хусусиятлари билан фарқданади. Болачарда биринчи ёшдан бошлаб факат органик эҳтиёж эмас, балки сенсомотор ҳаракат фаоллиги асосидаги катталар билан мuloқотда бўлиш эҳтиёжи намоён бўла бошлайди. Болачар каттачарнинг парваришиз ҳамда улар билан мuloқотсиз яшай ёки тўлақонли ривожчана олмайдилар.

Болалар ҳаётининг биринчи ёш давридан бошлаб ўзига хос тарбиявий вазифалар ҳал этиб борилади. Бир ёшдаги барча ёш даврига мансуб болачар гурухда

\* ял этишга йўналтирилган фаолиятини

биргаликдаги шароитда тарбияланиб борадилар. Болалар ҳаётини ташкил этишга оила вазифалари тарбиячи ва энагаларга юклатилади. Тарбиячи ва энагалар болаларни тарбиялаш жараёнида келишилган ҳолда ҳаракат қилиб, болалар парвариши ва тарбиясини аниқ амалга оширадилар. Табиячи болалар билан ўйинлар, ўйин-машғулотларни ташкил этади ва шу билан бирга болалар парваришига оид барча жараёнларда иштирок этади. Энага хонани тозалайди ва тарбиячига болалар ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Шунингдек, бир ёшгача бўлган болаларнинг моддий шароити ҳар бир болани ва барча болаларни биргаликда ўз вақтида ҳар томонлама, тўлақонли ривожлантириш хамда тарбиялашни таъминлашга каратилган бўлиши шарт. Гурӯх хоналари ўз ўрнига қараб ишлатилади. Айнан болаларнинг очик ҳавода ухлаши учун, умумий хона, овқатлантириш, бедорлик пайтида болалар билан ўйин машғулотлари ўтказиш учун мўлжаллангандир.

Режим бир ёшгача бўлган болалар ҳаётини тўғри ташкил этишининг асосий воситасидир. Унинг ўзига хос томони шундаки, йил давомида 3 марта ўзгаради. Ой ўтган сари овқатлантириш микдори уйку ва бедорлининг алмашинуви камаяди, бедорликда бўлиш давомийлигиузаяди. Ясли ва ясли боғчаларга болаларни илк ёшдаги биринчи гуруҳга қабул қилиш эрталаб соат 6.30 дақиқадан 7-8 гача давом этади.

Болалар ҳаётининг биринчи йилида уларда хилмажил хулқ шакллари таркиб топади.

Умуман, бир ёшгача болалар ҳаётини ташкил этишда кун тартиби катта ўринни эгаллайди. Шу билан бирга тўғри ташкил этилган кун тартибини болалар фаоллигисиз ташкил этиб бўлмайди. Болаларнинг бедорлигини ташкил этишда, уларнинг турли хулқ шаклларидаги эҳтиёжларини кондириш хамда боланинг муомала ҳаракатлари, буюмли ҳаракатлар, билиш тарбиялаш ва-

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

, бир ёшгача бўлган болалар тароиясмаг,, ўзига  
хо " р ёшгача бўлган болалар гуРУ^нинг молдии  
мух 3 т БИР «шгача бўлган болалар учун вдн тартиби.

биргаликдаги шароитда тарбияланиб борадилар. Болалар хаётини ташкил этишга оила вазифалари тарбиячи ва энагаларга юклатилади. Тарбиячи ва энагалар болаларни тарбиялаш жараённида келишилган холда харакат қилиб, болалар парвариши ва тарбиясини аниқ амалга оширадилар. Табиячи болалар билан ўйинлар, ўйин- машғулотларни ташкил этади ва шу билан бирга болалар парваришига оид барча жараёнларда иштирок этади. Энага хонани тозалайди ва тарбиячига болалар хаётини түғри ташкил этишга ёрдам беради.

Шунингдек, бир ёшгача бўлган болаларнинг моддий шароити хар бир болани ва барча болаларни биргаликда ўз вақтида хар томонлама, тўлақонли ривожлантириш ҳамда тарбиялашни таъминлашга каратилган' бўлиши шарт. Гурух хонатари ўз ўрнига қараб ишлатилади. Айнан болаларнинг очик ҳавода ухлаши учун, умумий хона, овқатлантириш, бедорлик пайтида болалар билан ўйин машғулотлари ўтказиш учун мўлжаллангандир.

Режим бир ёшгача бўлган болалар хаётини түғри ташкил этишнинг асосий воситасидир. Унинг ўзига хос томони шундаки, йил давомида 3 марта ўзгаради. Ой ўтган сари овқатлантириш микдори уйку ва бедорлининг алмашинуви камаяди, бедорликда бўлиш давомийлиги узаяди. Ясли ва ясли боғчаларга болаларни илк ёшдаги биринчи гурухга кабул килиш эрталаб соат 6.30 дақиқадан 7—8 гача давом этади.

Болалар хаётининг биринчи йилида уларда хилмажил хулқ шакллари таркиб топади.

Умуман, бир ёшгача болалар хаётини ташкил этишда кун тартиби катта ўринни эгаллайди. Шу билан бирга түғри ташкил этилган кун тартибини болалар фаоллигисиз ташкил этиб бўлмайди. Болаларнинг бедорлигини ташкил этишда, уларнинг турли хулқ шакллари даги эҳтиёжларини қондириш ҳамда боланинг муомала харакатлари, буюмли харакатлар, билиш тарбиялаш ва-

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

, Бир ёшгача булгли болалар тарбиасидаги ўзига  
х ө " р ёшгача булган болалар гуру^ииинг моддий  
м п 3 т Бир ёшгача бўлган болалар учуй кун тартиби.

## **XXI боб. ИККИ ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ**

### **Режа:**

1. Икки ёшгача бўлган болалар хаётини ташкил этишнинг ўзига хослиги.
2. Икки ёшгача бўлган болалар кун тартибини ташкил этиши.
3. Икки ёшгача бўлган болалар фаолиятини ташкил этиш йўллари.
4. Болалар тарбиясини йўлга қўйишда машғулотларнинг аҳамияти.

Икки ёшгача бўлган болалар хаётини ташкил этиш; аввало, болаларнинг ўзига хос хусусиятларни инобатга олиш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда турли тарбия воситаларини мақсадли қўллаш оркали амалга оширилади.

Икки ёшгача бўлган болалар хаётини ташкил этишда уларнинг мустакиллиги ва эркин фаолият уюштириш кўнникмаларига таянилади. Икки ёшгача бўлган болалар харакатда айrim мустакилликни намоён килади, кўпинча кундалик турмуш буюмлари билан мулоқотда бўлиш усулларидан хабардор, маданий-гигиеник мала-каларга эга бўладилар, ҳар хил фаолият турлари, тенгқурлари ва тарбиячиларга қизиқиш билдирадилар.

Мактабгача тарбия муассасаларида болалар хаётини тўғри ташкил этишда тарбиячининг етакчилик роли муҳим аҳамият касб этади. Улар бу ишни календар режа асоеида ҳамда «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастурига мувофик амалга оширадилар. Бу ёшдаги болалар хаётини ташкил этишнинг асосий воситалари

ўйин, машғулот, меҳнат, ҳаракат фаолияти болаларнинг бир-бири ва тарбиячи билан мулоқотидир. Бунда болалар ривожланиши билан улар фаолияти турлари мазмунан мураккаблашиб боради. Икки ёшгача бўлган болалар ҳаётида тўғри кун тартибини белгилаш муҳим саналади. Чунки кун тартиби болаларнинг ёш имкониятларидан келиб чиқадиган маълум давомийликка эгадир. Икки ёшгача бўлган болаларнинг бир фаолият туридан иккинчисига ўтишини тарбиячи уюштиради ва ўтказади. Тарбиячи болаларни гурухга қабул килар экан, умумий қоидаларга риоя килади, болалар боғчасига қатнаш яқинларидан маълум муддатга ажралиш демакдир. Болалани боғчада қатнашга қизиқиш уйготиш мақсадида тарбиячи ўйинчоқлар таклиф этади, мустакил ва осойишта ўйинларга жал б қилади. Машғул отдан олдин болаларни жисмоний ривожлантириш ва тетик кайфиятни яратишда жуда муҳим бўлган эрталабки бадантарбия ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб бошқа чинқириувчи тадбирлар ўтказилади. Нонушта вактида тарбиячи болаларнинг иштаҳа билан ва тартибли овқатланишларини қузатиб боради. У ҳар бир бола тажрибаларини назарда тутиб, қандай овқатланиш кераклиги ҳақида тушунчалар бериб боради. Нонуштадан сўнг икки ёшгача бўлган болачар билан битта машғулот, ўрта гурухдарда эса орасида қисқа танафуссли иккита машғулот, сўнгра сайр ўтказилади. Шунингдек, тарбиячи болаларга ёшлигидан бошлаб мустакил кийинишни, юванишни ўргатиши, уларни мустакилликка ундаши ҳамда ҳаракатларнинг изчил тартибини ўргатиши, буларни доимо кичкинтойларга эслатиб туриши лозим. Икки ёшгача бўлган болалар билан ўтказиладиган машғулотлар асосан ўйин кўринишида ўтказилади. Болаларда тарбиячи таълим вазифаларини тўғридан-тўғри қўймайди, бааки улар ўйин давомида келиб чиқади. Таълим вазифалари ўйин ҳаракатлари жараённида бажарилади. Бу ўринда тарбиячи болалар билан ва болаларнинг ўзаро мулоқотларининг ижобий та-

биати уларни маънавий ривожлантиришда ва тенгкурлари билан ўзаро муносабатларни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Куннинг иккинчи ярими мулокот учун жуда қулайдир.

Тарбиячининг болалар билан мулокоти ва болаларнинг ўзаро мулокоти фаолиятининг барча турларида содир бўлиши туфайли, бунда қувноқ оҳангнинг сакданиши мухимдир. Даставвач болалар ўртасидаги мулокот ўйинчок бахонасида юзага келиши мумкин. Болаларда бундай хамкорликдаги фаолият пайдо бўлганидан кейин уларда келишиб олиш зарурати юзага келади. Тарбиячи болалар мулокотида хайрихоҳлик, мулойимликни кўллаб-қувватлади, биргаликда ўйнаш қандай яхши эканига эътиборни қаратади. Айнан кичик гурухда оиласдан бoggага биринчи бор келаётган болалар мулокотда худбинликка мойил бўладилар, ўзларига ёккан ўйинчоқни бирорвга бергиси келмайди, фақат ўзигагина эътибор берилишини талаб қилади. Тарбиячи аста-секин барча болаларни хушмуомала бўлишга бир-бирларига хайрихох бўлишга ўргатади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Икки ёшгача бўлган болаларнинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Икки ёшгача бўлган болачарнинг кун тартиби.
3. Икки ёшгача бўлган болалар фаолиятини ташкил этиш.
4. Болалар тарбиясини йўлга қўйишда машғулотнинг аҳамияти.

## XXII боб. ИЖОДИЙ ЎЙИНЛАР, УЛАРНИНГ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИ ДАВРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

### Режа:

1. Ўйин болалар фаолиятининг асосий тури сифатида.\*
2. Ўйиннинг болачар фаолияти сифатида ўзига хослиги.
3. Ижодий ўйинлар мазмуни ва унинг асосий хусусиятлари.
4. Боғча ёшидаги болаларда ижодий ўйиннинг тарбиявий аҳамияти.

Ўйин боғча ёшидаги болачарнинг асосий фаолияти бўлиб, у оркали бола шаҳе сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг кай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф, этнограф, санъатшунос олимлар дикқатини ўзига тортиб келган. Ўйин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ юзага келган бўлиб, жамият хаётида меҳнатдан кейин туроди ва унинг мазмунини белгилайди. Ибтидоий жамоа вакиллари ўз ўйинларида овчилик уруш, дехқончилик ишларини акс эттирганлар.

Баъзи холларда ўйин меҳнат килиш истаги оркали юзага келади. Бола ўз ўйинида олдин катталар меҳнатига тақлид қиласди Кейинчалик уларнинг меҳнатида қатнашади. Ўйин ёш авлодни меҳнатга тайёрлайди. Болачар ўйинини бундай тушуниш биринчи марта К.Д. Ушинский томонидан таърифлаб берилган эди. У ўз асарларида болалар ўйинининг мазмуни улар-

нинг ҳаётдан олган таассуротлари билан белгиланиб, улар шахси шаклланишига таъсир этади, деб ёзди. Бу фикрни П.Ф. Леегафт хам тасдикдаб, болалар ўз ўйинларида теварак-атрофдан олган таассуротларини акс эттирадилар, дейди. Бундай фаолият боланинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Ўйин катталар ҳаётида муайян ўрин тутар экан, у болалар учун алоҳида аҳамиятга эга эканини олим ва педагоглар ўзларининг кузатиш ва илмий тадқиқотлари орқали исботлаб бердилар.

Тарбиячилар болалар ўйинига раҳбарлик қилишда қўйидагиларга риоя килишлари лозим:

1. Ўйин билан меҳнат ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш.

2. Ўйинда болаларнинг бўлажак меҳнат ахлига хос бўлган жисмоний ва руҳий сифатларини тарбиялаш.

Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади. Ҳаётий фаоллик яратилади. Бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Ўйин таълим ва машғулотлар билан кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб, жуда катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйинда акс эттирилган нарсани билиб олишга қизиқиш уйғонади, кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикрларини, билим доирасини кенгайтириш учун хизмат килади. Болалар ўйинлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажralиб туради. Улар ўз мазмуни ва ташкил этилишига кўра, кўлланиладиган буюмларнинг турлари келиб чиқишига кўра турличадир. Буларнинг барчаси болалар ўйинларини туркумлаштиришни фавқулодда нозиклаштиради, бироқ ўйинларга раҳбарлик қилиш учун уларни, албатта, гурухлаш зарур. Педагогикада ўйинларни икки катта гурухга бўлиш жуда кенг

тарқалган ижодий ва қоидали ўйинлар. Ижодий ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб то-падилар ва уларда ўз таассуротларини, борлик ҳақидаги тушунчаларини хамда унга муносабатларини акс эттирадилар. Қоидали ўйинлар эса катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига олиб киритилади. Мазмунни қоидатарнинг мураккаблигига қараб, улар турли ёшдаги болаларга мўлжалланган бўлади. Тайёр қоидали ўйинларнинг катта гурухини халқ ўйинлари ташкил этади, уларнинг кўплари авлоддан-авлодга ўтиб, бизга етиб^келган

Ўйинларнинг ҳар иккала гурухи хам ўзининг хилманилди кўринишларига эга. Ижодий ўйинлар гурухини сюжетли ролли ўйинлар ташкил этади. Ўйинлар ўз мазмунни ва қоидалари, тарбиявий таъеирига кўра шартли равишда дидактик ўйинлар ва мусиқий ўйинларга бўлинади. Дидактик ўйинларда аввало, болаларнинг аклий фаолияти ривожланади, уларнинг билимлари чуқурлашади ва кенгаяди, харакатли ўйинларда болаларнинг турли харакатлари такомиллашади, мусиқали ўйинларда эса мусиқий кобилиятлар ривожланади ва ҳоказо. Демак, ҳар бир ўйиннинг ўзига хос сифатлари мавжуд, бироқ улар қатор умумий хусусиятларга хам эга.

Ўйин — бу бола фаолиятининг тури. Шундай экан, бир фаолиятда бўлгани каби унга хам ўқотар хислатлар: мақсаднинг мавжудлиги, режали харакатлар, натижанинг мавжуди кабилар хосдир. Н.К. Крупская болалар ривожланишига қараб, унинг ўйинда ўз олдига қўядиган мақсадининг табиати хам ўзгаришини болалар тақлиди харакатлардан аста-секин ўйланган асосли мақсадларга ўтишларини кўрсатиб ўтган эди. Бола ўйиндаги мақсадига эришиши учун ўзига шериклар танлайди, зарур ўйинчокдарни топади, ўйин давомида муайян харакат ва қиликлар килади. Бошқа фаолият турларида бўлгани сингари ўйин жараёнига боланинг бутун шахсияти, унинг психик билиш жараёнлари, иро-

даси, хиссиёти ва таъсирчанлиги, эҳтиёж ва кизикишлари жалб этилади, ўйинда бола фаол харакат қиласи, гапиради, ўз билимларини қўллайди.

Ўйин ўзига хос хусусиятга эга. Ўйин боланинг шахсий ташаббусига кўра вужудга келадиган, ўзининг фаол ижодий йўсингани, юксак таъсирчанлик руҳи билан ажralиб турадиган эркин ва мустакил фаолиятдир. Ўйин эрталаб нонуштагача (15-20 дақика) бошланади ва нонуштадан кейин, машғулотлар ўртасида, очик ҳавода, уйқудан кейин ўтказилади. Эрталаб ролли ўйинлар, куриш-ясаш, харакатли ўйинларни ташкил қилиш тавсия этилади. Машғулот ўртасида харакатли, қоидали ўйинлар ҳам ўтказиб турилади.

Очиқ ҳаводаги ўйинларга эса югуриш, отиш, сирпаниш билан боғлиқ бўлган ўйинлар, қоидали ўйинлар (октеракми қўқ терак, она бўри кабилар) киради.

Кундузги уйқудан кейинги ўйинларга қурилиш ўйинлари, эртак бўйича сахналаштириладиган, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар ва х.к. киради. Ижодий ўйинларга сюжетли — ролли ўйинлар, сахналаштирилган ўйинлар, кўриш ясашга доир ўйинлар киради. Ижодий ўйинларда болаларнинг теварак-атрофдан олган тааесуротлари акс эттирилади. Ижодий ўйин болаларнинг мустакил ўйини бўлиб, унинг мазмунини болалар ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ўйинда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги ва ижодкорлик қобилиятлари тўлалигича намоён бўлади.

**Сюжетли - ролли ўйин** ўз хусусиятига кўра акс этирувчи фаолиятдир. Теварак-атрофдаги каттачар ва тенгдошларининг ҳаёти ва фаолияти бу ўйин мазмунини учун манба бўлиб хизмат қиласи. Ўйиннинг сюжети — ўз ҳаракати, муносабатлари билан боғланган воқеа, ходисалар ва уларнинг ҳаракатлари хурсандчилик хиссини пайдо қиласи, шунинг учун болани қизиктириб, унда яхши кайфият уйғотади, бола организмдаги фаолиятни яхшилади.

Ўйин боланинг акдий ривожланишида ҳам муҳим

аҳамият касб этади. Болалар ўйнашлари учун маълум воситалар ҳам керак. Масалан: болаларнинг ўз ҳаракатлари, ўйинчоқ ва бошқа материаллар. Болаларнинг кўп ҳаракатлари қуриш - ясаш билан боғлиқ бўлади. Улар соатлаб паровоз, пароход, электравоз қурадилар, уларни аслига ўхшатишига уринадилар. Тарбия воситаочарига ўйинчоқ ҳам киради. Ўйинчоқ бола ҳаракатини тўлдиради, ўйлаган образи ва фикрини амалга оширишга ёрдам беради. Масалан: қўлига қўғирчоқни қўтариб олган кизалоқ ўзини онадек сезади ва ҳақиқий оналар бажарадиган ишни бажаради, уни овқатлантиради, кийинтиради, ухлатади ва х.к.

Болачар ўйин жараёнида баъзи бир нарсаларни хоҳдаган нарсачарининг номи билан атаб, худди ўша нарсаларини фараз килиб жуда яхши ўйнайдилар. Масалан, қумни, «шакар», ўриндикини «машина» деб атаси мумкин.

Шундай қилиб, ўйин ижтимоий фаолият сифатида жамиятда муайян вазифаларни баджаради. Бола шахсни ривожчанишига катта хисса қўшади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўйиннинг мактабгача ёшдаги бола ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти нимада?

2. Ўйинлар қайси жиҳатларига кўра гурухданади?  
Хар бир гурух ўйинларига таъриф беринг.

**XXIII боб. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ  
БОЛАЛАР БИЛАН ҚУРИЛИШ,  
САҲНАЛАШТИРИЛГАН ВА ДИДАКТИК ЎЙИН  
МАШФУЛОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ**

**Режа:**

1. Қурилиш — ясаш ўйинларининг болаларни хар томонлама ривожлантиришдаги аҳамияти.
2. Саҳналаштирилган ўйинлар аҳамияти ва ўзига хос хусусияти.
3. Болаларни ахлоқий ривожлантиришда дидактик ўйинларнинг аҳамияти.

Қуриш материаллари билан ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар тарбия воситаси бўлиб хизмат қиласди. Болаларнинг қурилиш, буюм ясаш ўйинлари ролларга бўлинниб ўйналадиган ўйиннинг таркибий қисмидир. Бирор нарсани қуриш болаларни ўз фикрларини рўёбга чиқариш усули ҳисобланади.

Қурилиш ўйинининг бошловчиси тарбиячи бўлиши мумкин. Катта ёшдагиларнинг иштироки қурилиш ўйинларига ўз-ўзидан қизиқиши жалб қилиши мумкин. Бунда болаларнинг асосий дикқатлари бирор нарсани қуриш жараёнига қаратилади. Болалар ўз мақсадлари учун майший турмушдаги нарсалардан: ғўзалардан, яшиклардан, шохчалардан табиий материаллардан эса қум, лой, сув кордан хам фойд&танадилар. Болалар улғайгани сари ўзлари қилган қурилиш ишларидан кўнгиллари тўлмайди. Улар ўз ишларининг ҳақиқий қурилишига кўпроқ ўхшаш бўлишини истайдилар. Бунинг учун болаларга маҳсус қурилиш материаллари зарур бўлади.

Қурилиш материаллари турли хил геометрик шаклдан иборат бўлиши мумкин. Қурилиш ўйинлари болаларнинг меҳнат фаолиятига яқин бўлиб, уларни меҳнатга тайёрлайди. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар болалар тафаккурини ривожлантиради, уларни қурилиш ишларининг ўзига хос хусусиятларини ажратиш, таҳлил ва синтез килиш, солишириш, ўхшаш ва фарқди томонларини аникдашга мажбур этади. Вазифаларни тўғри ҳал қилишга ўргатади. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар геометрик жисмларнинг хусусиятлари, улар билан ишлашда фазовий нисбатларни (узоқ-яқин, баланд-паст, ўнг-чап, узун-қисқа, кенг-тор) амалда билиб олишга ёрдам беради.

Болалар қуриш - ясаш фаолияти жараёнида бир жамоа бўлиб бирлашадилар, натижада, уларнинг нутки ривожланади. Қурилиш материаллари билан ўйнаш болаларнинг маънавий дунёсига хам таъсир этади: тарбиячи болалар билан бирон иншоотни кузата туриб давлатимизнинг ҳалқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётганлигини тушунтиради. Тарбиячи болаларни қуриш - ясашга ўргатиш учун тарбиячи турли хил усуllарни кўллади:

- тарбиячи болаларга қуриш - ясашдан олдин тушунтирган ҳолда қуриб кўрсатади;
- тарбиячи қуриб кўрсатган ишни хар бир қисмини таҳлил қилиб беради;
- тарбиячи тайёр қурилишни намуна сифатида кўрсатади ва уни тушунтириб беради.
- тарбиячи ўзи битказилмаган қурилишни болаларга қуриб битказишини таклиф қиласди.
- болаларга хоҳдаган мавзуда ихтиёрий қурилишни таклиф қиласди.

Саҳналаштирилган ўйинларнинг ўзига хослиги шундаки, болалар бирор бир эртак ёки хикоя сюjetи асосида маълум бир ролни бажарадилар.

Саҳналаштирилган ўйин болаларнинг эшитган

асарлар ёки эртакдан олган тасавурларини мустакил ифодалаш ёки машқ қилиш имконини беради. Бу ўйинлар болаларда ирода, интизом, ўз харакатларини бошқаларнинг харакатига мувофик амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита ҳисобланади. Саҳналаштириш болаларни қайта сўзлашга ўргатиш усуllibаридан биридир. Айрим болаларда қайта сўзлаб беришга хоҳиш ҳам қизиқиш ҳам бўлмайди, лекин унга ўйин усули киритилиши билан бола асардаги ролга кириб, ўша асар мазмунини жуда яхши айтиб беришга харакат қиласди. Бундай ўйинда бола ўзини ўша асардаги қаҳрамон ўрнида хис этиб, унинг сезги кечинмалари дунёсига чуқурроқ кириб боради. Бадий асарларни қаҳрамонлар тилида сўзлаб бериш болалардаги хаёлни ривожлантиришга ёрдам беради ва асар қаҳрамонида мавжуд бўлган жасурлик, ўз-ўзига ишонч, мустакиллик каби характер каби сифатларини эгаллашга интилади.

Саҳналаштирилган ўйинларда тарбиячи раҳбарлик қиласди. Эртак ёки хикоядаги мазмун болаларга яқин, уларнинг ёши ва қизиқишига мое, тушунарли бўлиб бола унга киришиб кета олсагина, асардаги образ ва ҳаракатлар тўғри акс эттирилади. Саҳналаштирилган ўйинга тайёрланиш учун маълум вакт ажратилади ва ҳар бир машғулотда аниқ бир масалалар хал этиб борилади.

Дидактик ўйинлар болалар боғчасида таълим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйинлар бевосита таълим билан боғлик бўлиб, унга ёрдам беради. Дидактик ўйин - бу боғча ёшидаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мое келадиган таълим бериш методидир. Тарбиячи ўз тажрибасига таяниб, бу ўйиндан пассив болаларни жамоага аралаштириш, ҳар хил режалар, вазифаларни кўркмасдан бажаришлари учун фойдаланади. Дидактик ўйинлар болаларнинг биргаликда ўйнаб, ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан ўйфунлаштира олиши бир-бирига кўмаклашиш ва ўйро-

тишнинг муваффакиятидан хурсанд бўлиш каби яхши муносабатларни таркиб топишига ёрдам беради. Ўйинлар шахснинг соғдиллик, ростгўйлик каби ижобий хислатлари шаклланишига имкон беради. Дидактик ўйинлар болаларнинг амалий фаолияти саналади. Чунки унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам дидактик ўйинлар болаларнинг акдий фаолиятларини кучайтиради, олган билимларидан ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради.

Шунингдек, дидактик ўйинлар болаларни теваракатроф тўғрисидаги билимларини мустахкамлашга ёрдам беради, ўз шахеий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларини амалда қўллай билишга ўргатади, улардаги фикрлаш қобилияtlари, ижодий кучлар, сенсор жараённи ривожлантиради, олган билимларини тартибга солади. Дидактик ўйинлар таълим жараёнини енгилроқ қизикарлироқ ўтишига ёрдам беради. Болалар ёшлирига мое қизиқарли фаолият оркали ўйинда амалга ошириладиган акдий тарбия вазифасини жуда осонлик билан яхши ўзлаштирадилар. Дидактик ўйин катталар томонидан болаларни акдий ривожлантириш мақсадида яратилади. Унда ўйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча кўп қувонч бағишлайди. Дидактик ўйиннинг энг муҳим жихати уни ўтказишдан кўзда тутиладиган ғоядир.

Ўйин ғояси болаларда ўйинга қизиқиш уйғотади, кўпинча.бу ғоя дидактик ўйиннинг бош сабаби бўлади. Масалан, кутичада нима бор? ким қандай кичқиради? ва шунга ўхшаш. Ҳар бир дидактик ўйин мазмунни ғоясидан келиб чиқкан қоидалар бўлади. Унда қоиданинг мавжудлиги ҳаракат йўналишини ёки ўйиннинг боришини белгилаб беради, болаларнинг хулқини, ўзаро муносабатларини бошқариб, керак томонга йўналтириб туради. Қоида болалар ҳаракатини баҳоловчи мезон саналади. Дидактик ўйинларда амал қилувчи қоидалар ўйин ҳаракатларининг тўғри-

нотўғрилигини<sup>^</sup>аниқловчи ва уларга баҳо берувчи мезон саналади. Ўйин натижалари болаларнинг маънавий ва ахлоқий озуқа олганликлари билан белгиланади. Айниқса, болаларнинг фаҳм-фаросати, топоғонлиги, дикқат ва хотираенин намойиш килади. Буларнинг хаммаси болаларнинг ўз кучига ишончини оширади, тўлдиради, улар бундан маънавий қоникиш ҳосил қиласидилар. Дидактик ўйинни болаларнинг берган саволлари, таклифлари ва ташаббусларига қараб, ўйин жараённида кутилмагандага кенгайтириш, унинг мазмунини бойитиш мумкин. Ўйинни белгиланган вактда бошлиш ва тугатиш катта маҳоратдир. Ўйинни тарбиячи болаларда ўйинга қизиқиши ўйғотган холда тугатиши керак, токи болалар шу ўйинни яна давом эттиришини хоҳдасинлар. Дидактик ўйинлар гурӯҳ хонаси, зал, майдо нча, ўрмон, дала ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Бу ўйиннинг таъсирчанлигини, таассуротларнинг хар хиллигини, болаларнинг фаоллигини оширади. Шундай қилиб, дидактик ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш воситаси бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Дидактик ўйин қандай ўйин?
2. Сахналаштирилган ўйинлар-чи?
3. Ўйиннинг таълим ва тарбиядаги аҳамияти нимада?

## XXIX боб. БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Педагогик жараённи ташкил этиш тамойиллари.
2. Педагогик жараённинг ташкил этилиши.
3. Болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.

Физиология, гигиена, психология, педагогика соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида болалар боғчаларида кичкентойлар ҳаётини ташкил этишнинг қуидаги тамойиллари ишлаб чиқилди:

1. Ҳар бир ёш гурӯхида болаларни жамоатчилик руҳида тарбиялаш ва уларнинг хар томонлама ривожланишини таъминлайдиган бир хил шарт-шароитлар яратиш.
2. Болаларни ёш гурӯхларига тақсимлашда хар бир гурӯхга факат бир хил ёшдаги болаларни танлаш ва шунга қараб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.
3. Болаларнинг хар хил фаолият билан шугулланышлари ва бир-бирлари билан мулоқотга кириша олишлари учун зарур бўлган моддий мухитни яратиш. Бунинг учун гурӯҳ хонаси ва майдончани гигиеник, педагогик, эстетик талаблар даражасида керакли асбоб-анжомлар билан таъминлаш.
4. Болаларнинг ёшига мое кун тартибига риоя қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш.
5. Болштр шахеини шакллантирадиган фаолият турларини ташкил этиш ва бу фаолиятлар учун кун тартибидан маълум вакт ажратиш.

Болаларнинг хар хил фаолиятларини илмий асосланган тамойиллар асосида алмаштириб бориш болалар боғчасининг хар хил ёш гурухдарида болалар ҳаётини тўғри ташкил этишни таъминлайди.

Болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга каратилган педагогик жараён мураккаб ва ранг-барангдир.

Тарбия масалалари таълим-тарбия ишининг ташкилий шакллари, болалар фаолиятининг ҳар хил турлари: машғулотларда таълим бериш орқали, ижодий ва қоидали ўйинлар, болаларнинг мустакил фаолияти, уларнинг ўз меҳнати ва катталар меҳнати билан таништириш, ўз-ўзига хизмат килиш, сайрлар, гигиеник тадбирлар орқали амалга оширилади.

Таълим-тарбия ишларини муваффакиятли амалга ошириш болалар боғчасидаги педагогик жараённинг ҳар бир фаолият турини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Болалар боғчасининг педагогик жараёнида таълим муҳим аҳамият касб этади ва кундалик ҳаёт, ўйин, меҳнат, машғулотлар орқали амалга оширилади. Машғулотда таълим ва тарбия вазифалари ҳал этилади. Болалар теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан танишиш, нутқ ўстириш, савод ўргатиш, математика, жисмоний маданият, тасвирий фаолият, мусиқа бўйича энг оддий тасаввур ва билимларни, малака ҳамда кўнникма системасини эгаллаб оладилар. Болалар эгаллаб олишлари керак бўлган билим, малака ва кўнникмалар болалар боғчаси дастурида белгилаб берилган бўлиб, у болаларнинг умумий ривожланиши ва уларни мактаб таълимига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Машғулотларда таълим бериш дидактика тамойиллари асосида болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, маълум изчилликда олиб борилади, мазмуни секин-аста мураккаблаштириб борилади. Натижада, у ривожлантирувчи ва тарбияловчи хусусиятга эга бўлади.

Дастурда ҳар бир ёш гуруҳида ҳафта давомида

ўтказиладиган машғулотлар сони ва ҳар бир машғулот қанча давом этиши белгилаб қўйилган. Тарбиячи мана шунга асосланиб, ўзининг ҳафталик машғулотлар жадвалини тузади, бу таълимнинг ҳамма бўлимлари бўйича белгилangan таълим-тарбия ишларини тўғри тақсимлаш ва бир хилда амалга оширишга имкон яратади. Машғулотлар жадвалини тузишда куйидаги талабларга риоя килиш керак:

Дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича машғулотларни ҳафтага тенг тақсимлаш.

1. Ҳафтанинг биринчи ва охириги кунига осонрок машғулотлар қўйилади.

2. Ҳафтанинг сесанба, чорсанба ва пайсанба кунларида болалардаги акдий фаолият тезлашади, шунинг учун бу кунларга мураккаброқ ишлар режалаштирилади.

3. Кун давомида биринчи бўлиб болалардан акдий зўр беришни кўпроқ талафотлаштирилади (теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан таништириш, она тили, математика). Тасвирий фаолият, жисмоний тарбия, мусиқа ва шунга ўхшаш машғулотлар кейинроқка режалаштирилади.

4. Кун давомида машғулотлар қуйидагича тартибда алмаштириб борилади: математика ва жисмоний тарбия, она тили ва тасвирий фаолият ва х.к.

5. Машғулотларни бундай тақсимлаш болаларнинг дастур материалини енгилроқ ўзлаштириб олишига имкон яратади.

Кун давомида бир неча марта: эрталабки қабул вактида, эрталабки ва кечки сайдарда болаларнинг мустакил фаолиятлари ташкил этилади. Болалар ўзларига таниш бўлган дидактик ва ҳаракатли ўйинларни ўйнайдилар, хоҳдаган расмларини чизадилар, хоҳдаган нарсаларини ясайдилар, китоблар, расмларни томоша киласадилар, хоҳдаган бадиий асарларини тинглайдилар.

Болаларнинг мустакил фаолияти улар учун дам олиш соати ҳисобланади, аммо иш билан бир вактда болаларнинг ўз-ўзини ташкил эта билиш қобилияти

ўишига, хулқ маданияти иродавий сифатларнинг тарбияланишига, жамоа муносабатларининг шаклланишига ёрдам беради. У ҳар хил фаолиятларда болалардаги ўзига хос ижодкорликнинг ривожланишига кенг имконият яратади. Шунинг учун болаларнинг мустакил фаолиятига хам тарбиячининг раҳбарлик қилиши талаб этилади: чунки хоҳлаган иши билан шуғулланишига имкон яратиш, керакли материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда, тарбиячининг маслаҳати лозим бўлади.

Кун давомида системали равишда меҳнат фаолияти ташкил этилиб, болалар каттатарнинг меҳнати билан таништириб борилади. Бу иш машғулотларда, экспурсияларда, мақсадли сайрларда, болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнати давомида амалга оширилади.<sup>7</sup> Бунда болаларнинг асосий эътибори меҳнатнинг инсонлар учун фойдасига, унинг хилма-хиллигига, ишлатгандарнинг ахлоқий муносабатларига қаратилади.

Болаларнинг овқатланиши, машғулотга тайёрланиши, табиат бурчагида навбатчи вазифасини бажариш уларда топширикка нисбатан жавобгарлик хиссини ривожлантиради, шу билан бирга ижтимоий ҳис ва муносабатларни шакллантиради.

Болалар хаёти куннинг биринчи ва иккинчи ярмидағи кун тартибига биноан ташкил этилади. Бунинг учун хамма зарур шарт-шароитларни яратиш зарур.

**Кичкина гурух** болаларнинг кўп вақти гурух хонасида ўтади. Яхши жихозланган хона, ўйинчоқ ва қўлланмаларни тўғри танлаш болаларнинг тўлаконли хаёт кечиришининг асосий шарти хисобланади. Гурух хонасидаги ўйинчоқдар бу ёщдаги болаларнинг 2—3 та бўлиб ўйнашларини эътиборга олиб жойлаштирилиши, бир қанча ўйинлар учун ўйинчоқ бурчаги ташкил этилиши, унда яна қурилиш материаллари, ҳаракатланувчи ўйинчоқлар хам бўлиши керак, қолган ўйинчоқдар, расмлар, шкафларга болалар бемалол оладиган қилиб жойлаштирилиши лозим. Хонада болаларнинг полда

машина, аравачаларни бемалол юргиза олишлари ва йирик қурилиш материаллари билан ўйнашлари учун хам жой ажратилиши керак, ҳаракатларни ривожлантирувчи жихозлар бинонинг маҳсус хоналарида сакданади ва жисмоний тарбия машғулотларида гина олиб чикилади. Майдончага қум яшиклари, болаларнинг сакрашлари, тирмашиб чиқишилари учун керакли жихозлар, қорда, музда учишлари учун чаналар кўйилади.

**П кичик гурух.** Моддий мухит иккинчи гурух болалари учун хам худди биринчи кичик гурухнидек ташкил этилади. Бундан ташқари, кузатиш ва меҳнат учун табиат бурчагига аквариумда балиқ, тўрларда қушлар ва майдада ҳайвонлар жойлаштирилади. Гурух хонасидан китоб жавони учун жой ажратилади. Боғча майдончасида спорт ўйинлари билан шуғулланиш учун маҳсус жой бўлади, у керакли анжомлар билан жихозлаб кўйилади.

**Ўрта гурух.** Гурухда ухлаш хонаси, ҳожатхона ва ечиниш хонаси бўлиши керак.

Гурух хонаси бир неча бўлимдан иборат бўлиши керак. Биринчи ўйин бўлимида қўғирчоқдар ҳамда керакли нарсалар жойлаштирилган шкаф бўлади. Иккинчи ўйин бўлимида қурилиш материаллари қўйиладиган шкаф ва улар билан ўйнаш учун жой ажратилади. Шу хонанинг яна бир қисмida болаларнинг бадиий фаолият билан мустакил шуғулланишлари учун керакли материаллар кўйилади. Китоб бурчаги ва стол усти босма ўйини билан шуғулланишлари учун ўйин бурчагида тинчроқ жойни ажратиш керак. Табиат бурчагини дера-заларга яқинрокқа жойлаштирган маъқул. Хона амалий санъат асарлари ва кўкаламзорлаштирувчи ўсимликлар билан безатилади.

Майдонча бошқа майдончалардан яшил, манзарали ўсимликлар билан тўсилиб, жисмоний машклар ва спорт ўйинлар учун керакли асбоблар билан жихозланади.

**Катта гурух.** Ўйин бўлимлари болаларнинг ёшига

мое холда ўрта гурух хонаси каби жиҳозланади. Гурух хонасида яна машғулот ўтказиладиган бўлим ажратилади ва у ерга тарбиячининг столи, экран, шкаф, тахта жойлаштирилади. Болаларнинг мустакил ўйнашлари учун хамма керакли материаллар (столлар, ўйинчокдар солинган кутичалар, витрина шкафи, токчалар ва бошқалар) бўлиши лозим. Табиат бурчаги, кўл меҳнати билан шугулланадиган бурчак, китоб бурчаги, тасвирий фаолият бурчаклари бўлиши керак.

**Тайёрлов гурухи.** Бу ердаги машғулот ўтказиладиган бўлимда катта гурухдаги сингари болалар учун икки кишилик столлар қўйилади. Гурух хонасидаги жиҳозлар зарурат туфайли шуғулланганда ўйинга жой бўшатиш мақсадида бошқа томонга-сурниб қўядиган қилиб жойлаштирилади. Майдончада спорт ўйинлари ва хар хил ўйин учун жой ажратилади, гулхона ва полиз ташкил этилиб, у ерда болалар ўзлари гул ва сабзвотларни этиштирадилар.

**Болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.** Куннинг биринчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этиш. Болаларнинг боғчада 9—12 соат бўлиши кун тартибида белгилаб қўйилган. Бунда эрталабки кабул мухим роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг bogчадаги вақти қизикарли, сермазмун ўтишини таъминлайди.

Шундай килиб, кун давомида болалар ҳаётини ташкил этишдаги талаблар куйидагicha:

1. Болаларнинг хамма фаолият турлари билан шуғуланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.
2. Ҳар бир ёш гурухда фаолият турларини алмаштириб бориш.
3. Болаларнинг харакат фаоллигини етарлича таъминлаш.
4. Машғулот, ўйин, меҳнат, майший фаолият ўртасида боғликдик ўрнатиш.
5. Болаларнинг олган билим, малака, қўникмаларини мустакил фаолиятларида қўллай олишга ўргатиш.

6. Болани фаол бўлишга, хар доим бирон нарса билан машғул бўлишга ўргатиш.

7. Ҳар бир болани ижодий қобилиятлари, хоҳиш ва қизиқишлигини дикқат билан кузатиб бориш ва унинг янада ривожланиши учун шарт-шароит яратиш.

8. Болаларнинг бутун фаолиятига тарбиячининг раҳбарлиги.

9. Кун тартибига қатъий риоя килиш.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1.- Мактабгача ёшдаги бола ҳаётини ташкил этишга кандай талаблар қўйилади?

2. Мактабгача муассаса тарбиячисининг кундалик фаолияти нималардан иборат?

3. Кун тартиби ва унга амал килиш тўғрисида нималар дея оласиз?

## **XXVбоб. БОЛА ТАРБИЯСИДА БОҒЧА ВА ОИЛА ХАМКОРЛИГИ**

### **Режа:**

1. Бола тарбиясида оиланинг ўрни.
2. Оилада болани тўғри тарбиялашнинг шартшароитлари.
3. Мактабгача тарбия муассасасининг оила билан хамкорликцаги фаолияти.
4. Мактабгача тарбия муассасасининг ота-оналар билан хамкорликдаги ишининг шакл ва усуllар.

Хозирги ижтимоий ўзгаришлар оилавий тарбия масалаларига, айникса, оилада фарзанд тарбиясига хамда оилатар шароитини яхшилаш, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни кучайтиришга алоҳида дикқат-эътибор қаратишни тақозо этмоқца. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлашда яслилар ва боғчалар, мактаб-интернатлар ва бошқа шунга ўхшаш муассасалар кенгайтириш орқали оилаларга хар томонлама ёрдам бериш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, мактаблар, болалар ва табиёт муассасатарини куриш, улардаги шароитни яхшилаш иши муентазам равишда амачга оширилиб борилмоқда.

Давлат болаларнинг яслида, боғчада тарбияланиши, умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-хунар коллажларида, олий ўкув юртларида билим олишлари учун сарфланадиган харажатларни йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда.

Шунингдек, оналарга қулайлик туғдириш, уларни моддий шароитларини яхшилаш, бола тарбияси билан шуғулланишини таъминлаш учун катта имк<sup>ч</sup>иятлар яратилмоқда. Масалан, мактабгача тарбия муассасалар

тармоғини кенгайтиришга **ва** ундаги моддий ва маънавий шароитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бола туғилганда биринчи болага, иккинчи **ва** учинчи болага бериладиган суюнчи пулларини микдори йилдан-йилга оширилиб бормоқца. Ёш болали оналарга 2 **ва** ундан ортиқ 12 ёшгача меҳнат таътилларини узайтирилиши, боласи 3 ёшга тўлғунга қадар пулли таътилларни жорий қилиниши ва ўз мутахассислиги бўйича иш стажи сакданиши, ёлғиз оналарга эса хар бир боласи учун бериладиган ойлик нафака пули микдорининг купайтирилиши; ота-оналарнинг болалари билан биргаликда дам олишлари ва даволанишлари учун шарт-шароитларнинг яратилиши, шунингдек, боласини ўзи тарбиялаб, шу билан бирга ишламоқчи бўлган оналарга тўла бўлмаган иш куни, иш хафтаси, уйда ишлашлари учун шароит яратилиши, болалар касалланганда уни парвариш учун пул тўланадиган вактнинг узайтирилиши шулар жумласидандир.

Демак, давлатимиз оила ва оилада фарзанд тарбияси вазифасини юқори баҳолайди ва бу ишни муваффакиятли амалга ошириш учун керакли шартшароитларни яратиб беради.

Айникса, оилани мустаҳкамлаш, унинг шароитларини яхшилаш ва кишиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хамда оила, боғча, мактаб, меҳнат жамоалари ўртасидаги алоқани яхшилаш, ота-оналарнинг болалар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Ота-оналар бола тарбиясига жиддий эътибор бериб ўз болаларини қандай инсонлар бўлиб етишиб чиқишига ва уларда қандай фазилатлар ҳосил қилинишини назардан четда қолдирмасликлари керак. Ота-она боласининг тарбиясини тўғри йўлга қўйиши учун уни яхши билиши ва тушуниши керак. Бунинг учун эса ота-онада педагогик билимлар мужассам бўлиши керак. Бу билимлар ота-оналарнинг болаларни ёш ва индивидуал хусусиятларини ўрганишга, хулқини

тўғри таҳдил қилишга, унинг тарбияси учун тўғри йўлни танлашга ёрдам беради.

Шунинг учун ота-она бола тарбиясида, энг аввало, педагогик одобга риоя қилиши мухим саналади.

Педагогик одоби нима ўзи? деган савол туғилиши табийи.

Педагогик одоби деганда бола билан бўлган муносабат жараёнидаги меъёрга риоя қилиш, яъни боланинг онгига, қалбига, шахсига таъсир этадиган тарбиявий чораларни, уларнинг ёш-хусусиятларини ва имкониятларини хисобга олиб, шароитига караб танлай билишdir.

Педагогик одоби—болани тарбиялашдаги моҳирлик бўлиб, буни тарбиячилар сингари ота-оналар ҳам билиши, ўрганиши лозимdir. Чунки ота-оналар ўз хулки, феъл атворини ташкил эта билишлари ва боланинг калбида, онгида нима кечётганини сеза олишлари мухим саналади.

Инсонни қандай шаклланиши ким бўлиб етишиши аввало, оиласидаги тарбияга, ота-онанинг тарбиясига, салоҳиятига, масъулиятлилигига ва бола тарбиясининг умумий қонуниятларини яхши билиб, уларга қандай амал қилишига боғлик.

Лекин кўпчилик оиласарда бола тарбияси бўйича жуда мураккаб вазиятлар юзага келмокда. Бундай вазиятлар ота-оналарнинг педагогик билимлардан хабарсиз эканликлари сабабли юзага келмокда. Ота-оналарнинг кўпчилиги ахлок, хуқукшунослик, психолого-тик ва педагогик билимларни билмайдилар. Бу эса бола тарбиясида ноxуш воқеаларга сабаб бўлмокда. Шундай экан ота-оналарнинг дунёкарашини, тафаккурини ва уларнинг амалий фаолиятини кучайтирувчи, оиласа боланинг хулкини ва уларнинг тарбиявий таъсирини таҳдил қилишга ундовчи педагогик билимларни янада кенгроқ тарғиб қилиш мухим саналади.

Мактабгача тарбия муассасасининг оила билан иш олиб бориш жараёнида аниқ максад кўзда тутилиши мухим саналади.

Ота-оналар билан ҳамкорлик асосида амалга оши-

рилган ишларни таҳдил қилиб, улар билан боғлик бўлган шакл ва усул асосида режали ҳамда изчили ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай болалар боғчаси ходимларининг ота-оналар ва оиласалар билан ҳамкорликдаги ишларининг кенг таркалган шакл ва усуллари мавжуд; буларга:

а) ота-оналар ва оиласалар билан яккама-якка ишлаш. Таълим-тарбия жараёнида бу тур катта аҳамият касб этиб, яхши натижаларни кўлга киритиш имконини беради. Бунда тарбиячи оила ва боланинг шахсий хусусиятларини ўрганиб, тарбиявий жараёнда инобатга олади. Бунинг натижасида<sup>^</sup> тарбиячи ва ота-она ўртасида ўзаро ишонч, хурмат, дўстлик муносабатлари ўрнатилади;

б) ота-оналар билан жамоа тарзида ташкил килинадиган ишлар. Булар ота-оналарнинг гурухди ва умумий мажлиси, ота-оналар мактаби, анжуманлар, шанбаликлар, (болалар боғчаси ходимларининг ота-оналар билан биргаликда амалий фаолияти) савол ва жавоб кечалари;

в) кўрсатмали ишлар. Ишнинг бу турини: ўргазмалар, фотомантажлар, болаларнинг ишларини намойиш қилиш, очик эшиклар куни, ота-оналар бурчаги, ота-оналар учун кутубхона, оиласий тарбиянинг турли муассасалари бўйича материаллар солинган папка ва шу кабиларни камраб олади;

г) боланинг оиласини бориб кўриш ва оила аъзолари билан якиндан танишиш;

д) ота-оналарга педагогик таълим бериш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ота-оналар ва оила билан ҳамкорликда олиб бориладиган иш шаклларининг айримларини қандай ташкил қилиш усулларига куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Тарбиячининг оиласи бориб кўриш. Бола яшаб турган оиласи бориб кўриш, ота-оналар билан якин алоқа Ўрнатиш ва уларга ёрдам, маслаҳатлар беришнинг самарали йулларидан биридир. Тарбиячи оиласи текширувчи сифатида эмас, балки маслаҳатчи, дўст сифатида бола

тарбиясига ёрдам берувчи шахе сифатида боради. Тарбиячининг оиласи боришидан асосий мақсади бола тарбияланаётган шароитни кўриш ва зарур булеа, отаоналарга ёрдам кўрсатишдир.

Тарбиячи хар бир оиласи хар гал боришдан аввал, ўз олдига аниқ мақсад қўйиш, қайси мавзуда сухбатлашиши олдиндан белгилаб олиши лозим.

Демак, отаоналарга бериладиган савол олдиндан пухта ўиланган бўлиши керак. Сухбат шундай тузилиши керакки, тарбиячи билан отаона бир-бирларини яхши тушунишлари ва улар ўртасида ишончли алоқа ўнатилиши керак.

2. Отаоналар билан шахсий сухбатлар. Оила билан шахсан ишлашнинг кенг тарқалган усусларидан бири сухбат бўлиб, бу болаларни эрталаб қабул қилиш ва "кечқурун жўнатиш пайтида ўтказиш мумкин. Бу сухбат тарбиячи билан отаоналарнинг бир-бирлари билан яқинроқ танишларига, уларга боланинг хаёти хақидаги маълумотлар билан хабардор қилишларига, унинг муваффакияти ва камчиликлари, хулқи, соғлиғидаги ўзгаришларни кузатишга ёрдам беради.

3. Гурухий маслаҳатлар ва мажлислар. Гурухий маслаҳатлар мавжуд маълумотлардан уларни хабардор килиш эмас, балки оиласи тарбия тажриба алмашинувини назарда тутади. Отаоналар билан мулоқот қилиш отаоналарга жамоа бўлиб, гурух бўлиб маслаҳатлар уюштиришнинг мазмунини аниқдашга ёрдам беради.

Отаоналарнинг гурухий мажлисида ҳамма гурух болатарининг отаоналари, параллел гурухлар отаоналари ва катта гурух болаларининг отаоналари таклиф этилади.

Умумий мажлисда отаоналарни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ривожлантириш ва тарбиялаш вазифали, шу йилги режалар, отаоналар қўмитасининг фаолияти, оила тарбиясидаги илғор тажрибалар билан таниширилади.

Биринчи умумий мажлис ўкув йилининг бошида ўтказилса, иккинчи умумий мажлис ўкув йилининг охи-

рида ўтказилади. Бунда мактабгача тарбия муассасанинг ўтган йилдага иш якунлари хақида маълумот берилади.

4. Отаоналар ва мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг биргаликдаги фаолияти. Отаоналар боғча майдонини кўкаламзорлаштириш, участкадаги жихозларни ва қўлланмаларни таъмирлаш, хоналарни қишига тайёрлаш, соғломлаштириш ишларини ўтказишида ёрдам кўрсатишлари, янги ўкув йилига тайёргарлик вактида санитария ишларида, болаларни саёҳатларга кузатиб боришларида иштирок этишлари лозим.

Агар отаоналар орасида фотосуратчилар, курувчиilar, рассомлар бор бўлса, улар мактабгача тарбия муассасаларига бевосита ёрдам беришлари керак.

5. Отдоналар учун кечалар ва тўгараклар уюштириш.

Мактабгача тарбия муассасаларида отаоналар ва бошқа оила аъзолари учун ўтказиладиган кечалар мавзули характерга эга бўлиб, «Бола лой, отаона кулол», «Бола азиз, одоби ундан азиз» каби маюуларни танлаш мумкин.

6. Очиқ эшиклар куни. Очиқ эшиклар куни жамоанинг ўз календар йиллик режаси бўйича хар бир ёщцаги гурухнинг маълум режими бўйича одатдаги меҳнат кунидир. Бундай кунларни йилида 1–2 марта ўтказиш мумкин.

Хулоса шуки, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оиласи тарбиялашни, отаоналар билан ҳамкорликни бундан кейин янада такомиллаштириш йўлларини излаб топиш, оиласи тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алоқасини мустахкамлаш.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Оиласи тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?
2. Оиласи отаоналарни вазифалари нималардан иборат?
3. Оиласи бола тарбияси деганда нимани тушунасиз?
4. Оила ва боғча ҳамкорлигининг аҳамияти.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., Ўзбекистон. 1992.
2. Узбекистан Республикасининг Қонуни «Таълим тўғрисида».
3. И.А. Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. — Т., Шарқ нашриёт - матбаа концерни, 1998.
4. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан колсин. - Т . ,1995.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. — Т., 1997.
6. И.А.Каримов. Узбекистан келажаги буюк давлат. Т., 1998.
7. И.А.Каримов. Халқимизнинг йўли мустакиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир. — Т., 1996.
8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Т., 1995.
9. И.А.Каримов. Ватан озодлиги — олий саодат. — Т., 1997.
10. Мактабгача тарбия муассасаса тўғрисидаги Низом - 1995.
11. С.Юсупова. Мактабгача тарбия педагогикаси. Ўқув қўлланма — Т.: «Ўқитувчи». 1993.
12. Болалар боғчасида таълим дастури. — Т., 1993, 1999, 2000. Мактабгача тарбия справочники. — Т., 1974.
13. Справочник по дошкольному воспитанию. — М., 1980.
14. Болалар боғчаси мудиралар учун. - Т., 1989.
15. Болалар боғчасининг катта тарбиячиси. — Т., 1991.
16. Общественное дошкольной воспитание на современном этапе. — М., 1981.
17. Мактабгача тарбия педагогикаси. П. Юсупова. — Т., «Ўқитувчи». 1993.
18. Р.АМавлонова, О.Т.Тўраева, У.М.Холикбердиев Педагогика. — Т., «Ўқитувчи». 2001.
19. А.Минавваров Педагогика. - Т., «Уқдгувчи». 1996.
20. Ю.П.Азларов Болаларни севши санъати. - Т., 1992.
21. З.Миртурсунов Ўзбек халқ педагогикаси - Т., 1973.
22. Мухаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. - Т., 1991.
23. С.Ражабов Педагогика фанининг алломалари - Т., 1991.
24. Астровская. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий тарбияси. - Т., «Уқдгувчи». 1977.
25. Я.А.Коменский Буюк дидактика. - Т., «Ўқитувчи», 1975.
26. В.П.Беспалко. Слагаемые педагогической технологии. - М., Педагогика, 1989.
27. К-Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова. Педагогика тарихи. - Т., «Уқдгувчи». 1996.
28. М.Аҳмедов, О.Шоумаров. Ватан маҳалладан бошланади. Ҳаёт ва иктисад. 1992.
29. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т., «Ўқитувчи», 1993.
30. И.Саифназаров. Бозор иктисидиёти ва шаҳе камолоти. — Т., 1996.
31. М.Иномова. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. - Т., Низомий номидаги ТДПУ. Махпират номидаги Ўрта Осиё ҳалқдари тарихи институти. 1999.
32. М.Иномова. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш. - Т., «Фан», 1995.
33. Ўқувчиарни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб хамкорлиги концепцияси. - Т., «Ўқитувчи», 1998 .
34. Узбекистан педагогикаси антологияси. - Т., «Уқдгувчи» 1995.
35. И.Усмонов. Одобни ҳаётдан ўргандим. - Т., г «Уқдгувчи», 1995. 145

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т., Ўзбекистон. 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Таълим тўғрисида».
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод Узбекистан тараккиётининг пойдевори. — Т., Шарқ нашриёт — матбаа концерни, 1998.
4. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т., 1995.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. — Т., 1997.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., 1998.
7. И.А.Каримов. Халқимизнинг йўли мустакиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир. — Т., 1996.
8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т., 1995.
9. И.А.Каримов. Ватан озодлиги — олий саодат. — Т., 1997.
10. Мактабгача тарбия муассаса тўғрисидаги Низом — 1995.
11. С.Юсупова. Мактабгача тарбия педагогикаси. Ўқув қўлланма — Т.: «Ўқитувчи». 1993.
12. Болалар боғчасида таълим дастури. — Т., 1993, 1999, 2000. Мактабгача тарбия справочники. — Т., 1974.
13. Справочник по дошкольному воспитанию. — М., 1980.
14. Болалар боғчаси мудиралар учун. — Т., 1989.
15. Болалар боғчасининг катта тарбиячиси. — Т., 1991.
16. Общественное дошкольное воспитание на современном этапе. — М., 1981.
17. Мактабгача тарбия педагогикаси. П. Юсупова. — Т., «Ўқитувчи». 1993.
18. Р.А.Мавлонова, О.Т.Тўраева, У.М.Холикбердиев Педагогика. — Т., «Ўқитувчи». 2001.
19. А.Минавваров Педагогика. — Т., «Ўқитувчи». 1996.
20. Ю.П.Азларов Болаларни севиш санъати. — Т., 1992.
21. З.Миртурсунов Ўзбек халқ педагогикаси — Т., 1973.
22. Мухаммад Пайғамбар киссаси. Ҳадислар. — Т., 1991.
23. С.Ражабов Педагогика фанининг алломалари — Т., 1991.
24. Астровская. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ахлоқий тарбияси. — Т., «Ўқитувчи». 1977.
25. Я.А.Коменский Буюк дидактика. — Т., «Ўқитувчи», 1975.
26. В.П.Беспалко. Слагаемые педагогической технологии. — М., Педагогика, 1989.
27. К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова. Педагогика тарихи. — Т., «Ўқитувчи». 1996.
28. М.Ахмедов, О.Шоумаров. Ватан маҳалладан бошланади. Ҳаёт ва иктисад. 1992.
29. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. — Т., «Ўқитувчи», 1993.
30. И.Саифназаров. Бозор иктисидёти ва шахе камолоти. — Т., 1996.
31. М.Иномова. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. — Т., Низомий номидаги ТДПУ. Махпират номидаги Ўрта Осиё ҳалқдари тарихи института. 1999.
32. М.Иномова. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш. — Т., «Фан», 1995.
33. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб хамкорлиги концепцияси. — Т., «Ўқитувчи», 1998 .
34. Узбекистон педагогикаси антологияси. — Т., «Ўқитувчи» 1995.
35. И.Усмонов. Одобни ҳаётдан ўргандим. — Т., „«Ўқитувчи», 1995. 145

## МУНДАРИЖА

<i>I боб.</i> Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мавзуси, услугияти ва баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни.....	3
<i>II боб.</i> Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. Тарбиячи ва унга қўйилган ҳозирги замон талаблари .....	13
<i>III боб.</i> Мактабгача ёшдаги болаларни мафкура руҳида тарбиялаш усуллари.....	21
<i>IV боб.</i> Мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси...	29
<i>V боб.</i> Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси .....	36
<i>VI боб.</i> Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялаш муаммолари .....	42
<i>VII боб.</i> Болалар жамоаси. Бола шахсини шаклантиришнинг муҳим шарт-шароитлари .....	50
<i>VIII боб.</i> Болалар жамоасини шаклантириш ва бола шахсидаги ахлокий сифатларни тарбиялаш. Шаҳе ва жамоа .....	55
<i>IX боб.</i> Ақдий тарбия ва таълим .....	59
<i>X боб.</i> Ақдий тарбия ва таълимнинг мазмуни, услуглари .....	67
Дастурнинг яратилиш тарихи .....	67
<i>XI боб.</i> Сенсор тарбияси .....	72
<i>XII боб.</i> Ахлокий тарбия .....	77
<i>XIII боб.</i> Ахлокий тарбия методлари .....	^2
<i>XIV боб.</i> Болаларда ватанга мухаббат ва байналмалликни тарбиялаш .....	^7
<i>XV боб.</i> Эстетик тарбия .....	91
<i>XVI боб.</i> Мехнат тарбияси .....	95
<i>XVII боб.</i> Болаларни меҳнатда тарбиялаш ва улар меҳнатига раҳбарлик килишнинг усул ва услубияти- лар .....	10?
<i>XVIII боб.</i> Мактабгача ёшдаги болалар меҳнати .....	
<i>XIX боб.</i> Машғулотлар .....	
<i>XX боб.</i> Бир ёшгача бўлган болалар тарбияси .....	
<i>XXI боб.</i> Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси .....	
<i>XXII боб.</i> Ижодий ўинилар, уларнинг мактабгача тарбия ёши давридаги тараккиёти .....	
<i>XXIII боб.</i> Мактабгача тарбия ёшидаги болалар би-	

лан қурилиш, саҳналаштирилган ва дидактик ўйин мапвулотларини олиб бориш .....	^
<i>XXIV боб.</i> Болалар боғчасида педагогик жараеши ташкил этишининг максади ва вазифалари .....	^
<i>XXV боб.</i> Бола тарбиясида боғча ва оила хамкорлиғи .....	^
Фойдаланилган адабиётлар .....	